



# Ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

ОИЛИК  
АДАБИИ-  
БАДИИИ,  
ИЖТИМОИИ-  
СИЕСИИ  
ЖУРНАЛ

Бош редактор:  
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,  
Эркин АЪЗАМОВ,  
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,  
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,  
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,  
Олимжон ИСМОИЛОВ,  
Фёдор КАМОЛОВ,  
Муроджон МАНСУРОВ  
(бош редактор ўринбосари),  
Омон МАТЖОН,  
Хайриддин СУЛТОНОВ  
(масъул секретарь),  
Худойберди ТУХТАБОЕВ,  
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ,  
Урие ЭДЕМОВА,  
Уткир ҲОШИМОВ.



(20)  
1983  
Йил,  
АВГУСТ

ТОШКЕНТ  
Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий Комитетининг  
«Ёш гвардия» нашриёти

# МУНДАРИЖА

## ДАВР — БИЗНИНГ ТАҚДИРИМИЗДА

**Абдуллажон ЖУМАБОВЕВ.** Биз танлаган йўллар . . . . . 3

## НАСР

**Шароф БОШБЕКОВ.** Тушов узган тулпорлар. Драма . . . . . 11

**Аббос САИДОВ.** Менинг опоқдадагинам. Ҳикоя . . . . . 36

**Шухрат ҲОШИМОВ.** Кичик ҳикоялар . . . . . 58

## НАЗМ

**Муҳаммад ЮСУФ** . . . . . 7

**Тўра СУЛАЙМОН** . . . . . 9

**Аҳмад ТОШҲУЖАЕВ** . . . . . 29

**Сирожиддин САИДОВ** . . . . . 30

**Садриддин САЛИМОВ** . . . . . 35

**Матназар АБДУЛҲАКИМОВ** . . . . . 63

## АДАБИЙ ДҮСТЛИК—АВАДИЙ ДҮСТЛИК

**Мўмин ҚАНОАТ.** Шеърлар . . . . . 46

**Эрвин УМЕРОВ.** Эчкиҳоя тошчалари. Ҳикоя . . . . . 48

## МУҲОҚАМА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА

**Шокирали НУРАЛИЕВ.** «Қоғоз гуллар» сабоғи . . . . . 64

**Сулаймон РАҲМОН.** Сабоғни табиий гуллардан олайлик . . . . . 69

## ПУБЛИЦИСТИКА

**Қодиржон СОБИРОВ.** «Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилдан...» . . . . . 32

**Йўлдош СУЛТОНОВ.** Сўзланмаган нутқ . . . . . 76

## ЕШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ

**Ориф ФАРМОНОВ.** Уч конверт . . . . . 79



«Навбат — Муножот Йўлчиевага!»

У. АҲМЕДОВА фотоси

## МУҚОВАДА

Биринчи ва тўртинчи бет: rassom Одилбек БОБОЖОНОВнинг «Қуёшга жилмайган шаҳар» асари.



*«Коммунистик идеалларга, революцион анъаналарга содиқ бўлган ёшлар беш йилликнинг олдинги марраларида меҳнат қилмоқдалар. Тузумимизнинг келажаги ишончли қўлларда.»*

КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми материалларидан

## АБДУЛЛАЖОН ЖУМАБОВ,

«Андижанводстрой» трестига қарашли 7-механизациялашган кўчма колонна скреперчиси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

# БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛЛАР

*КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми бутун совет халқи, жумладан ёшлар олдига катта вазифалар қўйди. Пленум материаллари ҳамманинг диққат марказида турибди. Атоқли механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мирзараҳим Жумабоевнинг ўғли, андижонлик чўлқувар Абдуллажон Жумабоев ўз тенгдошлари, устоз ва шогирдлар, меҳнат шавқи, инсон қадри, умуман, давр талаби ҳақида фикр юритади.*

Отанинг бир гапи ҳали-ҳали қулоғим остида жаранглайди. «Ўғлим,— деган эди у,— ҳар ким ҳаётда ўзига йўл танлаб олади. Биров узун йўлни танлайди, биров қисқа йўлни. Кимдир тўғри йўлни хуш кўради, кимдир эгри йўлни... Мен сенга насиҳат қилиб ўтиришни эп кўрмайман. Ёшинг етиб қолди. Сен меҳнаткаш фарзандисан. Ҳаётда ўз йўлингни тўғри танлай биласан, деб умид қиламан. Сенинг йўлинг меҳнат йўли, фақат меҳнат йўли бўлсин».

Бугунги очиқ партия мажлисида эшитганларим отанинг ўша ўғитларини яна бир бор ёдимга солди.

Мажлис тушликка тўғри келди. Кун иссиқ. Скрепер кабинасига бош суқиб бўлмайди. Кўчма колоннамиз партия ташкилотининг секретари партиямиз Марказий Комитетининг шу йилги июнь Пленуми материалларини ўқиб берди. Жуда таъсирли, жонли тарзда тушунтирди. Ўртоқ Ю. В. Андропов ва ўртоқ К. У. Черненко докладларининг мағзини биргалашиб чақдик. Хусусан, ёшлар тарбияси ҳақида гапирилган сўзлар анча баҳсга сабаб бўлди. Уларда худди кўнглимиздаги мулоҳазалар айтилибди. «Бугунги кунда мактаб партасига ўтираётган кишилар йигирма биринчи асрнинг гоёт мураккаб вазифаларини ҳал этадилар»,— дейилибди Марказий Комитет секретари ўртоқ К. У. Черненконинг нутқида. Бу сўзлар менга узоқ болалик йилларимни эслатди.

... 1962 йил 1 сентябрь куни тонготарда отам мени уйқудан уйғотди.

— Узоқ чўлдан атай сени деб келдим, ўғлим,— деб елкамга қоқди. Қарасам, қўлида янги папка. Ичи тўла китоб. «Юр, мактабга ўзим олиб бориб қўяман» — деди отам. Мени етаклаб чиқиб кетаётгани намга ўғирилди-да, ошкора фахр билан деди:

— Яна ўн-ўн беш йилдан кейин қўлимиздан ишимизни оладиган шулар-да, онаси!

Орадан шунча йил ўтди, лекин отанинг ишонч тўла умидвор сўзлари кечагидай бир хил акс-садо беради: «Ҳаётда ҳар ким ўзига йўл танлайди... Қўлимиздан ишимизни оладиган шулар-да».

Яқинда Шаҳрихоннинг гавжум бозори ёнида болаликдан бирга ўсган ҳаммаҳалламни учратиб қолдим. Менга қўлининг учини бериб, менсимайгина саломлашди.

— Кўринмай кетдингизми?— сўради у «супер-люкс» «Жигули»сининг капотига суянганича, қўлида машина калитини ўйнаб.

— Чўлда ишлаяпман,— жавоб қилдим мен,— отамизнинг меҳнати сингган жойда.

— Э, ҳа-а, чўлқувармиз денг?— У маъноли бош чайқади.— Заъонамиз қаҳрамонларидан бириман денг. Хў-ў-ш, маош қанча?

— Етарли,— дедим мен гапни калта қилиш учун.

— Ота касбини тутибсиз-да,— истехзоли жилмайди ҳамсуҳбатим,— биз ҳам ота касбини қилиб юрибмиз.

— Хизмат қаерда?

— Хизмат... Нима бўлса ҳам, топганимиз тирикчиликка, кунда бир марта Шаҳрихонсой бўйида паловхўрлик қилишга етиб турибди. Хўш, чўл қалай? Чанг-тўзон, пашша жонга тегмадими?.. Бола-чақа боқиш учун шунданшунга бориб ишлаш шартми?

Биз совуққина хайрлашдик.

Автобусда уйга қайтпман. Дамба-дам ҳалиги ҳамсуҳбатим кўз ўнгимда жонланаверди. Ешимиз деярли тенг. Ҳали ўттизга ҳам борганимиз йўқ.

Унинг отаси ҳам умр бўйи бозордан чиқмас эди. Ўғли отасининг изидан борди. Дипломни сандиққа ташлаб қўйиб (у асли ўқитувчи) қассоблик қилди. Кейин газ-сув сотиб юрди. Уч-тўртта машина алмаштирди.

Бу йигитнинг турмуш тарзини эслаб, Пленум материалларини кўз ўнгимга келтирдим. Уларда нақадар катта проблемалар акс этган. «Баъзи ёшларнинг гражданлик жиҳатидан кечикиб камол топиши ва уларнинг сиёсий гўллиги, текинхўрлиги, бугунги кунда жамият талаб этаётган жойларда меҳнат қилишни истамаётганлиги ташвишлантирмоқда. Ёшларнинг бир қисми билимлари ва меҳнатсеварлиги билан эмас, балки ота-оналарининг пулига сотиб олинган қимматбаҳо буюмлар билан ўзини кўрсатиш иштиёқи ташвишлантирмаслиги мумкин эмас».

Мен ҳам ўзимни ота ўғли деб ҳисоблайман. Отамнинг ҳаётини давом эттиряпман, деган умиддаман. У билан фахрланаман, юриш-туришимда, ишларимда, ҳар бир қадамимда унга ўхшашга, унга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.

Ҳозир Марказий Фарғона районларида Мирзараҳим Жумабоев номини эшитмаган одам топилмаса керак. Гап унинг биринчи чўлқуварлардан эканлиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлигида эмас. У ҳақиқий одам эди, асл меҳнаткаш эди, бошқаларни ўзига эргаштира оларди.

Отам ёшлигиданоқ техникага ҳавас қўйган.

Ўсмирлик чоғиданоқ Катта Фарғона каналини реконструкция қилишда иштирок этди. Кейинчалик эса, Марказий Фарғона чўлларига ҳужум бошланганда биринчи ташаббускорлар сафида бўлди.

Фарғона водийсининг бундан йигирма йил аввалги ва ҳозирги хариталарини бир солиштиринг. Эски харитада водийнинг маркази, таъбир жоиз бўлса, «киндиги»да қатор-қатор сариқ нуқталар кўзга ташланади. Бу — қум барханлари. Ҳозирги харитада эса сариқ нуқталар жуда оз қолган.

Энди эни йигирма-ўттиз, узунлиги эса эллик километрга етадиган майдонни кўз олдингизга келтириб кўринг. Марказий Фарғона ер ўзлаштирувчилари кейинги чорак аср мобайнида худди ўшанча майдонни табиат исканжасидан тортиб олдилар. Бу ишда отам ва у билан ёнма-ён ишлаган тракторчи, бульдозерчи, скреперчи дўстларининг жуда катта ҳиссалари бор.

Одамдан ҳаётда бирон-бир из қолиши керак, дейдилар. Мен мана шу гуллаётган воҳани, яшнаётган Марказий Фарғона чаманини отамдан қолган из деб тушунаман. Мангу, бир умр ўчмас, ҳавас қилса арзийдиган из. Мен ўша табаррук ишларни давом эттиряпман деб, ичимдан суюнаман.

Биз бугун бригадамиз билан янги объектга кўчамиз. Бу дегани барча вагон-уйлар, скреперлар, трактор ва бульдозерлар ўрnidан қўзғолади. Саф тортиб тизилишганча ҳув олисдаги қум барханлари томон йўл олишади.

Кеча 129-шартли квадратни фойдаланишга топширдик. Қоида шундай: янги ўзлаштирилган ерни давлат комиссияси қабул қилиб олади. Ўзлаштирилган участкага сув олиб келинганча, у ер сатҳига бир текис таралгандан сўнггина қабул актига имзо чекилади. Шу билан биз бу ерда ўз ишимизни тугаллаган ҳисобланамиз. Ана энди ер сизники, чўлқувар ўртоқ! Эртага қафтдай текис бу ерда саҳоватли қўлингиз билан нима етиштирсангиз, ихтиёр сизда.

Биз эса, яна илгарилаб кетамиз. Чўлнинг ичкарасига йўл оламиз. У ерда эса барча ишга янгидан тайёргарлик кўрилади.

Аввалгидай вагон-уйларни бир сафга терамиз. «Театр кийим илгичдан бошланади», деган экан Станиславский. «Чўлни ўзлаштириш вагон-уйлардан бошланади», деймиз биз. Чунки вагонлар — бу бизнинг уйимиз. Ҳафтанинг олтинини шу ерда ўтказамиз.

Эрталаб эса, тонг саҳарда, ҳали қуёш узоқдаги тоғлар ортидан бош кўтармай туриб бригаданинг барча техникаси, ўндан ортиқ тракторлар, бульдозерлар, скреперлар янги квадратга ҳужум бошлайдилар. Мазкур квадрат узунлиги уч ва эни тўрт километр бўлган қум барханларидан иборат массив. Бу ерда асрлар давомида фақат қуёш ва беаёв шамол ҳукмронлик қилган. Биз ана шу қум барханлари бильярд доскаси сатҳидек теп-текис ҳолга келмагунча юз от

кучига эга бўлган техника билан суриб те-  
кислайверамиз.

«Иш қийинми?» дерсиз. Ростини айтиш керак — ниҳоятда қийин. Тасаввур қилинг. Қуёш аямай қолдиради. Мабодо чўл шабадаси бироз тиниб қолгудай бўлса, кабинанинг ичида нафас олишнинг иложи қолмайди. Томоққа чанг-тўзон ёпишади. Унлаб қудратли техниканинг суронидан қулоқлар том битилади. Худди ана шундай пайтларда бир қултум совуқ сувни мўъжиза каби эсга оласан, одам. Шаҳрихонсой бўйидаги сўлим-сўлим оромгоҳлар бехос кўз ўнгингдан ўтади. Балким юқорида айтиб ўтган ҳамсухбатим ҳозир ўша дарё устига қурилган чойхоналардан бирида лунжини тўлдириб паловхўрлик қилаётгандир? Майли, ҳар кимнинг ўз йўли бор...

Минг шукрки, ёшларимизнинг аксарияти ҳалол, пок, виждонли, қалбида яратиш ишқи жўш урган йигит-қизлардир. Июнь Пленумида Марказий Комитет секретари ўртоқ К. У. Черненко таъсирли бир фактни келтирди. «Бугунги кунда, — деди у, партия сафларида 30 ёшга тўлмаган уч миллиондан кўпроқ коммунист бор».

Ўшаларнинг бири менман. Иккинчиси ҳам-касбим, мусобақадодим Виктор Богатирёв. Келинг, у танлаган йўлга бир назар ташлайлик. Виктор шу чўлларнинг фарзанди. Ўрта мактабни битирдию, ҳунар-техника билим юртига ўқишга кирди. Тракторчилик касбини эгаллади. Ҳошимжон Хўжаев, Абдуманноб Солиев, Маъмуржон Абдуллаев каби моҳир скреперчилар унга устозлик қилишди. Виктор жуда тиришқоқ йигит. Ҳозир у ўз касбини мукамал эгаллаб олган тажрибали скреперчилардан бири. Энг аввало область, кейин республика, ундан кейин эса Бутуниттifoқ мусобақаларида биринчиликни қўлга киритди.

Виктор танлаган йўл ҳам меҳнат йўли, обрў-иззат йўли, шон-шухрат йўли. У жон куйдириб ишлайди, ҳамиша олдинги сафда бўлишга интилади, бошқаларга ёрдам қўлини чўзади. Отам ҳам ана шундай инсоний ҳислатларни ўзида мужассамлаштирган одам эди.

Унинг синфни энди тугаллаган эдим. 1971 йилнинг ёзи. Отам Мирзараҳим Жумабоевга шу йили Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди. Бу юксак унвон қанчадан-қанча меҳнатлар эвазига берилишини мен фақат кейинчаликки тасаввур қилдим.

— Мен билан чўлга бормайсанми? — деб қолди бир куни отам. Рози бўлдим. Йўловчи машинада роса йўл юрдик. Чўлнинг ичкарасига қараб кетяпмиз — поёни кўринмайди. Пешинда манзилга етиб бордик. Мен, шаҳарда ўсган йигит, фақат ўша кунигина чўлнинг нима эканлигини, қум барханлари қандай бўлишини, ҳақиқий шамолнинг нималигини, пашшалар қандай талашини биринчи марта кўриб билдим. Туни билан бўрон ўкириб чиқди. Эрталаб эса ўн

чоғли скрепер ва бульдозерлар иш бошлади. Отам ҳам пешонасини қийиқ билан танғиб скрепер тиркалган тракторининг рулига ўтирди. «Кабинага чиқ» деди менга. Ярим соатлар чамаси ўзи ишлади.

«Миниб кўрасанми?» — деди бир оздан сўнг. Мактабда, техника тўғаракларида тракторни ўргангандик. Ҳайдаб кўрдим. Отам йўл-йўриқ бериб турди.

Ўз меҳнатинг маҳсулидан илк бор завқланиш ҳисси ажойиб бўларкан. Скрепернинг темир кураги қатор-қатор қум барханларини текислаб боради. Трактор тинмай наъра тортади. Дамбадам эса, тупроқни кўпроқ олиб қўйса, тортишга кучи етмай, чиранади. Аммо барибир табиатдан голиб келади, инсон измига бўйсуниб, яна олға интилади.

Тушга яқин дам олишга ўтирдик.

— Мен билан чўлда қоласанми? — қўққисдан сўраб қолди отам.

— Қоламан, — дедим.

— Иш қийин, ўзинг кўрдинг, — огоҳлантирди у.

— Барибир қоламан.

Отам жилмайди, елкамга оҳиста қўл ташлади.

— Шундай дейишингни билардим. Баракалла! Мана шу касбни пухта ўрганиб олсанг, нонинг бутун бўлади.

Бир оздан кейин эса қўшиб қўйди.

— Энг муҳими — ҳалол бўлади.

Коллектив ҳисси деган тушунча бор. Ишимизнинг ютуғи кўп жиҳатдан ана шу нарсага боғлиқ. Биз, йигирма чоғли тракторчи, бульдозерчи ва скреперчилар «катта дунё»дан ажралган ҳолда, чўлнинг ҳали инсон оёғи етмаган бир чеккасида ишлаймиз. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун жон куйдиради. Коллективимиздаги дўстлик, аҳиллик бу ердаги барча қийинчиликларни: қум бўронини, қирқ даражали иссиқни, барча-барча машаққатларни енгимизга ёрдам беради.

Ишнинг эса охири кўринмайди...

Бундан роса ўн йил муқаддам, 1973 йили ёзида отам билан ёнма-ён ишлардик. Ҳозирги Бўз районининг пахта далалари ўрнини текислаётган эдик. Қуёш ботмасдан аввал бир оз муддатга дам олишга ўтирдик. Ота-бола ҳали иссиқнинг тафти кетмаган барханга ёнбошладик. Отам қўққисдан гап бошлади.

— Аввал замонларда оталар ўз фарзандлари-га бирор нарса мерос қолдиришаркан, ўғлим! Менинг эса сенга қолдирадиган мол-дунём ҳам йўқ...

— Нималар деяпсиз, ота?

— Гапимни бўлма, — деди у жиддий тусда ва негадир қўлимни ушлади. — Скреперчилик касбини яхши ўрганиб олдинг. Мана шу бепоён, кўз етмас чўл мендан сенга қоладиган ягона мерос, битмас-туганмас хазина. Бу ерда сенга ҳам, сенинг бола-чақангга ҳам иш етиб ортади.

Фақат бир нарсани унутма: меҳнат, ҳалол меҳнатгина обрў келтиради.

У бирдан маънос тортиб қолди. Кўзларига қандайдир ғам соя ташлагани шундоққина кўриниб турарди. Мен ҳам, бригададаги бошқа ишчилар ҳам унинг оғир, бедаво дардга ча-лингалигини билардик. Лекин фақат бир йилгина умри қолганлиги ҳеч қайсимизнинг хаёлимизга ҳам келмаганди. Тақдирга шукр, ана шу бир йилни мен отамнинг ёнида ўтказдим. Ундан ҳаёт сабоқларини ўргандим.

Мен ўз меҳнатим билан отамга муносиб совга тайёрладим, десам бўлади. Орадан тўққиз йил ўтгач, 1982 йил январь ойида катта бир йиғинда менга меҳнатдаги ютуқларим учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти бердилар.

... Бугун 129-квадратни топширдик. Чўлга сув келди, ҳаёт келди. Барча скреперчи, бульдо-

зерчи ва тракторчилар худди ёш болалар каби, ўзларини сувга ташладилар. Қийқирик, ҳазил, қий-чув билан бир-бирларига сув сачрата бошладилар. Бу бир йилги меҳнатимизнинг якуни. Умр бўйи офтобдан, шамолдан азиат чеккан чўл тупроғи бугун биринчи марта сувни тўйиб симирмоқда.

Бир-икки йилдан сўнг бу ерларни таниб бўлмай қолади. Кўм-кўк, гуллаётган экинзорларга, боғ-роғларга айланади бу ерлар.

Эртага яна йўлга чиқамиз. Навбат — 130-квадратга!

«Тузумимизнинг келажаги ишончли қўлларда». Марказий Комитет Пленумида ана шундай дейилди. Биз ўзимизнинг бетиним меҳнатимиз, интилишларимиз, ташаббусларимиз билан бу ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Чунки биз танлаган йўллар тўғри, нурафшон йўллардир.



Журналимизнинг келгуси сонида «Замондош билан мулоқот» деган янги рубрика остида таниқли курувчи, СССР Давлат мукофотининг лауреати Мухтор Ҳабибуллаев билан учрашасиз.



## Алвон гуллар исми инқилоб

Ватан менга ўша ҳур қишлоқ  
Ва лойсувоқ томлардаги беҳисоб  
Байроқчадек ҳилпираб турган ўша  
Алвон гуллар исми инқилоб...

Жасоратдир оқ дур тўла ҳар  
  чаноқ  
Тракторлар — «Аврора»лар  
  бесаноқ  
Ва штурвал қучган ўша моҳитоб  
Турсунойлар исми инқилоб...

Дил азоби асли айни жон азоб  
Ва дўл урган кўчатларга ачиниб,  
Ҳўнгир-ҳўнгир йиғлаётган  
  азамат —  
Бригадирнинг исми инқилоб...

Кузги пайкал — жазирама  
  саратон  
Ва елкага ботган минг игна офтоб.  
Беланчакда ётган анов қорақўз —  
Болақайлар исми инқилоб...

Ва Ленинга энг содиқ одам,  
Менинг деҳқон отам —  
исми инқилоб!

## Бир куни

Бир куни,  
Бир алвон  
Замон келади,  
Замин узра,  
Омон-омон бўлади

## МУҲАММАД ЮСУФ



Ўн йилми,  
Юз йилми ўтиб орадан,  
Урушлар,  
Низолар кетиб орадан,  
Тўшлар  
Адирларда бугдой ўради.  
Танклар  
Далаларда пахта теради.  
Миллатлар,  
Элатлар,  
Оқ тан, қора тан  
Ҳаммаси  
Ҳазрати инсон бўлади.  
Олам  
Гулистон бўлади  
Бир куни.  
— Шоирлар-чи, бобо,  
Шоирлар нима бўлади?..  
— Уларнинг шодликдан  
Юраклари ёрилиб ўлади.

\* \* \*

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,  
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас.  
Бир маҳалла нигоҳни кўрдим:  
Янаш керак... севиш шарт эмас.

Садоқатми?  
Кимга керак у?..  
Беҳудадир кўзёшнинг сели  
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас:  
У бегона. У энди келин...

Тўй — бу асли баджаҳл ота,  
Бахтли бўлсин қизим дегани.  
Уни сенга бермасман, бўтам,  
Тирик экан кўзим дегани.

Осмон чўкиб қолди бу оқшом.  
Қонимда бир ғашлик ўрмалар.  
Мен оловга отарман энди,  
Юрагимни қийма-қиймалаб...

Еқа ушлаб қолсин кўрганлар,  
Оловларга отгум уни, бас.  
Ениб кетсин чирсиллаб қалбим:  
Севиш керак... яшаш шарт эмас.

\* \* \*

Елкадан сирғалиб кундузги  
ташвиш,  
Елкадан сирғалиб кўрпалари-да,  
Супачада ухлар эркак ва аёл,  
Егоч бешик ўрталарида.

Хўрозлар баётин авжи тонг отар,  
Сўйимли нигоҳи эркаларида,  
Нонушта қилади эркак ва аёл,  
Егоч бешик ўрталарида.

Қайдадир трактор гувиллар, тагин  
Топган-тутганлари ўрталарида,  
Далага жўнайди эркак ва аёл,  
Егоч бешик елкаларида...

## Шифохонада

Шундай беморлар борки,  
Тўшакка миҳланиб ётар бенажот.  
Уялиб кетасан тузалганингдан...

Шундай шифокорлар борки,  
Туғишган акангдай қарайди сенга  
Тузалиб кетасан уялганингдан...



«Шеър сеҳри».

А. ЖУМАЕВ фототюди





ТУРА  
СУЛАЙМОН

## Ишим бордир ўша оҳуда

ТАЗМИН

Ишим бордир ўша оҳуда.  
Мени шайдо, мафтун, зор этмиш,  
Кўнглим тоғдай бегубор этмиш,  
Эътиқодим бузруквор этмиш.  
Ишим бордир ўша оҳуда.

Усиз боғда якка ниҳолман,  
Усиз бебахт, ҳардам хаёлман  
Андалибман баҳорсиз, боғсиз,  
Ошиёни гулсиз, чароғсиз  
Ишим бордир ўша оҳуда.

Усиз қалбим — узилган бир тор  
Усиз дунё — кўзларимга тор.  
Усиз бўлмас муродим ҳосил  
Усиз йиғлаб ўтарман зор-зор  
Ишим бордир ўша оҳуда.

Бир кўрмасам бўлмас ҳеч уни  
Бир кўришга интиқман, зорман.  
Назаркарда ўша оҳуни  
Бир кўриш-чун кун ўтказарман...  
Ишим бордир ўша оҳуда.

Усиз менга қизиги йўқдай  
Бу даҳр, бу рангин ҳаётнинг.  
Назар солса: йўлларим оқдай,  
У тимсоли бахт, саодатнинг.  
Ишим бордир ўша оҳуда.

Унинг шарпа-унинг шамоли  
Хаёлларим банду банд этмиш.  
Унинг меҳри, унинг камоли  
Кўнглим бундоқ сарбаланд  
этмиш.

Ишим бордир ўша оҳуда.

У бор ерда бўлмагай хазон,  
Безаволдир унинг нафаси.  
У шундай зот, у шундай комрон,  
У илҳомнинг манбаъ, маъвоси,  
Ишим бордир ўша оҳуда.

## Бора-бора

ҲАЗИЛ

Ўтди сизни боғ ичра энтиқиб кутган дамлар,  
Сиз турган ерда ўзни буткул унутган  
дамлар.

Амрингизга мунтазир бўлиб қон ютган  
дамлар,

Дер эдим эсанкираб:  
— Сиз кўкламдан кўркамсиз.

Сир олгунча сиз отда, менчи пиёда эрдим,  
Сиз етти қат осмонда, менчи туяда эрдим,  
Сиз маъшуқа, мен ошиқ, на ер, самода

Сиз санамлар, санами  
Сиз шундай муҳтарамсиз.

Кўринмасди кўзга жон, сиздай қиз турган  
ерда,  
Ута берсиз парию пайкар Сиз турган ерда,  
Нима эмиш ой, офтоб ўзингиз турган ерда,  
Дудуқланиб сўйлардим:  
— Сиз тандаги жонимсиз.

Орзиқиб кутган дамлар келиб ёрим  
бўлдингиз,  
Истаган куйга тушар қўлда торим  
бўлдингиз.  
Бирларда куз, бирда қиш, бир баҳорим  
бўлдингиз,  
Энди сиз жоним эмас,  
Ҳамнафас, ҳамхонамсиз.

## Ватангадолар қўшиғи

Дардимни, дармонимни  
Илми табобат билмас.  
Орзумни, армонимни  
Хечқандайин зот билмас.

Юртим, юпанчим қайда?  
Тоғим, таянчим қайда?  
Қайғу, қувончим қайда?  
Бу танам тоқат билмас.

Суякка етмиш зорлик,  
Элимга интизорлик.  
Йўқ бирон дил ёзарлик  
Жон, жисмим нажот билмас.

Қаддим дол, сўроғ, дўстлар,  
Сийнам тўла доғ, дўстлар.  
Қисматим шундоғ, дўстлар,  
Бу ҳолим элат билмас.

Ночор, армонли қулман,  
Ошиёнсиз булбулман.  
Бир бандан гофилман  
Умрим ҳаловат билмас.

Бора-бора бўлдингиз ўғил-қизнинг онаси,  
Сал ивирсиб қолгандай бўлгандингиз  
чамаси.

Келин деганни тергаб турадир қайнонаси...  
Бора-бора бўлдингиз  
Бир қадар беором сиз.

Қолиб кетар ҳам бўлдим қайларда  
бора-бора,  
Кўпая бормоқдайди баҳона ҳам тобора.  
Бўла бормиш кунба-кун бағрингиз хун,  
садпора,

Энди сиз тил учинда  
Кўзлари мастонамсиз.

Эр даланинг одами, хотин — уй фариштаси,  
Сиздан ўзга... ойларнинг ўткинчи  
карашмаси,

Фақат узилмаса бас кўнглимизнинг  
риштаси,

Уйда мен — эр, сиз — хотин  
Демакки, парвонамсиз.


Бойлигим бор, бахтим йўқ,  
Ўз ерим, пойтахтим йўқ.  
Осуда ҳаётим йўқ  
Кўнглим тароват билмас.

Миннатли мозорим ҳам,  
Юрган йўл, гузарим ҳам.  
Серғалва бозорим ҳам  
Файзу баракат билмас.

Бирда йўқ, борлигимни,  
Неларга зорлигимни,  
Е беқарорлигимни  
Еру самовот билмас.

Кўчада қолса лошим,  
Тоғ-тошга тегса бошим,  
Ботар бўлса қуёшим  
Руҳим шафоат билмас.

Эътиқод, имонимни,  
Аҳдимни, паймонимни,  
Зоримни, забонимни  
На қуръон, таврот билмас.



**ШАРОФ  
БОШБЕКОВ**

---

# ТУШОВ УЗГАН ТУЛПОРЛАР

БЕШ САҲНАДАН ИБОРАТ ДРАМА

---

**ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР**

**ТЕША** — ҳозирча тракторчи.

**МУНИС** — унинг опаси, бухгалтер ва совхоз комсомол ташкилотининг секретари.

**ЗУМРАД** — ҳозирча совхоз директорининг секретари.

**СУЛТОН** — ҳозирча совхоз директори.

**ТУРҒУН** — ҳозирча совхоз бош агрономи.

Шунингдек,

**ҲАЛИМА** хола,

**ЖАМОЛ** ота,

Бўлим бошлиғи,

Бригадир.

## БИРИНЧИ САХНА

Қишлоқдаги чоғроқ ҳовли. Бир бурчакдаги темир-терсақ, техникага оид тақир-туқурлар ҳовлининг тоза ва саранжом қиёфасини бўзиб тургандек. Теша трактор аккумуляторига тоза сув қуймоқда. Ҳозир ҳам, кейинги саҳналарда ҳам асар қаҳрамонлари эшитилаётган Овозга аҳамият бермайдилар.

ОВОЗ. Бу — мен. Исми Теша. Лекин ҳеч ким исмиمنى айтиб чақирмайди. Ҳамма «масхарабоз» дейди. Нима масхарабоз экан — ҳайронман. Фақат, битта синфдошимгина ўз исми билан атарди. Сабаби, ўзининг исми Ҳуроқвой эди... Иккаламиз бир-варакай мактабга бормай қолсак, навбатчи бола ўқитувчига ҳисобот берарди: «Меҳнат қуруллари»дан бошқа ҳамма бор!» Шунақа...

Бир кучоқ тут баргини кўтариб Зумрад пайдо бўлади. Унинг бёр фазилати ҳам, камчилиги ҳам битта: камгап.

ЗУМРАД. Мунис опа... Ҳу, Мунис опа!

ТЕША. Э-ҳа, Зумрад-Қиммат, сенмидинг? Қишлоққа қанақа жарчи келиб қолибди, дебман. Яхшимисан?

ЗУМРАД. Ҳм.

ТЕША. Нима кўтариб юрибсан, баргми?

ЗУМРАД. Ҳм.

ТЕША. Қаёқдан қуёш чиқди! *(Кафтини кўзларига соябон қилиб атрофга қарайди.)* Нега кўтариб турибсан, қўй ўша ерга. Баракалла, ка-атта қиз бўлинг! Энди анавини узатиб юбор. Ана, ана, шашадаги сувни *(Зумрад олиб беради.)* Раҳмат, бошим кўкка етди!

ЗУМРАД. Ҳм.

ТЕША. Қачон эрга тегасан, Қиммат?

ЗУМРАД. ...

ТЕША. Ана, Роҳат бўлса тегди-кетди.

ЗУМРАД. Менга нима?

ТЕША. Қариқиз бўлиб қоласан. Ўн еттини уриб қўйдинг-ов?

ЗУМРАД. Сенга нима?

ТЕША. Шеър ўқияпсанми, гапларинг бирам қофиялики: «Менга нима, сенга нима»!

ЗУМРАД. *(Ўтириб, барг боғламини еча бошлайди.)* Ўзинг нега масхарабозсан?

ТЕША. Менми? Ҳеч ўйлаб кўрганмисан, жинниҳонадагилар нега жинни?

ЗУМРАД. Жинни-да.

ТЕША. Йўғ-э! Балки, улар соғ-у, биз жиннидирмиз? Нега кўзингни пиёла қиласан? Улар озчилиг-у, биз кўпчилик бўлганимиз учун шундайдир? Биз озчилик бўлсак, балки бизни ҳам қамаб қўйишармиди? Кейин бизга қараб ҳайрон бўлишарди: «нега бу одам қулогини шартга кесиб, еб қўймайди? Жиннига ўхшаб меҳнат қилади, дон экиб, нон ёпади? Демак — жинни!» Билдинг! Ҳеч қаерда ёзилмаган, одамлар ўзлари ўйлаб топган қоидалар, чегаралар бор. Хатти-ҳаракатинг ўша қоидаларга тўғри келмаса, ўша чегараларни бузсанг — жиннисан! Масалан...

*(Ишини қўйиб, Зумрадга яқинлашади.)* Ўрнингдан тур!

ЗУМРАД. Нега?

ТЕША. Тур, дегандан кейин туради-да. Сени ўпмоқчиман!

ЗУМРАД. Жинни!

ТЕША. Ана, кўрдингми! Жинни, дединг. Чунки, мен ўша чегарани буздим. Тўғри, бу кўпол мисол... Тушундинг?

ЗУМРАД. Ҳм.

ТЕША. «Ҳм, ҳм»! Мен ҳозир... *(Тирмашиб деворга чиқади-да, миниб олади.)* Маткарим, ҳў, Маткарим! Маткарим деяпман! Ўлиб қолганмисан, нима бало! Ие ассалому алайкум, холажон! Бардаммисиз? Вой, намунча тухумлар майда? Товуқларингизга селитра беринг, хола, фойдаси бор. Маткаримга айтинг, ўн учинчи калитни узатиб юборсин. Нега индамайсиз, ҳалиям хафамисиз? Тавба, калтаклашга-ку калтакладингиз, хафа бўлганингиз нимаси тагин? Келинг ярашамиз, хола. Ярашайли-ик... *(Нариги томондан келиб урилган косовга Теша аранг чап бериб қолади.)* Раҳмат, хола *(Зумрадга)* Одамлар билан гаплашиб бўлмай қолди. Аср асабий бўлиб қолди, асабимиз асл ҳолича қолди!

ЗУМРАД. Шеърми?

ТЕША. Шунга ўхшашроқ. Анави калитни узат. *(Зумрад узатади.)* Шунақа қарашгани келиб турсанг бўларкан, бир кучоқ баргни кўлтиқла-аб. Нарироқ тур, кислота бу, атирмас. Хуллас, тушундингми, нега мени масхарабоз дейишларини?

ЗУМРАД. Унчаликмас...

ТЕША. Тўғриси, ўзим ҳам унчалик тушунмайман. *(Кулади.)*

ЗУМРАД. Энди нима қилмоқчисан?

ТЕША. Энди манави — болтларни маҳкамлаймиз.

ЗУМРАД. Ўқишга борасанми, деяпман.

ТЕША. Йўқ. Кузда армияга кетаман. Чегарага. Сени қўриқлагани! *(Кулади.)* Ўзинг-чи?

ЗУМРАД. Уйдагилар нима деса, шу-да...

ТЕША. Биласанми, уйдагиларингдан маънили гап чиқмайди. Менга қолса, борганинг яхши. Истасанг, ўзим обориб қўяман — Тошкентда танишим бор. А? Нега куласан? Рост. Йўқ бўлса, йўқ дердим. Ўтган йили келган мухбир эсингдами? Ўша. «Албатта Тошкентга боринг», деди. Ҳеч кимга айтганим йўқ. Сен ҳам у-бу деб юрма тагин. Ҳозир. *(Ичкаридан яна битта аккумулятор олиб чиқади.)* Бунисиниям одам қилсак, бўлди.

ЗУМРАД. Циркка тушганмисан? Янги-сига?

ТЕША. Нима? Циркка? Бўлмасам-чи, икки марта!

ЗУМРАД. Қанақа экан?

ТЕША. Биносимми? Тошбақанинг косасига ўхшайди. Шунақа каттаки, айланиб чиқиш-

га... хуллас, кўп вақт керак. Маймунлар велосипед ҳайдайди. Билдинг! Бизнинг Маткарим бўлса минолмайди. Ўргатай десам, кўнмайди, баттар бўлсин!

З У М Р А Д. Алдаясан.

Т Е Ш А. Ишонмасанг ўзидан сўра, ростдан минолмайди.

З У М Р А Д. Йўк, циркка тушмагансан.

Т Е Ш А. *(кулиб)*. Тўғри, тушмаганман. Телевизорда кўрганман. Лекин, маймунларнинг велосипед мингани рост. Мана, кўзимга қара.

З У М Р А Д. Нима қипти?

Т Е Ш А. Кўрдингми, рост гапиряпман.

З У М Р А Д. Ҳм... *(Теша иш билан бўлиб унинг маънос, шу билан бирга ташвишли нигоҳини пайқамайди.)* Теша...

Т Е Ш А. *(қарамай)*. Ҳа.

З У М Р А Д. Теша...

Т Е Ш А. Нима?

З У М Р А Д. Барглар сўлиб қолади...

Т Е Ш А. Манавилардан қутулайлик, кейин икковлашиб бирпасда саранжомлаб ташлаймиз. Келишдик?

З У М Р А Д. *(жилмайиб)*. Келишдик.

Т Е Ш А. Намунча тиқиласан, нарироқ тур! Кўйлагинг ифлос бўлади.

Жимлик

З У М Р А Д. Циркда отлар вальс тушармиш...

Т Е Ш А. Йўғ-э! Ростдан-а? Қандай қилиб?

З У М Р А Д. Шундай... *(Секин хиргойи қилиб)* Бир, икки, уч... Бир, икки, уч... Қоғоздай оқ отлар...

Т Е Ш А. «Бир, икки, уч», дегин? Бўлмайди. У отлар доира ичида рақс тушади. Доира ичида! Билдинг!

З У М Р А Д. Барибир чиройли-да.

Т Е Ш А. Агар ўша оқ отлар ке-енг далада елиб юрса, биласанми, қандай гўзал бўларди! Болгани узат. *(Зумрад узатади.)* Гўзаллик — фақат эркинликда гўзалдир, деган экан аккумулятор тузатаётган бир одам! Билсанг, циркни ёқтирмайман, ҳайвонларга раҳмим келади. Кучлимиз-да, шўрликларни нима куйларга солмаймиз! Вой, Қимма-ат, кўлинг мунча кичкина, илгари кўрмаган эканман! *(Кулади.)* Шунисиям тузук. Қиз боланинг мушти тўқмоқдай бўлса, чатоқ-да. Ахир, оилада уруш бор, жанжал бор. Тўғрими? *(Кулади.)* Менга тегиб қўяқолмайсанми, а? Армиядан кейин тўй бошлаб юборардик...

З У М Р А Д. *(Ўзига ўзи гапиргандек)*. Йўк...

Т Е Ш А. Тўғри қиласан. Мен билан яшаш қийин. Ундан кўра синовчи учувчининг хотини бўлган тузук. Ҳар қалай... хавф камроқ... *(Зумрад унга ҳайрон бўлиб тикилади.)* Бунинг устига кўп гапирман. Мунис ўрганиб қолган. Гап бошласам, уни уйқу босаверади. Уйқуси келмасаям, ухлатиб

қўяман. Ҳалима холани бўлса ухлатиб бўлмайди. Оғиз очдим дегунча, қўлларига тушган нарсани отадилар. *(Кўйлагини кўтариб)* Мана, қара, нақш солиб қўйганлар. Уялма, қарайвер. Тепароқда. Кўрдинг? Бу ўтган кунгиси. Пастроқдаям бор-у... майли, қўявер. Барибир хафамасман. Мен умуман хафа бўлмайман.

З У М Р А Д. Ҳечам-а?

Т Е Ш А. Ҳечам. Нимага десанг, сеҳрли сўзларни биламан. Сенгаям ўргатайми?

З У М Р А Д. Ҳм.

Т Е Ш А. Мана: «Бундан баттарроқ бўлишиям мумкин эди-ку». Билдинг! Фақат, буни ишонч билан айтиш керак. Мана ҳозир, сенга тегмайман, дединг. Хафа бўлдимми? Йўк. Ҳечам. Нимага десанг, ичимда ўша сеҳрли сўзларни такрорладим. Ман, ҳатто куляпман ҳам. *(Кулади.)* Билдинг!

З У М Р А Д. Сен жиддий одам эмассан...

Т Е Ш А. Сен эса жиддийсан... *(Сукут.)* Лекин хафа бўлиш керак эмас. Кел, ўша сеҳрли сўзларни айтамиз, ичимизда-да. Кўзимга қара. Бошладик. Бир, икки, уч! Бир-бирларига қараб жим қоладилар. Керагидан ортироқ вақт ўтади. Балки, ўша сеҳрли сўзлардан бошқа нарсаларни ҳам гапирishaётгандир...

О В О З. Қизик, нега одамзод бир-бирининг кўзига қараганда уялади, кулади, газабланади, завқланади, чеҳраси ўзгаради? Нега бурнига, қулоғига, оғзига қараса ундай бўлмайди? Тавба... Нега кўз пешонада бўларкан-а? Нега энса томонда эмас? Қайсидир бир қуш атрофидаги ҳамма нарсани, ҳатто орқасида турган нарсаларни ҳам кўра оларкан. Йўк, шуниси ҳам тузук. Унда сен ҳақингда шивир-шивир қилаётганларни кўриб қолардинг-да. Ўшалар ҳам завқланолмасди, сенинг ҳам кайфиятинг бузиларди. Ҳозиргидай бўлгани яхши. Пешонангнинг ўртасида битта, ягона кўз бўлиб, бурнингдан нарисини кўролмасанг, яна ҳам зўр бўларди! Жинниман, қип-қизил жинни!

З У М Р А Д. Ҳм... Мунис опам кўринмайди-дир?

Т Е Ш А. Ҳа, ишда. *(Ишга уннаб)* Тракторимни Худойбердига беришибди. Жанжал қилдим — бўлмади. Битта эскисига рўпара қилишди. Ўшани одам қиламан деб ётибди-да Тешавой аканг. Ҳечқиси йўк. Бунисиниям шунақа трактор қилайки, ҳамманинг оғзи очилиб қолсин. Ана, бўлди. Яхшилаб арта-миз. Яп-янги аккумулятор бўлди-қолди. Келиннинг сепига қўшиб юборсам бўлаверади, нима дединг? *(Кулади.)* Ҳозир. *(Кўшни ҳовлига қараб)* Маткарим! Патефонингни қўйиб юбор! *(Зумрадга юзланиб)* Кассетали магнитофон олган. Мақтаниб чиқувди, яхши патефон экан десам, тарвузи қўлтиғидан тушиб чиқиб кетди. *(Кўшни ҳовлига ўгирилиб)* Маткарим! Илтимос-да энди, жўра, қўйиб юборақолгин! Анавини қўй, ҳалиги... бор-ку!

«Сумалак, сумалак, сумалак бир баҳона-а-а»  
(*Девор оша эски челақ отилиб тушади.*) Ие,  
бутун! Раҳмат! Худо берса қулига, чиқариб  
қўяр йўлига! (*Зумрадга*) Автол солиб қўяман.  
Ўзи яхши бола-ю, сал мақтанчоқроқ.  
Ўқишингга келсак, бемалол менга суянавер.  
Тошкентда танишим бор. Ўтган йили келган  
мухбирчи...

З У М Р А Д. Айтдинг уни.

Т Е Ш А. Ҳа-я. Хуллас, ёрдам беради. Нима  
бўлганда ҳам Тошкентда яшайди. Хў-ўш, ана  
энди барг билан олишамиз! (*Иирик шохлар-  
дан барра барглари ажрата бошлайди-  
лар.*) Келганинг яхши бўлди-да. Кун бўйи уй-  
даман, мундоқ бир гаплашадиган одам ҳам  
йўқ. Тўғри, сергапроқман. Лекин, мен билан  
ўтириб зерикмаяпсан-ку, а? Зерикмаяпсан-а?  
Зерикмаяпсан. Мен ҳам. (*Кулади.*) Жамол  
отаям кирмай қўйдилар. Қайрағочлари қуриб  
қолган.

З У М Р А Д. Қайси қайрағочлари?

Т Е Ш А. Беш қайрағоч-да. Ўғилларидан  
қорахат келганда ўтқазганлар. Анави куни  
борсам, йиғлаб ўтирибдилар. Мен ҳеч қачон  
йиғламаганман. Чақалоқлигимдаги ҳисоб-  
мас. (*Кулади.*) Ҳозир Жамол отани кўрсанг  
танайман, чўп бўлиб қолганлар. Кечалари  
ўша қайрағочлар билан гаплашаётганларини  
кўрганман. Билдинг!

З У М Р А Д. Турғун акамни чақирсалар  
бўларкан. Ҳар қалай, агроном...

Т Е Ш А. «Турғун акам» дегин... (*Қувноқ  
оҳангда*) Роҳатнинг тўйи куни машинасининг  
глушителига картошка тиқиб қўювдим, ҳеч  
ўт олдирилмабди. «Буни масхарабоз эплай-  
ди», дейишган экан, келди. «Йигирма беш бў-  
лади», дедим. Хўп, деди. У ёқ-бу ёғини қара-  
ган бўлиб, картошкани олиб ташладим. Хур-  
санд бўлиб кетди. (*Кулади.*)

З У М Р А Д. Пулини олдингми?

Т Е Ш А. Бўлмасам-чи! Жамол отанинг  
сигирини фермага, ветврачга олиб бориб  
келдим. Кўтариб оборолмайман-ку  
сўлоқмондай сигирни. Машина кира қилдим.

З У М Р А Д. Ҳм... Ҳалиги қоғозни бергин...

Т Е Ш А. Нега энди? Қўйсанг-чи! Сендан  
олганимни ҳеч ким билмайди. Биласан-ку,  
оғзим маҳкам.

З У М Р А Д. Ҳа, жудаям.

Т Е Ш А. Мана бунақа шохчаларни нима  
қилай?

З У М Р А Д. Алоҳида қўй.

Т Е Ш А. У қоғозда гап кўп, Қиммат! Ўқиб,  
оғзим очилиб қолди, ўлай агар! Ана, ёлғон-  
нинг каттаси қанақа бўлади! Сеҳргар бўлиб  
кетишсин-э! Менимча, ҳуқуқшунос бўлганинг  
яхши, одамларга фойданг тегади.

З У М Р А Д. У қоғозни Султон ака еру  
кўкка ишонмайдилар. Машинада кўчириш  
учунгина менга берувдилар.

Т Е Ш А. Жуда яхши-да. Сен кўчириб,

қайтиб бердинг — тамом. Битта ортиқча  
кўчирганингни биров билиб ўтирибдими?  
Қўй-э, шунгаям азами! (*Кулади*) Лекин, менга  
тегмаслигинг, бу — аза! Бошқаси илиб кета-  
ди-да энди, а?

З У М Р А Д. Яна шу ҳақда гапирсанг,  
кетаман!

Т Е Ш А. Дарров шунақа-да. Қари ўламан,  
деб қўрқитади, ёш кетаман, деб.  
Ўсти-боши чанг Мунис кириб келади. Уни таърифлаш-  
нинг ҳожати йўқ, исми айтиб турибди.

Т Е Ш А. Саломлар! Овқат тоқчада, сочиқ-  
қа ўраб қўйганман.

М У Н И С. Қўявер, вақт йўқ.

З У М Р А Д. Ассаломалайкум.

М У Н И С. Яхшимисан, Зумрад? Сен бу-  
нинг гапига кўп ҳам қулоқ солаверма.  
Жаврайвериб миянгни ачитиб юборади.

Т Е Ш А. Ана, ана, бошланди! Икки оғиз  
гап гапириб бўлмайди-я... Сенга нима, эшит-  
ма — тамом. Мени биров эшитиши шартмас.  
Биласанми, нима учун кўп гапираман? Маъ-  
лумот кам. Билимли одам...

М У Н И С. «Билимли одам камгап бўла-  
ди». Ед бўлиб кетган.

Т Е Ш А. Мана, масалан, Султон акани  
ол. Кўп гапиради, чунки олий маълумотли  
бўлсаям, менга ўхшаган чаласавод, Шундоқ  
башараси айтиб турибди. Мажлисларда  
қўйиб берсанг, беш соат гапиради. Икки  
гапнинг бирида: «Мен сендан бир-икки  
кўйлакни ортиқ йиртганман», дейди. Ақл-фа-  
росат йиртиқ кўйлак билан ўлчанарканми!  
Вой оми-ей! Маймунга кўйлак берсанг, беш  
минутда ўттизтасини йиртиб ташлайди. Нима  
энди, кўп кўйлак йиртибди, деб маймунга  
таъзим қилишим керакми?!

М У Н И С. Чарчаганман, Теша.

Т Е Ш А. Майли, майли, бор, овқатингни  
е. Иситиб берайми?

М У Н И С. Иштаҳа йўқ. Ўзимнинг ишим  
камдай, олтинчи бўлимга вакил қилиб  
қўйишган. Бир оёғим далада, иккинчиси  
идорада. Шу тиқилинчда бултурги ведо-  
мостлар керак бўлиб қолибди. Сигирни  
соғдингми?

Т Е Ш А. Соғдим. Биласанми, сигиримиз  
айнияти. Ҳеч соғдиргани қўймайди. Сенинг  
рўмолингни ўраб борсам ҳам қочади, чулчут!  
Сотиб юборамизми, а?

М У Н И С. Қарадингми, кана тушмабди-  
ми?

Т Е Ш А. Қарадим. Мазаси қочган-ов. Жа-  
мол отанинг сигири билан қўшиб молдўхтир-  
га обориб келсам бўларкан.

М У Н И С. Қуртларинг қалай?

Т Е Ш А. Яхши. Барг бор. Қиммат ҳам  
қарашяпти.

М У Н И С. (*Зумрадга*). Буни кўп ҳам тал-  
тайтираверма, ўзи қилсин. (*Ичкарига кириб  
кетади.*)

Т Е Ш А. Бўпти, бўпти! Жа, талтайиб кетдим! (*Зумрадга*) Ашула айтиб берайми? Лекин овозим унчамас. Ичимда айтсам яхши чиқаётганга ўхшайди-ю, қаттиқроқ айтсам — «ДТ-75» тракторнинг ўзи! (*Кулади.*)

З У М Р А Д. Нега Мунис опамларни «сен»лайсан?

Т Е Ш А. Ўрганиш-да. «Сиз»ласам ғалати. Ўзигаям ёқмайди. Турмушга чиққанидан кейин «сиз»лаб кўрдим — бўлмади. Иккаламиз роса кулганмиз. Эри билан ажралишгани яхши бўлди, ҳар қалай, ёнимда. Мактабдан чиқиб, тўғри ўша Ҳамид гарангникига борардим. Рост-да, стадиондай ҳовлида битта ўзим нима қиламан? Фарзандсизлик баҳона, яна қайтиб келди. Мунис яхши-я?

З У М Р А Д. Жудаям.

Т Е Ш А. Онамдай гап. Лекин «сен» дейман. (*Кулади.*) Ўшанда Ҳамид гарангнинг гарамига ўт қўйиб юбормоқчиём бўлдим. Ке, қўй, дедим. Молларида нима айб, тўғрими?

Шу пайт қўллари хамир, ўқлог кўтариб, важоҳат билан Ҳалима хола кириб келади.

Ҳ А Л И М А. Ҳа-а-а! Ана энди шошма, бола! (*Дарвозани бекитиб*) Сен масхарабоз одамларни тинч қўясанми, йўқми? Тўлаб бер ҳозир! Тўлаб бер, деяпман! Оз эмас, кўп эмас, ўн тўртта-я! Не машаққат билан тухумдан очирганман!

Т Е Ш А. Шошманг, хола, шошманг! Нима деяпсиз ўзингиздан-ўзингиз! Ўқлогни ташланг! Нима, калтаксиз гаплашолмайсизми? Чингакчук бўлиб кетинг-э!

Ҳ А Л И М А. Ҳозир кўрсатиб қўяман сенга чикочук қанақа бўлишини!

Тешанинг томга чиқиб жон сақлашдан ўзга чораси қолмайди. Чунки, ундан кўра Ҳалима холанинг ўқлоги «илдамроқ». Шовқин-суронни эшитиб Мунис чиқади.

М У Н И С. Келинг, хола. Нима гап ўзи?

Ҳ А Л И М А. Пастга туш, бола!

Т Е Ш А. (*ўша оҳангда*). Қўяверинг, хола!

Ҳ А Л И М А. Шеъргина тўқимай балоги-нага йўлиқинг сиз!

Т Е Ш А. Тепадан туриб гапириш қулай экан. Энди тушундим, одамлар нега мансаб талашиларини! Мана, мен сизга нима десам — дейман, ҳеч нима қилолмайсиз. Чунки, мен — тепадаман, қўлингиз калталиқ қилади. Вилдингиз, диалектика қаерда!

Ҳ А Л И М А. Худо сени тилсиз-жағсиз яратса, ҳақи кетармиди, а! Илойим, яшилинг жарда, қизилинг қирда қолсин сен етимча етти кулчани!

М У Н И С. Хола, намунча?! (*Тешага қараб*) Яна нима бало қилдинг?

Т Е Ш А. Ўлимдан хабарим бор, холаминг дардидан хабарим йўқ!

Ҳ А Л И М А. Тўлаб бермагин, нима қилар эканман! Тўғри Султоннинг олдига чиқаман

керак бўлса! Ҳа, сен ҳали нонни «нан-на» деб юрибсан!

Т Е Ш А. Қайси султон? Турк султониими? Туркия НАТОга қарайди, хола!

Ҳ А Л И М А. Қайси Султонмиш! Дриктор, зумраша!

Т Е Ш А. Ана, ана! Директорни «зумраша», дедингиз! Агар Турғун агроном эшитсами, бир сидра кийиму қотган нонни қўлтиқлатиб керакли жойга обориб қўяди!

Ҳ А Л И М А. Гап ҳам топиб бериб бўлмайди бунга! Худониям танимайди бу...

М У Н И С. Хола! Нега бозор қиласиз? Тушунтириб гапирсангиз гапиринг, бўлма-са — ҳовлингизга чиқинг!

Т Е Ш А. Ҳа, боринг, боринг! Искандар қилич ўйнатгандай бу ерда ўқлог силтамасдан, бориб хамирингиздан хабар олинг — ошиб кетгандир!

Ҳ А Л И М А. (*гапни буриб*). Сенга гапиратганим йўқ ҳалиям! Жим ўтир! (Мунисга) Боя катакдан тухумларни йиғиштириб чиқаётсам, манави худонинг газаби... Ҳў, тилинга терсак чиқсин!

Т Е Ш А. Бўпти, бўпти!

Ҳ А Л И М А. (*масхаралаб*). «Нимага тухумлар майда? Товуқларингизга селитра берсангиз бўлмайдимиз», деб мингилловди. Мен содда ўлгур бу олашақшақинг гапига чиппа-чин ишониб, десанг... Уф... Мен ўлгур бунга ишониб... (*Теша ҳам, Зумрад ҳам кулиб юборади. Мунис одоб юзасидан ўзини тутиб туради.*) Куласан-а, куласан! Ҳа, маслаҳатгинанг билан...

М У Н И С. Вой, хола-ей, сиз ҳам шунинг гапига кириб ўтирибсизми?

Ҳ А Л И М А. Ҳа, энди, мактаб кўрган, бир балони билмаса гапирмас, дебман-да, ўргилай. Бир кўнглим, бу масхарабозга ишонмай ҳам дедим. Чиндан ҳам тухуми ўлгур майда-да. Шундоқ сочсам, тумшуғи билан туртиб-туртиб кўрди-ю, олмади. Жонивор ҳам сезаркан-да, а?

Т Е Ш А. Товуқнинг ақли етган нарсага сизнинг ақлингиз етмадимиз?

Ҳ А Л И М А. Худоё худовандо тилгинанг танглайингга ёпишиб қолсину қишлоғимиз сендан қутулсин, омин, оллоҳу акбар!

Т Е Ш А. Қибла у ёқда, хола!

М У Н И С. Бўлди, ҳаддингдан ошма!

Т Е Ш А. Нега менга қараб фотиҳа қилади-лар, нима, пайгамбарманми мен?

М У Н И С. Қўйинг, хола, шу билан тенг бўласизми!

Ҳ А Л И М А. Емади жонивор. Айронга қўшиб эздим. Селитра айронда яхши эриркан, ўргилай. Сув ўрнига қуйиб қўйдим. Орадан бир чойнак чой ичгулик вақт ўтгани йўқ, чиқиб қарасам... ўн тўрттаси «ана кетди, мана кетди» бўлиб ётибди-да, ўргилай!

Т Е Ш А. Дарров рози-ризолик сўраш керак эди! Шуниям ўргатишим керакми?

Ҳ А Л И М А. Тўлаб берасан, тирмизак! *Ҳалима холанинг кейинги гаплари музика остида қолиб кетади. Мунис оғирлигини бу оёғидан унисига солиб, холанинг гапларини чидам билан тинглайди. Зумрад шохлардан ажратилган барглари эрмак қилиб ўтиради. Теша эса томда, чордана қурган, кўзлар олисларга қадалган. Унинг бу ўтириши нимаси биландир ҳинд мағбудаси Ракшага ўхшаб кетади.*

О В О З. Кўп нарса билган одамга яшаш қийин бўларкан. Гулдай тракторимни нега олиб қўйишганини биламан, Жамол отанинг қайрағочлари нега қуриб қолганини ҳам биламан. Мени ким яхши кўриб, ким ёмон кўришини ҳам биламан. Бир ҳисобда, сени ҳамма яхши кўриши шарт эмас. Хаммага ёқишнинг иложи йўқ, барибир кимдир ёмон кўради. Кўп нарсани билиш ёмон, жудаям ёмон... Яхшиям сеҳрли сўзларим бор...

Т Е Ш А. Э, ана! Балодай юрибди-ку товуқларингиз! Кислота ичсаям уларингизга жин урмайди!

Ҳ А Л И М А. А? Алдамаяпсанми?

Т Е Ш А. Э, тезроқ бориб, «эсонмисиз, омонмисиз» қилмайсизми?

Ҳ А Л И М А. Ёлгон бўлса, кунингни кўрасан, бола!

Т Е Ш А. Чин октябратлик сўзим!

Ҳ А Л И М А. *(девор оша мўралаб).* Вой, Мунис, тирик экан қурмағурлар! Ўзим ҳам ўйловдим-а, жа, унчаликка боришмас, деб. Бўпти, борай. Чиқиб тур, мундоқ, ўргилай. *(Ҳовлиқиб чиқиб кетади.)*

М У Н И С. Вой, холам-эй! *(Кириб, аллақандай қоғозларни олиб чиқади.)* нима қилиб ўтирибсан, туш энди. Қуртдан кўз узма.

Т Е Ш А. Буни бўлажак чегарачига айтяпсанми?

М У Н И С. Ўт ўриб келиш ҳам эсингдан чиқмасин!

Т Е Ш А. Бўпти, рўмолчамни тугиб қўйдим.

М У Н И С. Майли, мен кетдим. *(Чиқиб кетади.)*

З У М Р А Д. Мунис опамларгаям қийин...

Т Е Ш А. Қийин бўлса, келин бўлиб оғирини енгил қил.

З У М Р А Д. Ҳм... Мен борай, ўтириб қолдим...

Т Е Ш А *(кулиб).* Ўтириб қолганинг йўқ, ҳали не-не одамлар совчи қўяди сенга. Хафа бўлма.

З У М Р А Д. Қоғозни бер.

Т Е Ш А. Яна ўша гапми? Қўйсангчи. Улар менга *(бармоғини бўғзига олиб бориб)* мана бундоқ керак, билдинг! Тошкентда танишим бор...

З У М Р А Д. Ўзингча, ҳеч ким билмайди, дейсан-да. Мен айтиб қўйдим...

Т Е Ш А. Вой, калла!..

З У М Р А Д. Сўраб-суриштиравердилар. Ёлгон гапиролмадим... Теша. Чатоқ бўпти. Майли, қўявер. «Бундан баттарроқ бўлишиям мумкин эди-ку», а?

З У М Р А Д *(аразли жилмайиб).* Ҳм...

Шу пайт кўчада машина келиб тўхтагани, эшигининг очилиб-ёпилгани эшитилади.

Т Е Ш А. Ҳа, рангинг ўчиб кетди?

З У М Р А Д. Икковимизни бирга кўришса...

Т Е Ш А. Жа, кўрқсанг, ичкарига кириб тур. Сенга келган балога ўзим балогаardon! Бўлажак чегарачига ишонавер!

З У М Р А Д. Шунақа пайтда жиддий бўлсанг нима қиларкан-а... *(Ўйга кириб кетади.)*

Тургув киради. Унинг озода ва пўримлигини кўриб, чанг ҳам кўймаса керак. Чап кўлини биет билан танғиб олган.

Т У Р Ғ У Н. Ким бор?

Т Е Ш А. Мана, биз бор-да! Келинг! Яна машинангизга бир бало бўлдимми?

Т У Р Ғ У Н. Ҳа, масхарабоз, ўтирибсанми?

Т Е Ш А. Йўқ, тик турибман!

Т У Р Ғ У Н. Ўтган сафар жа-а қойил қилибсан-ку, глушителга картошка тиқиб! Бир жаҳлим чиқди-ю, ҳа майли, дедим.

Т Е Ш А. Яхши дебсиз. Е пулингизни қайтариб берайми?

Т У Р Ғ У Н. Э, ўлма-е! Масхарабозлигингга борасан-да, а? Бу, ёзувчи ҳам эмишсанми-ей?

Т Е Ш А. Китобим чиқибдимми?

Т У Р Ғ У Н. Унақа ёзувчимас, шикоят-пикоят ёзадиганидан, деяпман. Тинч юрсанг нима қилар экан-а, тавба!

Т Е Ш А. Шунинг суюнчисига келдингизми?

Т У Р Ғ У Н. Бўлди, бўлди! Султон акам чақиряптилар, шунақаси йўлим тушиб... Тезроқ боргин.

Т Е Ш А. Султон... *(Шу сўзни айтиб атайин тўхтайди. Тургувнинг юзида ғазаб ва норозилик ифодаси қалқади.)*... акамиз чақирса, борамиз-да!

Т У Р Ғ У Н. Уйлансанг, фарзандли бўладигансан-у, ликиллаганинг ликиллаган!

Т Е Ш А. Мен-ку мен, сиз-чи? Ўттиздан ошиб қолдингиз-ов!

Т У Р Ғ У Н. Уйланыпмиз, уйланыпмиз, хотиржам бўл, оғайни!

Т Е Ш А. Табрик, табрик! Келинпошша сизга тегаётганини биладиларми?

Т У Р Ғ У Н. Бўлмасам-чи!

Т Е Ш А. Билса... шу пайтгача ўзини бир бало қилиб қўймабдимми?

Т У Р Ғ У Н. Тирранча! *(Кетатуриб, эшик раҳига суюниб турган Зумрадга кўзи тушади. Чаён кўргандай қоғиб қолади.)* Сиз... Нега?..

Т Е Ш А. Тўйга бизниям айтарсиз? Шеър



Ўқиб бераман. Ҳозир дуруст ёзадиган бўлиб қолганман. Тошкентда танишим бор...

ТУРҒУН. Яхши эмас, Зумрадхон. Элчилик, у-бу гап чиқади. Мана шу ишингиз кейинчалик турмушимизга таъсир қилишиям бор.

ТЕША. Нимангизга, нимангизга?

ТУРҒУН. Э, торт аравангни!

ТЕША (беихтиёр қўлини кетмонга чўзиб). Бор-э, ўша шляпангдан ўргилдим! Жўна, тошингни тер!

ТУРҒУН. Афтингни текислаб қўяман, бола, биттаю битта опанг ҳам танимай қолади! Теша унга ташланади, Турғун қочиб чиқиб кетади.

ТЕША (ташқаридан). Э, энангни... (Кириб) У оёгиниям айтардим сен бўлмаганинг-да.

ЗУМРАД. Шунисигаям шукр...

ТЕША. Кўрмайсанми ўзини! Текислаб қўярмиш! Ўзини шунақа текислайки, сипсиллик симёгоч бўлиб қолсин! (Кулади.) Қочилини кўрдингми? Нима деди? «Турмушимиз», дейдими?

ЗУМРАД... ,

ТЕША. Ростданми? (Энди чаёни кўргандай қотиб қолиш навбати унга келади.) Мен... ўйламовдим... (Секингина ўтиради. Беихтиёр баргдан ажратилган хивични олади. Ўзи сезмаган ҳолда секингина барг устига ура бошлайди.). Чапакай одамлар буюк бўла-

ди, дейишади... Искандар Зулқарнайн... Микеланжело... Леонардо до Винчилар чапакай бўлган... (Хивични кескинроқ силтаб) Шуман... Павлов ҳам... (Яна қаттиқроқ уриб) Гулханий, Усмон Носирлар ҳам! (Яна қаттиқроқ уриб) Мен ҳам! (Бирдан тўхтаб, секингина) Илгари сезганмидинг?

ЗУМРАД. Нимани?..

ТЕША (Жимликдан сўнг). Чапакайлигимни-да...

ЗУМРАД. Баргни расво қилдинг... Хайр... (Кета бошлайди.)

ТЕША. Қоғозлар-чи?

ЗУМРАД. Барибир бермайсан, биламан сени...

ТЕША. Сен хафа бўлма...

ЗУМРАД. Нега хафа бўлай...

ТЕША. Умуман-да... (Жилмайиб) Ичингда сеҳрли сўзларимизни айт. (Сукут.) Айтдингми?

ЗУМРАД. Ҳм... (Чиқиб кетади.)

ОВОЗ. Ҳаммаси жойида... Шундай бўлиши керак. Бахт ҳаммага етмаса керак. Дунёда одам кўп... Йўқ, етмайди. Тўрт ярим миллиарддан ҳам ортиқ... Кўп... Унақайлар, чапақайлар... Жудаям кўп...

ТЕША (тўсатдан). Маткарим Ҳў, Маткарим! Музикангни қўй! Қўйиб юбор патефонингни! Маткарим! Маткарим! Маткари-и-им!

Вальс

## ПАРДА

## ИККИНЧИ САҲНА

Совхоз директорининг кабинети. Султон ўз жойида ўтирибди. Турғун негадир оқсоқланиб у ёқдан-бу ёққа юрапти.

ТУРҒУН. Жа, ҳаддидан ошиб кетяпти лекин...

СУЛТОН. Ўзимиз бошимизга чиқариб қўйдик-да. Сал дуруст ишласа — бўлди, мақтаб кўкка кўтарамиз. Осмонга чиқариб қўямиз-да, кейин туширолмай юрамиз. Оёққа нима қилди?

ТУРҒУН (қўл силтаб). А-а... Бўлим бошлиғига айтиб, тракторини Худойбердига олиб берувдим. Ўшанинг алами-да.

СУЛТОН. Нега? Ўзи туппа-тузук ишлаб юрувди-ку?

ТУРҒУН. Икки-уч йилдан бери қаровсиз, бузуқ бир трактор бор эди. Шунча вақтдан буён биров тузатай демайди. Бош механикка айтсам, «Бунингиз одам бўлмайди», деди. Масхарабоздан бошқаси қарамай-диям, ҳафсалаям қилмайди. Яна битта тракторли бўлиб қолайлик, дедим-да.

СУЛТОН. Яхши. Лекин, қандай қилиб бўлмасин, масхарабоздан ҳисоботнинг нусхасини олиш зарур.

ТУРҒУН. Нимага энди битта тирмизакни деб ҳаммамиз қалтирашимиз керак?

СУЛТОН. Сен нима деб ўйловдинг? Бунинг оқибати нима бўлади, биласанми?! Тавба... Яна ким, бўлажак келинимизнинг ўзи қўшқўлаб тутқазиб ўтирибди-я!

ТУРҒУН. Ўзиниям унча-мунча қилмадим.

СУЛТОН. Ҳали эртасмасмикан?.. «Унча-мунча»нгни тўйдан кейин қиласиз! Бу ёғи тагин «характеримиз тўғри келмай қолди» бўлиб юрмасин!

ТУРҒУН. Йўғ-э... Унақа қизмас.

Очик деразадан Теша кўринади. У велосипедда, ичкаридагилар билан гапдашаётганда ҳам ундан тушмайди.

ТЕША (бидирлаб). Ассалому алайкум. Йўқлатган экансиз, ишимни ташлаб бўлсаям югурдим. Уф, ҳавони қаранг. Гилдирагим икки марта тешилди. Беш тийинлик танга билан ямаб қўйдим. Яна тешилса, чақаям йўқ. Кўчалар асфальтмас-да. Чақиртирма-сангиз ҳам ўзим келмоқчи эдим. Битта карбюратор олиб беринг, Султон ака. Омборга яқин бориб бўлмайди. Бор, биламан. Соат ака одамни эшитгилари ҳам келмайди. Ҳаммаси тайёр, битта карбюраторга қараб турибман-да. Анави графиндаги сувми?

СУЛТОН (илиқ оҳангда). Ҳа, мунча

бидирладинг, нафасингни ростлаб ол. Мундоқ ичкарига киради одам.

ТУРГУН. Отдан тушсинлар!

ТЕША. Тушсак тушаверамиз-да, биров картошка тиқиб кетармиди! (Ғойиб бўлади.)

СУЛТОН. Нима дейди?

ТУРГУН. Э-э!..

СУЛТОН. Ораларингдан бир гап ўтганми, дейман? Сен ҳам шу билан тенг бўлиб юрибсан-да!

ТУРГУН. Ўзингиз айтдингиз-ку: «Ҳаммамиз унинг олдида титрашимиз керак», деб.

СУЛТОН. Бўпти, бўпти! Тилимга осилма!

ТЕША (кириб). Мумкинми? (Султон билан кўришиб) Саломатмисиз?

СУЛТОН. Ҳа, Турғунбой аканг билан кўришмайсанми?

ТЕША. Бир кунда бир марта кўришсак бўлди-да. Ие, чанг-пангниям қоқмасдан кириб келаверибмиз-ку.

СУЛТОН. Ҳечқиси йўқ. Ўтир.

ТЕША. Ешмиз, ҳали кўп ўтирамиз. Карбюраторни бир бало қилиб беринг.

СУЛТОН. Ҳа, хўп, оловга келдингми, ўтир.

ТЕША. Янги кабинет муборак бўлсин!

СУЛТОН. Раҳмат.

ТЕША. Шу кабинет қурилаётган йилимиди, устингизга эриган мум тўкилиб кетгани?

СУЛТОН. Шуни билгани келдингми?

ТЕША. Йўқ, қурилишнинг тепасида ўзинг турганингга нима етсин, дейман-да. Бўлмаса, наридан-бери қилиб жўнаворишади. Биз ҳам уйни ремонт қилишимиз керак. Сира қўл бўшамайди. Мунис бўлса мендан баттар. Кундузи умуман қорасини кўрсатмайди, кечқурун яна ҳисоб-китоб. Уйимиз уй эмас — бухгалтерия. У ёқда қоғоз, бу ёқда қоғоз, оёқ босгани жой йўқ. Анави куни роса бир соат «Телба»ни қидирибман.

ТУРГУН. Нимани?

ТЕША (магноли қилиб). «Телба»! (Султонга) Достоевский.

СУЛТОН. Достоевскийни ўқиганинг тузук-а. Ўзинг ҳам ул-бул машқ қилармишсанми? Кел, очикчасига гаплашамиз. Бу ерда бегонамиз йўқ.

ТЕША. Ўзимизникилар ҳам йўқ.

СУЛТОН. Тилинг чатоқ. Ахир, ёш бола эмассан энди... Мана, Турғунбой акангни беҳурмат қилиб ўтирибсан. Майли, раҳбарлигини қўятурайлик, ҳар ҳолда сендан кўра бир-икки кўйлакни ортиқ йиртган. Ҳозирги гапингни қара: «Бир кунда бир марта кўришсак бўлди-да!» Салом бериб бировнинг бирон жойи камайиб қолганми? Ҳа, бўпти, ҳалиям кеч эмас. Қани...

ТУРГУН. Қўйинг, Султон ака, зорманми шунинг кечирим сўрашига.

СУЛТОН. Ишим йўқлигидан сени чақириб, гап сотиб ўтирганим йўқ. Отанг Содиқжон акани яхши билардим. Чорва-мизни оёққа тургазган одам. Унинг хотираси хурмати сен билан, мана, ўз тенгимдай гаплашиб ўтирибман. Бўлмаса, карбюратор топиб бериш менинг ишимми? Ана, бригадиринг бор, бўлим бошлиғинг бор, механигинг бор — топишсин, беришсин. Одамлар ҳафта-лаб ҳузуримга киролмайди. Сенга доим эшигимиз очиқ. Нега? Чунки, боя айтганимдай, ўртада Содиқжон ака бор. Сенга ота бўлган бўлса, менга дўст, ака эди. Шунақа. Техникага меҳрингни, меҳнатсеварлигингни яхши кўраман, кадрлайман. Канал бўйидаги насосни тузатибсан, раҳмат. Иккинчи бригадада битта «Олтой», битта «Воздушка»ни тузатибсан, баракалла. Эшитиб, хурсанд бўлдим. Ҳа, иш деган мана шунақа бўлади-да! Тилингни демаса, ўзинг дуруст бола-сан-а. Айтгандай, ўзингдан-ўзинг «У қиламан, бу қиламан», деб юрганмишсан, тинчликми ўзи?

ТЕША. Сизга қаёқдан етиб келақолди?

СУЛТОН. Қанақа раҳбар у, қўл остидагиларнинг дилида нима борлигини билмаса? Хўш?

ТЕША. Нимадан бошладик энди...

ТУРГУН. Таъбингиз.

ТЕША. Хў-ўш... Бултур бригадир мени сувга қўйди.

СУЛТОН. Хабарим бор. Яхши ишлагансан.

ТЕША. Керагидан яхшироқ ишлаб юборибманми, кўпроқ ҳақ олиб қўйибман.

СУЛТОН. Принципимиз шунақа-да: ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша.

ТЕША. Мен биринчи сувда... 1 минг 451 сўм, (уларга бир-бир қараб) иккинчисида 1 минг 368 сўм олимбан. Сувчининг шунча ҳақ олганини биринчи марта эшитишим.

СУЛТОН. Бўлса бордир. Бултур одамлар яхши ҳақ олишган.

ТЕША. Лекин, биринчи сувда менинг қўлимга 451 сўм, иккинчисида 368 сўм теккан... Жимлик

СУЛТОН. Буни энди Мунис опангдан сўра. У ҳам бухгалтер-ку, ахир.

ТЕША. Ҳар йили сувга тўрт-беш марта маош олардик. Нега ўтган йили икки мартагина олдик?

СУЛТОН. Ия, партизан чиқиб қолдинг-ку сен! Жами бўлиб ҳар йилгидан кам ҳақ олдингми? Кеча мактабни битириб келган мишиқи, фақат сувнинг ўзидан, салкам минг сўм ишлаб ўтирибсан-у, яна... Сувдан бошқа, шудгордан тортиб, теримгача, олган пулинг-

ни бир хомчўт қилиб кўр-чи, қанча бўлар экан? Бунга томовқангниям қўш! Ҳа? Даминг ичингга тушиб кетди? Қўлини кериб, закон сўқади!

Т Е Ш А . Э, мен сизнинг олдиғизга пул сўраб келганим йўқ. Бултур гўзани бор-йўғи икки марта суғордик. Райкомга тайёрланган ҳисоботда тўрт марта, деб ёзилган. Бу ёғи неча пулдан тушди?

С У Л Т О Н . Новаторсан-ку!

Т У Р Ғ У Н (*кулишга уриниб*). Оббо, сен-эй! Ҳеч замонда икки марта сув бериб пахта олиб бўларканми! Ақлга сиғадиган гап қилсанг-чи, масхарабоз!

Т Е Ш А . Ахир, ўзим сув тараганман-да.

Т У Р Ғ У Н . Алаҳсираяпсан, бола, алаҳсираяпсан! Унақаси тарихда бўлмаган. «Тошкент — 3» деб қўйибди буни! Мактабда нимани ўқитишади буларга, а!

Т Е Ш А . Бултур гўзанинг кам сув ичганига бошқалар ҳам ҳайрон бўлувди. Кейин буни қишда, баҳорда кўп ёгин ёққанига йўйишди. Шу билан ҳамманинг эсидан чиқиб кетди. Лекин, икки марталиги аниқ!

С У Л Т О Н (*сал юмшаб*). Сени қара-ю... Ҳисоботни ким берувди?

Т Е Ш А . Телепатия!

Т У Р Ғ У Н . Ў-ў, савод зўр-ку!

С У Л Т О Н . Шунинг учун ўқишга жўнатмоқчиман-да. Пахтазорда туғилиб, пахтазорда ўсган бола гўзанинг неча марта сув ичишини билмаса, деб устингдан кулишмай-дими? Виз сени илғоримиз деб, у ёқ-бу ёқда гапириб юрибмиз-а! Уялтириб қўйма-да энди. Эшик очилиб, Жамол ота кириб келади. У жуда ҳам хоргин, маъюс.

Ж А М О Л О Т А . Ассалому алайкум...

С У Л Т О Н . Э, э, келинг, ота, келинг. Қани, бу ёққа, бу ёққа...

Ж А М О Л О Т А (*эшик ёнидаги стулга ўтириб*). Раҳмат, шу ер дуруст...

Т У Р Ғ У Н . Келганингиз яхши бўлди-да, ота. Гўза неча марта сув ичишини, мана, сиз айтинг.

Ж А М О Л О Т А . Нима, ўзинг билмайсанми?

Т У Р Ғ У Н . Мен-ку биламан-а, лекин орамизда билмайдиганлар ҳам бор.

Ж А М О Л О Т А . Ҳар хил. Тўрт-беш марта...

Т У Р Ғ У Н . Ана!

Т Е Ш А . Бултур-чи?..

Ж А М О Л О Т А . Бултур... Бултур ҳам шундай бўлса керак-да. Гўза кўпам чанқамаяпти, дегандай бўлишувди. Минг хил доридармон ўйлаб топишган, ким билади дейсан? Мен халақит бермадимми?

С У Л Т О Н . Йўғ-э, қизиқмисиз! Бу ўзимизнинг ҳар кунги гап-да. Хўш?

Ж А М О Л О Т А . Шу десанг... Кетмоқчиман...

С У Л Т О Н . Қаёққа?

Ж А М О Л О Т А . Сарагул қизим: «Келинг, ёлғиз ўзингиз нима қиласиз ҳувиллаган ҳовлида», деявериб десанг...

С У Л Т О Н . Нима, бутунлайми?

Ж А М О Л О Т А . Шунақа...

С У Л Т О Н . Ие, қизиқ бўлди-ку... Дабдурустдан-а? Ё биров хафа қилдими?

Ж А М О Л О Т А . Йўғ-э, ким ҳам хафа қиларди? Одамлардан розиман. Шундай... Қарияман, шекилли...

С У Л Т О Н . Унақа мени хафа қилманг-да, ота. Бутун умрингиз шу ерда, шу одамлар билан ўтди. Бирон бир тўй-маърака сизсиз ўтмайди. Каттаю кичик ҳурматингизни жойига қўяди. Йўқ, ота, ҳали бизга кераксиз. Сизнинг тажрибингиз, маслаҳатларингизсиз бизнинг ишимиз юришмайди. Зериксангиз, майли, у ёқ-бу ёққа бориб келинг. Ана, ўғилларингиз жанг қилган жойларни зиёрат қилиб келинг, совхоз ҳисобидан. Унақамас-да. Бизни виждон азобига қўйиб... Айтишмай-дими, шундай одамнинг қадрига етишмайди, деб. Ундан кейин, халқимизда киндик қони тўкилган жой муқаддас саналади, ўзингиздан қолар гап йўқ...

Т У Р Ғ У Н . Бирон сабаби бордир, ахир?

Т Е Ш А . Жамол отанинг қайрағочлари қуриб қолди.

С У Л Т О Н . Қайси қайрағочлар? Ҳа-а, уми? Беш қайрағоч-а? Чатоқ бўлибди. Нима, қаридимикан?

Ж А М О Л О Т А . Қайрағоч қаримайди...

Т У Р Ғ У Н . Қачон... шунақа бўлибди?..

Т Е Ш А . Нима фарқи бор, қуриди — тамом.

Жимлик. Кексаликданми ё бошқа сабабданми, Жамол отанинг кўзларида ёш айланади.

Т У Р Ғ У Н . Ҳа-а... Одам қанчалик билимли бўлмасин, барибир табиат сирларини охиригача билолмас экан-да. Мана, гўзани қанчалик авайлаймиз, ардоқлаймиз. Лекин, бир вильт деймиз, бир гоммоз деймиз, бир илдиз чириш деймиз, бир — шу пайтгача ҳеч ким билмаган қуртҳашорат... Хуллас, табиатнинг биз билмаган сир-асрори ҳали кўп... Мана, гербицид кашф қилинди. Ёввойи ўтга қарши яхши дори. Лекин, ёгингарчилик бўлса — тамом, ёмғирда эриб, гўзанинг илди-зига етиб боради-да, ёввойи ўтни қуритгандай унияма ўлдиради-қўяди. Қўлимиздан келган бор чорани кўряпмиз...

Т Е Ш А . Ҳатто хандақлар қазияпмиз.

Т У Р Ғ У Н . Қанақа бетамиз боласан ўзи! На каттани биласан, на кичикни! Типирчиланинг типирчилаган!

Т Е Ш А . Типирчиламасам, гапингиз тугайдиганмас-да!

С У Л Т О Н . Қанақа хандақ ўзи?

Т У Р Ғ У Н . Хабарингиз бор, пастдаги қарталарни резина ичак билан суғорамиз —

ер нотекис. Сувдан кейин ичакни бошқа жойга кўчиришда жуда қийналяпмиз. Лойқа тўлиб қолади, трактор билан тортсак, узилиб кетяпти. Уни тозалаш учун тиззадан лой кечиб, қадам-бақадам кўтариб, лойқасини тўкиб чиқиш керак. Қанча ғўза нобуд бўлади, қанча вақт кетади. Одамлар тортган азобни айтмайсизми! Хуллас, сув бошида хандақ қазишни буюрдим. Сув бир оз бўлсам ўша ерда тинийди, ичакларга унчалик лойқа тўлмайди. «Бу ерда чўмилманглар, сувни лойқалатасизлар», девдим, шунга ўртоқ рационализаторимизнинг жаҳллари чиқяптида.

Т Е Ш А . Жа, унчаликмасдир-ов! Гап бундай, Жамол ота! Агроном акамиз қайрағочларингиздан сал берида, сув бошида одам бўйи қилиб хандақ қазитдилар. Сув тўлганда тупша-тузук чўмилиб турувдик, ўша чуқурга бир прицеп селитра ағдаришди. Селитрага тўйинган сув биринчи бўлиб қайрағочларингизнинг ёнидан ўтади. Дарахтларингиз, Жамол ота, агрономнинг тўкин зиёфатидан бўкиб қолган!

Т У Р Ғ У Н . Ана энди туҳматгаям қолдик!

Т Е Ш А . Султон ака, ўзингиз менга: «Ишонадиган гап қил», дейсиз-у, бу кишим бўлсалар чўпчакка тушиб кетяптилар. Хўп, дейлик, сув тиниди. Ахир, хандақдан чиқиб яна ўша лой ариқдан оқади-ю, тинитганингиз нима бўлди! То нариги қартадаги қувурга боргунча яна ўша-ўша сув. Сув қувургача чинни ёки олтин суви юритилган пўлат ариқдан оқмайди-ку!

Т У Р Ғ У Н . Сенинг нимага ақлинг етадию шунча одамни оғзингга қаратиб ўтирибсан?!

Эшик ёнида ўтирган Жамол отанинг чиқиб кетганини ҳеч ким пайқаммай қолади.

Т Е Ш А . Ана шунақа-да, дарров чиройли гапга ўтасиз. Шундоққина тан олиб қўяқолмайсизми: дорини ерни юмшатиш ёки жўяк олиш пайтида бермай, осонгина йўлини топдим, қанча-қанча пул иқтисод бўлди, деб!

Т У Р Ғ У Н . Султон ака, бунингизга бир нима денг!

С У Л Т О Н . Бўлди, бас қилинглар! Аввал отамларнинг... Ие, қанилар?

Т У Р Ғ У Н (*деразадан қараб*). Кетиб қолибдилар шекилли, кўринмайдилар. (Тешага) Билиб-билмай валақлашингнинг оқибати бу!

Т Е Ш А . Хандақ қазишнинг оқибати бу!

С У Л Т О Н . Бўлди, бола, ўзингдан кетма! Индамаса, жа-а...

Т Е Ш А (*тўсатдан*). Турғун ака, сиз бировдан нафратлана оласизми? Чинакамигада?

Т У Р Ғ У Н (*пичинг билан*). Одамига қараб.

Т Е Ш А . Масалан, Султон акадан?

Т У Р Ғ У Н (*Султонга*). Бунингиз соғ эмас!

Т Е Ш А . Тўғри қиласиз. «Қўрққан одамингдан нафратлана олмайсан», деган экан донолар.

С У Л Т О Н . Оғзим бор деб чулдирайверма! Бўпти, карбюратор оласан. Омборга телефон қилиб қўяман. Неча марта сув қўйишга келсак... (*Қандайдир қоғозларни олиб*) Мана, кўришинг мумкин. Тўрт марта сугоришга 5 1 минг 200 сўм ажратилган. Тўғрими? Буниси сувчиларга тўланган ҳақ, буюм 5 1 минг 200 сўм. Тўғрими?

Т Е Ш А . Ҳа...

С У Л Т О Н . Ҳаммаси қонуний, ука. Плани бултур 134 фойиз қилиб қўйганмиз, хабаринг бор!

Т У Р Ғ У Н . Шунга ҳисоб бериб ўтирасизми?!

С У Л Т О Н . Билишга ҳаққи бор. Шубҳа туғилибди, марҳамат, кўрсин, ишонч ҳосил қилсин. Мана, Мунис опангнинг ҳам имзоси турибди. Опангга ишонарсан?

Т Е Ш А . Мунис?! (*Беихтиёр эшик томон юради.*)

Т У Р Ғ У Н . Ана энди осмон қўлингда бўлса, ташлаб юборақол!

Т Е Ш А . Ҳеч қачон осмон қўлимда бўлганмас... Ҳеч қачон... (*Қичқиргудек*) Осмон қўлимда эмас, қўлим осмонда!..

Вальс

ПАРДА

## УЧИНЧИ САҲНА

Кеч. Совхоз марказидаги хиёбон. Теша асфальтга бўр билан нималардир чизяпти. Нарироқдаги дарахтга велосипедни суяб қўйган. Зумрад кўринади. Тешанинг орқасидан келиб, бирпас уни кузатиб туради.

З У М Р А Д . Нима у, сигирми?

Т Е Ш А . Ҳа, сенмисан, Қиммат... От бу. Бунисиям. Хуллас, отлар...

З У М Р А Д . Ўхшамабди.

Т Е Ш А . Ўхшамаса, тагига «Бу — отлар», деб ёзиб қўямиз. Ана. (*Кулади.*) Ишданми?

З У М Р А Д . Ҳм.

Т Е Ш А . Мен бўлсам гапдан келяпман. Директорнинг хонасидан. Нега сени кўрмадим?

З У М Р А Д . Почтага чиқувдим.

Т Е Ш А . Ҳа...

З У М Р А Д . Сендан кейин мени яна сўроқ қилишди.

Т Е Ш А . Шунақа дегин... Биласанми, булар қанақа отлар? Ўша, сен айтган циркдаги отлар. Фақат, булар оқ эмас, асфальт рангидаги отлар. *(Кулади.)* «Бу — оқ отлар», деб ёзиб қўямиз. Ана, бўлди.

З У М Р А Д . Қоғоздай оқ...

Т Е Ш А *(ёзиб)*. Ҳа, қоғоздай оқ отлар... Тезроқ ноябрь келақолсайди... Армияда сафнинг охирида турсам керак, бўйим паст... Ана энди буларни му-ундоқ қилиб доира ичига олиб қўямиз.

З У М Р А Д . Нега?

Т Е Ш А . Циркдаги сахна-да.

З У М Р А Д . Манеж, дегин.

Т Е Ш А . Ҳа, манеж. *(Сукут.)* Роҳатни кўриб турибсанми?

З У М Р А Д . Ҳм.

Т Е Ш А . У ҳам шаҳарлик бўлиб кетди. Ҳалиям ўша лабораториясида кўмилиб ўтирибдими?

З У М Р А Д . Ҳм.

Т Е Ш А . Жамол ота кетиб қолдилар. Бутунлай.

З У М Р А Д . Нега?

Т Е Ш А . Шундай. Манеждан сакраб чиқиб кетдилар... *(Жимлик.)* Сен нима дейсан, армиягача ўқиган яхшими ё кейинми? А? *(Зумрад жим.)* Менимча, олдин ўқисаям, кейин ўқисаям барибир аҳмоқ аҳмоқлигича қолаверади. *(Кулади.)* Тўғрими? *(Зумрад жим.)* Қиммат, *(чўнтагидан бир ҳовуч чигит чиқариб)* манави чигитларни Роҳатга бериб келмайсанми, а?, Шундоқ ҳам у-бу иш билан кунора шаҳарга тушиб турибсан-ку.

З У М Р А Д . Нега?

Т Е Ш А . Билмоқчиман, сувдан юз ўғирадиган қанақа чигит экан бу. Бултурги. Текшириб, аниқлаб берсин. Келишдик?

З У М Р А Д . Ҳм.

Т Е Ш А . Уф... Намунча индамассан-а! Пақ этиб ёрилиб кетмайсанми? *(Зумрад «йўқ» дегандай бош чайқайди.)* Мен эсам кўп гапирман. Шунинг учун бултур пахтага икки марта сув қўйганимизга ҳеч кимни ишонтиролмаёпман. Ҳатто, мен билан ёнмаён сув тараганларни ҳам. План ортиги билан бажарилди! Яхши ҳақ олинди! Дурустгина мукофот! Дабдабали пахта байрами! Энди ҳеч нарсани эслагилари келмаяпти... *(Шу пайт кўча чироқлари ёнади.)* Ана, йўлимиз чароғон бўлди! *(Кулади.)*

Ишдан қайтаётган Тургун кўринади. У бошини дока билан боғлаб олган.

Т У Р Ғ У Н . Зумрадхон!

Зумрад уни ҳали кўрмасдан, овозини эшитиши биланоқ ўрнидан туриб кетади.

Т Е Ш А . *(Зумрадга.)* Шундай қилиб, бўри қўзичоқни еб қўйибди! Шўрлик қўзичоқ! Ота-

онаси эса ревизор келган кунни қазо қилган экан...

Т У Р Ғ У Н . Нима қилиб ўтирибсиз, Зумрадхон, одамларга томоша бўлиб? Соат неча бўлганини биласизми?

Т Е Ш А . Соатимиз йўқ, балогат ёшига етмаганмиз.

Т У Р Ғ У Н . Э, маставага қатиқ бўлма! *(Бошини ушлаб қўяди.)*

З У М Р А Д *(бошқа нарса ҳақида гапиратгандай)*. Нима қилди?

Т У Р Ғ У Н . Э-э... Битта қоғозни қидираётган эдим, шкафнинг устидаги темир қутича тушиб кетди... бошимга.

Т Е Ш А . Унда нима бор экан?

Т У Р Ғ У Н . Ҳеч нима!

Т Е Ш А . Уни биламан-а, мен қутичада нима бор, деб сўраяпман!

Тургун аввалига бу гапнинг маъносини тушуниб етмайди. Тушунганида эса жаҳл ва уятдан титраб кетади.

Т У Р Ғ У Н . Паст! *(Зумрадга)* Кетамизми?

Т Е Ш А . Борақол, «баланд» дагилар кутиб қолишди!

З У М Р А Д . Сен-чи?

Т Е Ш А . Бирпас ўтирмоқчиман. Тоза ҳаво...

Т У Р Ғ У Н . Зумрадхон, ҳамма нарсанинг ҳам охири бахайр бўлгани яхши.

З У М Р А Д *(тараддудланиб)*. Ҳозир... Сиз бораверинг, Тургун ака...

Т Е Ш А *(ўзига чорлагандай оҳангда)*. Бор, Қиммат... кутиб қолди.

Т У Р Ғ У Н . Яхши. *(Кетади.)*

Т Е Ш А . Нега ундай қилдинг?

З У М Р А Д . Ўзинг-чи?..

Т Е Ш А . Жиддий бўлолмасам нима қилай? *(Кулади.)* Ойимлар шунақа туққанлар. *(Жимликдан сўнг)* Бўпти, борақол...

З У М Р А Д . Ҳайдамасанг ҳам кетаман.

Т Е Ш А . Қўлимдан келгани шу...

З У М Р А Д . Сен ҳам манеждан сакраб чиқиб кетяпсан, шекилли... Сал қийинчиликка ҳаммаям манеждан чиқиб кетаверса...

Зумрад кетади. Симёғочдаги радиокарнайдан куй эшитилади. Теша ҳамон ўша алфозда ўтирибди. Куй тўхтаб, карнай бир зум хириллаб қолади.

К А Р Н А Й . Пуф... пуф... Ўртоқлар! Бугун совхоз клубида «Қонун ва қасос» деган икки серияли ҳинд фильми намоиш қилинади. Уруш кино. Фильм кеч соат тўққиз яримда бошланади. «Қонун ва қасос»га марҳамат!

Т Е Ш А . Хўп бўлади!

Кутилмаганда дарахтлар орасидан уч киши чиқиб, Тешага ташланади. У бирор нарса дейишга ҳам, бирон ҳаракат қилишга ҳам улгуролмай қолади. Улар ҳам бир сўз демасдан, ерда гужанак бўлиб ётган Тешани тепкилашади.

О В О З *(қувноқ оҳангда)*. Дунёдаги энг кучли жонивор чумоли, дейишади. Ўз вазни-

дан бир неча баробар оғир юкниям бемалол кўтариб кетаверармиш. Бўлмаган гап. Менимча, энг кучлиси — одам. Уч кишининг ҳам зарбига дош бера олади. Бу сенга ерда беозор ётган донни судраб кетишмас...

Уч номаълум шари қандай пайдо бўлган бўлса, шундай тўсатдан ғойиб бўлади.

Т Е Ш А . Вой, аҳмоқлар-эй! Кўз-пўзга тегиб кетадиям, дейишмайди-я! *(Туриб, скамейкага ўтиради.)* Бурун жойида. Оёқ-қўл бутун. Бош омон... Қолгани топиладиган нарса. Энди нима қилдик, мулла Тешавой? Ақлли одам бунақа пайтда опасига кўринмайди. Ҳечқиси йўқ, бундан баттароқ бўлишим мумкин эди-ку...

Ҳовлиққанча Мунис кириб келади.

МУНИС. Теша! Теша! Нима бўлди? Қани, менга қара-чи... Вой, шўрим! Ким, ким бундай қилди? Эй, худойим, қанақа кунларга қолдик!..

Т Е Ш А *(жилмайишга уриниб)*. Қанақа кун бўларди, аҳмоқларнинг аҳмоқлигини исботлаш қийин бўлган кун-да...

МУНИС. Алжирамасанг-чи! Нима бўлди, деб сўраяпман сендан, Теша!..

Т Е Ш А . Метеорит тушиб кетди.

МУНИС. Қўйсанг-чи бўлмаган гапни!

Т Е Ш А . Нега бўлмаган гап бўларкан? Бугун ўзи шунақа кун экан — ҳамманинг бошига нимадир тушиб кетяпти. Кимга метеорит, кимга темир қутича...

МУНИС. Нима?! Қанақа қутича? Бирон нарса талашдингми? Ким билан?

Т Е Ш А . Эҳ-хэ, шунча саволга менда жавоб қаёқда дейсан! Ўзимдаям жавобсиз саволлар тикилиб ётибди... Бу ердалигимни қаёқдан билдинг?

МУНИС. Зумрадни кўрдим.

Т Е Ш А . Бир ўзимиди ё...

МУНИС. Ўзи. «Тезроқ Тешанинг олдига боринг, боғда ўтирибди», деди. Ким билан муштлашдинг, деяпман?

Т Е Ш А . Муштлашганим йўқ, муштлашди.

МУНИС. Ким, ахир, ким?

Т Е Ш А . Нега бақирасан? Қаёқдан билай, арвоҳдай пайдо бўлиб, арвоҳдай ғойиб бўлишди. *(У ёқ-бу ёққа қараб)* Ҳар қандай жиноятчи ҳам албатта из қолдиради. *(Ҳеч нарса топлмагач)* Из қолдирмаслик — бу ҳам из! Билдинг!

МУНИС. Билдим, билдим, ўтир. Изкувар! Қошинг ёрилибди. Қўлларинг сингурлар! Йод қўйиш керак.

Т Е Ш А . Тошкентда танишим бор. Мухбир. Ҳаммасини ёзиб жўнатаман. Бирйўла шеърларимни ҳам. Анавиниси эсингдами:

Мана, Мажнун — саҳро дайдис,

Кезар ёлғиз, дилда Лайлиси.

*(Сукрут.)* Ҳисоботда сенинг ҳам имзонг бор экан, қўрқмайсанми?

МУНИС. Усти-боши ивиб, жиққа ҳўл бўлган одам ёмғирдан қўрқмайди... Сен бўлсанг, ниманидир исботлайман деб, ҳовлиқиб юрибсан. Мендан яшириб нима қиласан...

Т Е Ш А . Сен аралашма. Ўзим эплайман. Биламан, улар бу ишларни сендан бекитиқча қилишган. Оддий бир бухгалтер билан ҳисоблашиб ўтиришармиди! Сенга «Комсомол секретари бўлса, взнос йиғишини билсин», деб қарашади, холос. Ҳамма ишни бош бухгалтер билан битиришган.

МУНИС. Ўзинг-чи? Қўрқмайсанми?

Т Е Ш А *(анчадан сўнг)*. Қўрқаман, Мунис...

МУНИС. Тўғри қиласан. Сен қўрқ. Қўрқанинг яхши. Қўрқмайман, деб мен нима бўлдим? Энди йўқотадиган ҳеч нарса йўқ... сендан бошқа. Шунинг учун энди сенинг ўрнингга ҳам мен қўрқмайман. Қўрқанинг яхши. Қўрқадиган нарсалар кўп... *(Узоқ жим қоладилар.)* Йўқ! Қўрқиб яшаб бўлмайди. Баъзилар ўйлаганчалик чўкиб қолганим йўқ ҳали. Айтадиган гапларим бор. Айтаман ҳам! Ҳисоб-китоб қиламиз ҳали!

Т Е Ш А . Қанақа «ҳисоб-китоб»?

МУНИС *(маънос жилмайиб)*. Бухгалтерия ҳисоб-китоби-да... Вақти келади. Келади... *(Сукрут.)* Совқотмаяпсанми? *(Теша жим.)* Сенга гапиряпман!

Т Е Ш А . Нима?

МУНИС *(жилмайиб)*. Қулоқ нима учун берилган?

Т Е Ш А . Шляпа кийганда тушиб кетмаслиги учун!

Ўлар кулиб юборишади.

МУНИС. Қачон сени одам қиларканман-а, тентаквой?

Т Е Ш А . Оз қолди. Одам бўлай-бўлай деб турибман. Армияга бориб келаман, ўқийман...

МУНИС. ...уйланасан.

Т Е Ш А . А-а, ким ҳам тегарди менга? Биттаси Қимматми? Жиддиймасмишман.

МУНИС. Тўғри айтибди.

Т Е Ш А . Мен ҳам тўғри айтди, деяпман-ку.

МУНИС. Қачондир уйланишинг кераклигини ўйласам, юрагим орқага ториб кетади.

Т Е Ш А . Нима, шунақа ялмоғизга уйланаманми?

МУНИС. Йўқ, мен ёлғиз қоламан... Ки-йимларингни у ювади, овқатингни у пиширади...

Т Е Ш А . Бўлди, уйланмайман! битта доно одам: «Уйланиш — ҳуқуқни икки марта камайтириб, мажбуриятни икки марта оширишдир», деган экан. Билдинг!

МУНИС. Вой, донишманд-эй! *(Жимлик.)*

Келаси шанба Зумрадларникада қиз базми экан... Борамизми?

Теш а. Мунча тез?.. Шошилишибди... Ҳали шуни айтолмай қийналаётган экан-да. (Сукут.) Ана, юлдуз учди, кўрдингми?

Мунис. Йўқ. Юр, кетамиз.

Теш а. Юлдуз учса, кимдир ўлган бўлади, дейишади. Шу тўғрими?

Мунис. Йўқ.

Теш а. Менимча, баъзи афсоналарга ишонган маъқул...

Мунис. Теша, бўлди... Тушундим...

Теш а. (осмонга тикилиб). Ахир одам нимагадир ишониши керак-ку, шундай эмас-

ми? Шундай. Мен сеҳрли сўзларимга ишонаман... Бундан баттарроқ бўлишим мумкин эди-ку...

Мунис. Теша... Теша... (йўғламсираб) Теша деяпман... Бўлди қил!.. Бўлди...

Теш а. Ҳа, майли... Юр.

У велосипедни олади ва секин-аста чиқиб кетишади.

КАРНАЙ. Ўртоқлар! Эртага совхоз клубида «Инсон тақдири» фильми намойиш қилинади. Буниси ҳам уруш кино...

Вальс

## ПАРДА

## ТҮРТИНЧИ САҲНА

Туй. Жамол отанинг ташландиқ ҳовлиси. Эшиklar ланг очик, турли лаш-лушлар ҳовли бўйлаб сочилиб ётибди. Олдинроқда қуриб қолган бешта қайрағоч. Теша шу ерда. У шошилмай ҳовлини кузатиб чиқади, улкан, лекин қуриган қайрағочларни ушлаб кўради.

ОВОЗ. Бир бор экан, бир йўқ экан, иккита чўпон бўлган экан. Улар бир майизни ҳам баҳам кўрадиган қадрдон дўст эканлар. Бахт кулиб боқиб, улардан бири катта амалдор бўлиб кетибди. Иккинчиси қўй боқиб юраверибди. Орадан йиллар ўтибди. Бир куни чўпон дўстини кўргани шаҳарга келибди. Қараса, дўсти ишлайдиган идоранинг ёнгинасида каттакон, шаҳарнинг салкам ярмига соя ташлаб турадиган қайрағоч бор экан. Уша қайрағочнинг соясида ўтириб дўстининг чиқишини пойлабди. Дўсти эрталаб мулозимлари қуршовида келаркану, кечқурун яна мулозимлари қуршовида чиқиб кетар экан. Чўпонни унинг яқинига ҳам йўлатишмабди. Шу алфозда кунлар ўтаверибди. Чўпон эса жазирама иссиқда, қаҳратон совуқда қайрағоч тагида жон сақлаб юраверибди. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлибди-да, бир амаллаб дўстининг қабулига кирибди. Бир неча ойдан бери уни пойлаганини, лекин ҳузурига киролмаганини, дўстини жуда-жуда соғинганини кўзига ёш олиб сўзлаб берибди. Дўсти ажабланиб сўрабди: «Шунча вақтдан бери шаҳарда экансан, қаерда яшадинг?» «Идорангнинг олдидаги қайрағоч остида. Сен эса негадир пайқамадинг», дебди чўпон. Шунда дўсти: «Ие, тавба, мен ишлайдиган идоранинг олдида қайрағоч ҳам бор эканми?», деган экан...

Ҳовлиқиб Зумрад кириб келади. У ясашиб олган, сочини чиройли турмаклаган, катта бир байрамга ҳозирлангандек қиёфада.

ЗУМРАД. Теша!..

ТЕША. Э, сенмидинг? Эсим чиқиб кетди-я.

ЗУМРАД. Қидирмаган жойим қолмади...

ТЕША. Бунақада одамнинг ўтақасини ёриб юборишинг ҳеч гапмас. Овозининг ўткирлиги-ей!

ЗУМРАД. Теша, қоғозни бермасанг бўлмайди...

ТЕША. Яна ўша гап! Хўш, нима қиласан уни?

ЗУМРАД. Керак деяпман-ку, Теша...

ТЕША. Тумор қилиб бўйнингга осиб оласанми? Унга арзимади бу. Истасанг, ўзим дурустроқ бирон нарса ёзиб бераман.

ЗУМРАД. (йўғламсираб). Сенинг ёзганингни нима қиламан!..

ТЕША. Тумор масаласида... дейман-да.

ЗУМРАД. Теша! Эй худойим, қанақа одамсан ўзи!..

ТЕША. Ўрта бўйли одамман.

ЗУМРАД. (галвасада). Майли, ҳазил қилавер, сенга ярашади... Устимдан кулсанг ҳам майли — хафа бўлмайман... Чунки, сен яхши одамсан... Теша, сен яхши одамсан, ақллисан, софдилсан, ҳалолсан, қаҳрамонсан... Фақат, қоғозни бер!.. Теша, илтимос, йўқ дема...

ТЕША. Ҳозир тиз чўқади.

ЗУМРАД. Истасанг тиз чўқаман! Сенинг олдингда тиз чўқишдан уялмайман! Мана! Кўрдингми, уялмаяпман!.. Кўрдингми? Виждоним ҳам қийналмаяпти! Ғуруримниям ўйлаётганим йўқ! Қизармаяпман, ҳаяжонланмаяпман... Мана, хотиржамгина тиз чўкиб турибман... Энди ишондингми?

ТЕША. Мен ҳам сенинг олдингда тиз чўқишим мумкин. Мана! Кўрдингми, мен ҳам уялмаяпман! Менинг ҳам виждоним қийналмаяпти! Мен ҳам ғуруримни ўйлаётганим йўқ! Мен ҳам қизармаяпман! Мен ҳам хотиржамман! Мен ҳам ҳаяжонланмай тиз чўкиб турибман! Энди сен ҳам ишондингми? (Чордана қуриб ўтириб олади.) Лекин, қоғозни бермайман! (Зумрад ҳам ҳолсиз ўтириб қолади.) Кўйлагинг ифлос бўлади. Чиройли экан. Тайёрини олдингми ё тикдирдингми?

Келинларникига ўхшаркан-у, оқ эмас экан...

З У М Р А Д. Менга бир бало бўлган ўзи... Илгариям шунақамидим?

Т Е Ш А. Менимча, сенга кинна кирган. Истасанг, Ҳалима хола билан гаплашиб бераман.

З У М Р А Д. Теша!.. (Ийглаб юборади.)

Т Е Ш А. (унинг йиғисига аҳамият бермагандай). Сен нима деб ўйловдинг, кинна солдиришгаям таниш-билиш керак!

Улар шу алфозда анча ўтиришади. Гапирадиган гап йўқдек. Қайрағочнинг яккам-дуккам қуриган барглари ой нурида оқ-сарик рангда товланади. Елкасига Тешанинг костюмини ташлаб олган Мунис кириб келади.

М У Н И С. Бемалол ўтиришини бунинг, хавотир оладиям демайди! Ма, елкангга ташлаб ол.

Т Е Ш А. Ўтирибмиз, дарду ҳасратимизни дастурхон қили-и-б.

М У Н И С. Зумрад, тинчликми? (Тешага). хафа қилдингми?

Т Е Ш А. Рим папасини ўлдириб кетишсанг мендан кўрасан-а!

М У Н И С. Нега йиғлапти бўлмаса?

Т Е Ш А. Пешанам шўр экан, деб йиғлапти.

Зумрад шахд билан ўридан туради. Кўзлари йиғидан кизарган, чиройли турмакланган сочлари тўзғиган, қомагига ярашиб турган кўйлаги тупроққа беланган. У биз билган ишдамас ва камган кизга сира ўхшамайди. Кўзларидаги доимий маъюслик ўрини алланечук исёнкорлик эгаллаган.

З У М Р А Д. Менга қара, пешонаси ярқираган йигит! Ўзингнинг аҳволингга бир қара! Ахир, пешонанг меникидан ҳам шўрроқ-ку! Ҳамма нарсани кулиб енгмоқчи бўласан, аслида ўлганингдан куласан! Йўқ, дегин-чи! Тракторингни олиб қўйишади — сен куласан! Ўлгудай калтаклашади — сен куласан! Алдашади, сенга хиёнат қилишади — яна куласан! Ўтган ҳам, кетган ҳам тепкилаб ўтади — барибир кулаверасан! Йиғлагинг келади, лекин сен — куласан! Аслида, ожизлигингни яшириш учун куласан! «Мана, кўриб қўйинглар, ҳаёт мени йиғлатолмайди!», демоқчимисан? Елғон! Ҳаммаси елғон! Ўзингни овутиш учун ҳар хил чиройли гапларни ўйлаб топасан: «оқ отлар», «манеж», «сеҳрли сўзлар»! Ким ишонади бу бемаъни гапларингга, ким?!

Т Е Ш А. (жилмайиб). Сен билан разведкага бориб бўлмас экан. Сотиб қўясан.

З У М Р А Д. Ўша қуриб кетгур қоғозни байроқ қилиб кўтариб юрибсан, хўш, нимани исбот қилмоқчисан? Нимани?! Кимга?! Шунча вақтдан бери қоғоз қўлингда, улар ҳам қараб туришгани йўқдир, ахир! Сен шоҳида юрсанг, улар баргида юришади! Хўп, ана, Роҳат ўша чигитларингни текшириб, аниқлаб

ҳам берди дейлик, ҳаммасини билиб олдинг ҳам дейлик. Кейин-чи? Нима қиласан? Нима келади қўлингдан? (Ўзини қўлга олишга уриниб) Кўрдингми, бари бир фойдаси йўқ... Яхшиси, қоғозни менга бер...

Т Е Ш А. Фойдаси бўлмаса, уни ўзим тумор қилиб бўйнимга тақиб оламан. Умримнинг охиригача бўйнимда осилиб туради! Кечаю кундуз. Эрмак-да, чақалоқнинг бешигига осилган шиқилдоқдай!

З У М Р А Д. Сен учун эрмак, мен учун... Э, бари бир тушунмайсан!

Т Е Ш А. Нега тушунмайсан, сен учун порлоқ ва беташвиш келажак! Ўшанда, бемалол, йиғлагинг келса йиғлаб, кулгинг келса кулаверасан! Менга ўхшаб қийналиб юрмайсан! «Сеҳрли сўзлар»нинг ҳам кераги бўлмайди. Тўғри-да, ҳамма нарса кўнгилдагидай бўлса, «сеҳрли сўзлар»га не ҳожат? «Сеҳрли сўзлар» фақат бизга ўхшаганлар учун бир...

З У М Р А Д. Бўлди қил...

Т Е Ш А. Мунис, ҳали Қиммат мени ожизсан, деди-я? Йўқ, ожизмасман! (Ўша қоғозни қўлида ййнаб) Қудратлиман! Истасам кимнидир бахтли қиламан, истасам — бахтсиз қиламан! Тўғрими, Қиммат?

Зумрад қўллари билан юзини бекитганча яна йиғлашга тушади. Анчагача йиғлайди, ҳеч ким юнатмайди... Бояги шиддати сўнган, йиғиси ҳам чорасиз одамнинг йиғисига ўхшайди.

М У Н И С. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди...

Т Е Ш А. (Зумрадга). Қоғоз бўлмаса... бўлмайдими?

З У М Р А Д. (эшитилар-эшитилмас). Ҳм...

Теша қоғозга бирпас тикилиб туради. Сўнг уни шовилмай йирта бошлайди. Майда-майда бўлақларга бўлингунча йиртаверади...

Т Е Ш А. (Мунисга). Қара, қайрағочнинг барглари олтинга ўхшайди...

М У Н И С. Ҳа. Ой нурида шундай кўриняпти, кундузи бошқача...

Т Е Ш А. Нега Жамол отанинг қайрағочларини «Қизил китоб»га киритишмаган экан-а?

М У Н И С. Қайдам. Балки, тўлиб қолгандир...

Зумрад чўк тушиб қоғоз парчаларини тера бошлайди. Қоғоз парчалари Тешанинг оёқлари остида сочлиб ётибди. Шу сабаб, тиз чўкиб қоғозларни тераётган Зумрад ўта мўғтабар бир зотга сажда қилаётгандек кўринади.

Т Е Ш А. (Зумрадга). Далил учунми?

З У М Р А Д. Ҳм...

Т Е Ш А. Далилсиз ишонмас экан-да?

М У Н И С. Қўй, Теша...

З У М Р А Д. Раҳмат...



Т Е Ш А. Нима?

Зумрад жим қолади.

МУНИС. Раҳмат, деяпти.

Т Е Ш А. Ҳа-а...

З У М Р А Д. Хайр...

У кетатуриб бирпас тўхтаб қолади. Нигоҳи Тешага қадалган.

Т Е Ш А. (унга қарамай). Бир нима де-моқчимисан?

З У М Р А Д. Йўқ. Сеҳрли сўзларингни айтдим... ичимда. (Оҳиста юриб чиқиб кетади.)

Нокулай жимлик.

МУНИС. Қоғозни нега йиртдинг? Зумрадни дебми? (Теша жавоб бермайди). Майли, кўявер. Кўтар бошингни!

Т Е Ш А. (кулимсираб). «Бундан баттарроқ бўлишим мумкин эди-ку». Тўғрими?

МУНИС. Ҳа.

Т Е Ш А. (секин). Бир, икки, уч... Бир, икки, уч... Уч... уч... (Тўсатдан) Тўрт! Беш! Бешта

ниҳол ўтқазаман! Бешта қайрағоч! Мана кўрасан, улар ҳеч қанақа селитра-пелитрадан кўрқмай ўсадиган бўлади!

МУНИС. У қайрағочларингниям кимдир... ўлдирса-чи?

Т Е Ш А. Яна экаман!

МУНИС. Униям кимдир...

Т Е Ш А. Яна экаман! Жуда кўп экаман! Йигирма миллионта экаман!.. Агар, буям камлик қилса, унда...

МУНИС. Нима, «унда»?

Т Е Ш А. Унда... яна экаман! Қанча керак бўлса, шунча экаман! Фақат, яна қанча кераклигини билмайман. (Мунисга) Сен биласанми қанча кераклигини? Ким айтади, яна қанча керак?! Қанча?!

Қайрағочнинг сийрак, яккам-дуккам қуриган барглари ой нурида олтинранг бўлиб жилваланади...

Вальс

ПАРДА

## БЕШИНЧИ САҲНА

Орадан бир ҳафта ўтган. Яна совхоз директорининг хонаси. Султон, Мунис, бўлим бошлиғи, бригадир ўтиришибди. Тургун бу сафар томоғини боғлаб олган. Йигилиш анчадан бери давом этапти.

СУЛТОН. Менинг иш фаолиятим давомида ҳеч бунақаси бўлган эмас, ўртоқлар! Ишёқмаслар бўлган, кўзбўямачилар бўлган, расмиятчилар бўлган, лекин гўзани ҳайдаб ташлаган кўрнамак бўлган эмас! Тўрт қатор-а! Қарганинг узунлиги 450 метр десак, салкам икки километр ердаги гўза йўқ! Бу нима деган гап ўзи?! Йигирманчи йиллар эмаски, босмачилар пахтамизга керосин се-пиб ўт қўйиб кетса, биз юрагимизни ҳовучлаб ўтирсак!.. (Бригадирга) Сизнинг кўзингиз қаёқда эди, Меливой ака?

БРИГАДИР. Ўзингиз айтганингиздай, ҳар бир қартага биттадан қоровул қўядиган замон эмас-ку, ахир!

СУЛТОН. «Ўзингиз айтганингиздай» эмиш! Сизда ҳам ҳеч мустақил фикр бўладими ўзи, йўқми? Бригадангизда оммавий-сиёсий тарбиянинг «т» ҳарфийам йўқ! Дала шийпонига борсам тер босади. На янги газета бор, на журнал...

БРИГАДИР. Мендан ҳеч ким журнал сўрамайди, пахта сўрайди.

СУЛТОН. Ана! Сиз шунақа деб ўтирибсиз, бошқалардан нима кутамиз! Эртага бутун далангизни шудгор қилиб ташлашсаям ҳайрон бўлмайман бунақада! (Бўлим бошлиғига) Сиз ҳам бирор нима дейсизми ёки «Дилхирож» эшитаётгандай бош чайқаб ўтираверасизми?

БЎЛИМ БОШЛИҒИ. Шу, сиз айтган гапларга қўшиламиз-да.

СУЛТОН. Гапимга қўшилганингиз билан тўрт қатор гўза қайта униб чиқмайди-да! БЎЛИМ БОШЛИҒИ. Қўшилмасам чиқадими?

СУЛТОН. Нима бўлган ўзи буларга бугун! Кимга нима десанг, чақади-я!

Теша киради.

Т Е Ш А. Ассалому алайкум. Мумкинми?

СУЛТОН. Мумкин эмас!

Т Е Ш А. Мен ҳам коммунистман, Султон ака, фақат ҳали партбилетим йўқ-да.

ТУРҒУН. (боғланган томоғини силаб қўйиб, бўғиқ овоз билан.) Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги эмасми-сиз, мабодо?

Т Е Ш А. Унчаликмас-у, ҳар қалай, ўз ишимизнинг академигимиз.

СУЛТОН. Хўш, академик, кеча нима иш қилдингиз?

Т Е Ш А. Жўяк олиб ётибмиз.

СУЛТОН. Қайси қартада?

Т Е Ш А. Учтерақда.

СУЛТОН. Ўша Учтерақдаги қартада кеча кечқурун тўрт қатор гўза ҳайдаб ташланганидан хабарингиз борми?

Т Е Ш А. Тўрт қатормас, уч қатор.

ТУРҒУН. (асабий). Нега... уч қатор?

Т Е Ш А. Чунки, культиватор куракчаларининг ораси тўқсон эмас, олтмиш қилиб нарезка қилинган. Шунинг учун чапдан иккинчи қатор омон қолган.

СУЛТОН. Қайси трактор кирибди қартага?

Т Е Ш А. Меники.

Ҳамма Тешага қарайди.

СУЛТОН. Аниқми?

ТЕША. Аниқ. Унг томондаги катта гилдиракни тескари ўрнатганман, изидан билдим. Эрталаб куракчаларни тўғрилаб қўйдим. Сўлиган гўзаларни олиб ташладим.

СУЛТОН. Шунақа дегин... Демак, гўза сенинг тракторингда нобуд қилинган?

ТЕША. Тракторда ақл борми, ҳайдаса, ҳайдаб ташлайверади-да! Устига ўтирган одамнинг калласи қаерда экан?!

СУЛТОН. Биз ҳам ўша каллани қидир-япмиз. Ундан кўра, менинг томорқамни ҳайдаб ташлагани минг марта афзал эди. Ўзим ҳам қарашиб юборардим.

Турғун борган сари асабийлаша боради. Султон эса асосий гапни айтилмай қийналади. Турғуннинг сабр касоси тўлади ва ниҳоят...

ТУРҒУН. *(Тешага)*. Сен нега бақа ютган илондай кулча бўлиб ўтирибсан бу ерда?! Жиноятнинг изи сенга бориб тақалаётганини тушунасанми ўзи, йўқми?!

СУЛТОН. Турғун... Турғунбой...

Ҳамма сергак тортади.

ТУРҒУН. Гўза сен ишлаётган қартадан ҳайдалганми? Уша қартада! Сенинг тракторингдами? Сеникида! Бунинг ҳеч нарса кўрмагандай ўтиришини қаранг! Номард!

СУЛТОН. Турғунбой, ўзингизни босинг, Турғунбой...

ТУРҒУН. Гаплашсанг, мана, биз билан гаплаш! Қанча тухматинг бўлса, мана, бизга ёғдир! Гўзада нима айб, нонкўр!

СУЛТОН. Турғунбой, ўтинг, мундоқ ўтиринг. *(Уни ўтқазиб қўяди.)*

ТУРҒУН. Болангдай авайлаб ўстирсанг-у, ҳайдаб ташлашса... Одам ўлдиришдай гап бу! Қўлинг қон сен аблахнинг! Қон, қон!..

СУЛТОН. Бўлди-да энди, Турғунбой! Йиғилишми бу ё жанггоҳми?

ТУРҒУН. Узр... Қонинг қайнаб кетар экан...

Ҳамма дол. Теша тинмай тиззасини чапгаллайди, эҳтимол, ичиди сеҳрли сўзларини такрорлаётгандир. Муниснинг юзидан бирон маъно англаш мушкул.

СУЛТОН. Да-а... Хунук иш бўлди. Қайтадан экиб бўлмаса, гўза тиззадан келиб қолган... *(Тешага)* Хўш, сен ўзингни оқлашга бирон нарса дейсанми?

ТЕША. Мен қилмадим... Шу.

Ташқаридаги радиожарнайдан куй эпитилади.

ТУРҒУН. Бу гап кам! *(Ўрнидан туриб)* Менда таклиф бор, ўртоқлар! Теша Содиковни, масаласи бир ёқли бўлгунча, ишдан четлатиш керак. Энди унга ишониб бўлмайди. Энди у... хавфли, ўртоқлар! *(Бўлим бошлиғига)* Тракторини Худойбердига олиб беринглар!

БРИГАДИР. Илгаригисиниям Худойбердига олиб берувдик... Худойбердига жа-а худо бериб қолди-ку!

ТУРҒУН. Сиз айтганимни қилинг. Тракторинг тезлик қоробкасига бир бало бўлибди... Майли, бу ҳақда ҳозирча у ёқ-бу ёққа гапирмай турсак. Йўқса, текшир-текшир, гувоҳ-пувоҳ бўлиб, ҳаммамиз ишдан қоламиз. Тўғримиз, Султон ака? Ҳозир бир дақиқа ганимат. Мақсад ягона — пахта, пахта ва яна пахта! Кузда, юзимиз ёруғ бўлганидан кейин бу масала билан жиддий шуғулланамиз. Бунақа жиноятни жазосиз қолдиришнинг ўзи жиноят, ўртоқлар! Гапим тамом.

СУЛТОН. Хўш, яна ким гапирди? Қўчқор ака, менимча, ҳаммаси тушунарли, а? *(Бўлим бошлиғи иккиланиб тасдиқлайди.)* Ўртоқ бригадир, шу гап — шу гап-да, а? Е бошқа фикр борми?

БРИГАДИР. Йўқ...

Теша ташқаридаги радиожарнайдан таралаётган куйга пичирлаб жўр бўла бошлайди.

ТЕША *(пичирлаб)*. Бир, икки, уч... Бир, икки, уч... Бир, икки, уч...

СУЛТОН. Демак, шу. Мунисхондан фикрларини сўрамадим, комсомол вожагимиз бўлсалар ҳам, ҳарқалай — жигар... Шу билан бу гап тамом. Иккинчи масалани, ўртоқлар, парткомимиз санаторийдан қайтганларидан кейин кўриб чиқамиз.

ТЕША *(шивирлаб)*. Бир, икки, уч... Бир, икки, уч...

ТУРҒУН. Эй, бор, ашулангни кўчада айт!

ТЕША *(секин)*. Ашуламас, вальс бу... Бир, икки уч... Бир, икки, уч...

ТУРҒУН. Мунисхон, укангиз сал анақароқ, десам хафа бўласиз. Мана, кўряпсизми?

Теша шартта туриб, эшик томон югуради.

МУНИС. Теша! Қаёққа?

ТЕША. Манеждан сакраб чиқиб кетяпман!

МУНИС. Теша, ахир, «бундан баттароқ бўлишиям мумкин эди-ку»

ТЕША. Йўқ! Бундан баттари бўлмайди! *(Югуриб чиқиб кетади.)*

МУНИС. Теша! Теша! Теша деяпман! *(Чиқиб кетади.)*

БРИГАДИР. Ўзини бир бало қилиб қўймасмикан?

ТУРҒУН. «Бир бало» қилиб бўлди-ку!

Еқасига туфлаганча Ҳалима хола кириб келади.

ҲАЛИМА. Вой, масхарабоз ўлгур-эй, эсим чиқиб кетди-я! Тинчимади, тинчимади-да. Беш вақт намозда, «Шу олашақшаққаям жиндай ақл бер», деб зор қақшайман — қаёқда! *(Гапиришдан тўхтамай, ҳамма билан бир-бир елка қоқиб сўрашади.)* Вой, айланайлар, тани-жонинглар соғми, бола-чақалар чопқилаб юришибдими, ишлар билан чарчамайгина... Омин, ризқинглар ошдан бўлсин, бошинглар тошдан бўлсин, уйда қош бўлинглар, тўйда бош бўлинглар, тишинглар тош кўрмасин, кўзинглар ёш кўрмасин...

СУЛТОН. Хола...

ҲАЛИМА. Ҳа, ўргилай?

СУЛТОН. Мажлис кетяпти.

ҲАЛИМА. Ҳа, ҳозир ўргилай. Бевақт тўзишдан, қаримай ўлишдан, чаённинг захридан, оллонинг қахридан, ўгрининг кўзидан, ёмоннинг сўзидан, сув балосидан, ўт балосидан сақлаб, ризкингларни сочиқ, йўлингларни очик қилсин, оллоҳу акбар! Тинчмисизлар, ишқилиб, айланайлар?

СУЛТОН. Хизмат, хола?

ҲАЛИМА. Энди, гап мундоқ, ўргилай. Кеча овқатим ўлгур кеч бўлиб, амакингизга салкам ярим кечада егулик олиб бордим. У кишининг феълларини биласиз, «Мошкичиридан бошқа нарса қилсанг, қўлингга хасмол чиқармиди», деб роса олдилар...

СУЛТОН. Қисқароқ қилинг, хола.

ҲАЛИМА. Қисқаси, мошкичири закуска ўлгурга ярамасмиш!

СУЛТОН. Амаким ичмасдилар, шекилли?

ҲАЛИМА. Тўғри, ичмайдилар. Турғунбой олиб келган анави шогирд болаларга экан. Ҳашарчилар бор, демайдиларми, менгина қовурдоқ-повурдоқ қилиб обормайманми!

СУЛТОН. *(Турғунга)*. Қанақа шогирд болалар?

ТУРҒУН. Ҳа, учтаси бизга практикага келган эди. Кундузи техниканинг бари далада. Кечқурун шуғулланишяпти.

ҲАЛИМА. Қисқаси, ўша болакайлар анави масхарабознинг тракторини титкилашётган экан. «Ҳой, болажонларим, у «худонинг газаби»га тегманглар, жанжални пулга сотиб олманглар», деганимни биламан, амакингиздан қолдим балога, қолдим балога! «Сенга нима! Турғунбойнинг томорқаси баҳона, биз ҳам ерёнгоқни ҳайдаб оламиз. Бировга ғинг десанг, қолган ўша еттита тишингниям йўқ деб ҳисоблайвер», дедилар. Бо, худо! Шаҳарга тушиб тиш қўйдириб чиқай дейман, қани бу рўзгор ўлгурдан бўшасам...

ТУРҒУН. Хола, бизни ишдан қўйяпсиз.

ҲАЛИМА. Ҳозир, ўргилай, ҳозир. Бешинчида ўқийдиган неварам: «Теша акамнинг тракторини биров бир нима қилибди, ғўзани қирқиб кетибди. Ҳозирги терговчилар жа ўткир, қидирган нарсасини топмай қўймайди», деб қолди. Невараларимнинг ичида шуниси бошқача, ўргилай. Анча каллали. Турғунбой болам, энди холангиздан хафа бўлмайсиз-да, ўргилай. Барибир қидириб топишаркан, деб айтяпман-да бу гапларни. Тагин, амакингизни қамаб қўйишса, одамларга нима дейман? Элчилик, ўргилай...

ТУРҒУН. Жа, эзмасиз-да, хола! Биров чолингизни қамайман, деяптими! Бўпти, уйингизга боринг энди.

ҲАЛИМА. Майли, ўргилай, майли. Ўзим ҳам баъзан: «Шу тақир-туқурнинг нимасига қоровуллик қиласиз, бўри ермиди буларингизни?», дейман. Ўзи, чоли тушмагур

темир-терсакка тушунмайди. Буни ўша учаласи қилган, ҳа, ўшалар.

ТУРҒУН. Боринг, деяпман, хола!

ҲАЛИМА. Мунча шоширдингиз одамни, Турғун болам? Мана, кетаяпман, ўргилай. Султон болам, амакингизга ҳеч гап бўлмайди, а?

СУЛТОН. Хотиржам бўлинг, ҳеч гап бўлмайди.

ҲАЛИМА. Раҳмат, ўргилай, бола-чақангизнинг роҳатини кўринг. Бир ҳовлига ўтинглар, чалоб қилиб бераман, хўпми? Майли, борақолай энди. Анави учта зумрашани жўнатиб юборинг, Турғун болам, ҳа. Тунов куни кийимларидаги қонни ариқ бошида ювишаётганини кўриб қолдим, ўргилай. Бирпасдан кейин Мунис шўрлик афти-башараси дабдала бўлиб кетган Теша масхарабозни етаклаб ўтди. Саёқ болаларга ўхшайди, Турғун болам.

ТУРҒУН. Вой, мен бир нима дедимми? Хўп, кетаман, деяпманку, ўргилай. Майли, омон бўлинглар, айланайлар. *(Чиқиб кетади.)*

ТУРҒУН *(ноқулай жимликни бузиш учун)*. Одамларимизнинг ҳалиям онги паст-да...

СУЛТОН. *(Турғунга шивирлаб)*. Ўзи нима гап бўлудди?

ТУРҒУН *(у ҳам пичирлаб)*. Султон ака, мени ҳар қанча аблаҳ десангиз денг-у, лекин ўсиб турган экинни ҳайдатворадиган албаҳ эмасман! Анави касофат практикантлар ичиб олиб, бунинг тракторида ўша ўн саккиз гектарлик маккапояни ҳайдаётган экан, трактор суриб кетиб... Ўзи-ку бу лаънати масхарабоздан қутуллолмай юрувдик...

СУЛТОН *(Турғунга)*. Бўпти. *(Ҳаммага юзланиб)* Бўпти, бугунча бўлар...

Ҳамма тура бошлайди. Шу пайт Мунис ва Теша кириб келади.

МУНИС *(Тешага)*. Нега қочасан? Индамай жўнавориш экан-да? Утир мундоқ. Ут! *(Теша игоаткорона келиб ўтиради.)* Сени қараю! Кетсак, бирга кетамиз. Шунча нарсани билатуриб индамаслик, инсофданми?!

СУЛТОН. Тагин нима гап?

МУНИС. Янги гап! *(Тешага)* Роҳат бериб юборган қоғозлар қани? Менга бер. *(Тешадан аллақандай қоғозларни олиб)* Мен ҳозир сизларни совхозимиздаги оламшумул бир кашфиёт билан таништирмоқчиман. Бултур биз эккан чигит, ҳамма ўйлаганидай, «Тошкент-3» эмас, ҳали экишга жорий қилинмаган «АН-402» деган нав экан. *(Ҳамма ҳайрон.)* Манави қўлимдаги, бултур биз эккан чигит «АН-402» нави эканини тасдиқловчи справка!

ТУРҒУН. Ким берди уни сизга?

МУНИС *(пичинг билан)*. Шаҳарда шу иш билан шуғулланувчи лаборатория бор. Бултурги чигитдан бир сикимгинасини олиб

борсангиз, худди шунақа справкадан сизгаям беришади. (Хаммага қараб) Мана буниси эса — «АН-402»нинг характеристикаси. (Ўқиб) «Ҳосилдор, кам сув талаб қилади, пахтаси пишиши билан барги табиий равишда тўкилади. Бошқа навларга қараганда дефолиация учун беш баробар кам харажат талаб қилинади...»

СУЛТОН. Менга қаранг, Содиқова! Нима бўляпти ўзи? Хоҳласангиз, рухсатсиз чиқиб кетасиз, хоҳласангиз — бостириб кириб, селекциядан лекция ўқийсиз! Совхоз директорининг кабинетими бу ё молбозорми?! Лекциянгизни уйингизга бориб ўқинг! Рухсат сизга!

МУНИС. Йўқ, энди охиригача эшитасиз! Гаплашиб олишга бошқа вақтимиз бўлмаса керак. Қаранг, республикада биринчи бўлиб янги нав экибмиз-у, бу ҳақда ҳеч кимга миқ этмабмиз-а? Ҳатто ўз одамларимиз ҳам билмайди. Ҳеч ким бунга эътибор қилмабди, қаранг! Чунки, одамларнинг ўртача иш ҳақи кўнгилдагидек. Бунинг устига мўмайгина мукофот ҳам олишади. Даромад яхшими — яхши! Ҳосилдорлик юқорими — юқори! План бажариляптими — бажариляпти! Қанақа нав экилиши билан кимнинг неча пуллик иши бор! Така бўлсин — сут берсин! (*Султон ва Турғунга*) Одамларнинг бу лоқайдлиги сизларга жуда қўл келган. (*Хаммага*) Шуниси қизиқки мундоқ қараганда, совхозимизда моливий қонун бузилмагандай. Ўзим бухгалтерман, ҳамма ҳужжат қўлимдан ўтади. Лекин, аслида-чи? Бултур гўзага икки марта сув қўйилган. Негаки, бу нав кам сув талаб. Лекин, одатдагидай, тўрт марта деб расмийлаштирилган. Учинчи ва тўртинчи сув бизга фалон пулга тушади. Энди ана шу ёнга қолди демек. Бу ҳали ҳаммаси эмас. (*Бирйўла ёзиб, ҳисоблаб чиқади, сўнг бир Султонга, бир Турғунга кўрсатади.*)

ТУРҒУН (*қоғозга кўз ташлаб*). Рокфеллер эканмиз-да!

МУНИС. Унисини менсиз аниқлашар. Энди бу ортиқча пулларни қоғозда расмийлаштириб, ҳамёнга уриш қолди. Ишчилар ҳақларини олиб бўлганидан кейин, бош бухгалтер билан кассир келишиб, ведомостдаги рақамлар ўзгартирилган. 320 негадир 1 минг 320, 211 эса 1 минг 211 бўлиб қолаверган. Ведомость машинкада ёзилгани жудаям қўл келган. Тагида менинг ҳам имзом бор — қандай яхши! Султон ака, ишонмасангиз, сиздаги ведомость билан мендагини солиштириб кўришимиз мумкин. Шунини ҳисобга олмабсизлар-да, а?

СУЛТОН. Хўп гапиринг, гапираверинг-чи! Кўрайлик-чи «беозор» укангизни қандай қилиб сувдан қуруқ чиқариб оларканмиз!

МУНИС. Укасими, етти ёт бегонами, бир

ҳалол одамнинг бошига ноҳақ маломат ёғдирилганда виждони бор киши жим туролмайди... Хўш, райкомга ёзилган ҳисобот ҳам ғирт ёлғон! «Мунча сув қўйдик, дефолиацияни фалон числода бажардик!» Одамларни ана шу гаплардан чалғитаман деб Тешани салкам душманга чиқариб ўтирибсизлар!..

СУЛТОН. Қўйнимизда илон сақлаб юрган эканмиз, Турғунбой! Содиқжон аканинг хотираси ҳурмати буларнинг бошини силасанг, мана, давлатнинг бир томонини ўпириб ётганга чиқаришяпти. Минг раҳмат-э!

ТУРҒУН. Қаранг-а! Мунисхон, шунча нарсага ақлингиз етар экан, адлияда ишлаб қўяқолсангиз нима қиларди, а?

МУНИС. Йўқ, ҳаммасига ҳам ақлим етмайди. Масалан, «Тошкент-3» навининг уруғлик чигитларини планда кўрсатилганича сотиб олдик. Шунча уруғлик қаёққа гумдон бўлди? Ҳали экишга жорий қилинмаган «АН-402»нинг уруғлигини сизларга ким берди ва қайси пулга сотиб олинди? (*Турғунга*) Шунга ўхшаш яна бир талай нарсаларга ақлим етмайди.

Бўлим бошчилиги ва бригадир бу гаплардан ҳанг-манг. Теша миқ этмайди, гўё талқон ютган.


ОВОЗ. Одам нега йиғлайди? Иложсизликдан бўлса керак. Кимдир ўлса йиғлайди, чунки уни тирилтириб бўлмайди. Кўйлаги йиртилса — йиғламайди, чунки бунинг иложи бор. Севинчидан нега йиғлайди? Даҳшатли бир нарсанинг ортда қолиб, ўтмишга айланганидан бўлса керак. Оғриқдан-чи? Оғриқни тўхтатишнинг иложи бўлмаса, оғриқ олдидаги ожизликданмикан?... Ҳайвонлар ҳам йиғлайди. Отлар ҳам... Ўзим кўрганман... Демак, кўзёши — ожизликнинг суяқ қолдаги кўриниши экан-да...

СУЛТОН. Мен баъзиларга ўхшаб гапни чўзмай, қисқа қиламан, ўртоқ Содиқова. Мени кўпинча кўнгилчанликда айблашади. Энди билсам, бу гапда жон бор экан. Да-а, қаттиққўлроқ бўлишга тўғри келади. Мана, оқибати: кабинетимда мени, яъни совхоз директорини...

Ўтирганлар бирин-кетин чиқиб кета бошлайди. Султон билан Турғунга қолишади. Эшик ёпилиши билан иккаласи бараварига телефонга ёпишади. Ташқаридаги радиокарнайдан вальс эшитилади. Вальс садоларини сон-саноксиз телефон қўнғироқлари босиб кетади. Сўнг вальс кучлироқ янграйди. Қўнғироқлар ҳам бўш келмайди. Хуллас, гоҳ вальс, гоҳ қўнғироқлар парда ёпилганидан кейин ҳам янграйверади...

ОВОЗ. Ҳеч ким исмимни айтиб чақирмайди. Ҳамма «масхарабоз» дейди. Нимама масхарабоз экан — ҳайронман...

ПАРДА



Аҳмад  
ТОШХҶАЕВ

## Ишонч

Ишонаман мен сизга ортиқ,  
 Гар сиздан ҳам кўрсам хиёнат —  
 Мен ақлимдан қоларман озиб,  
 Юз беради машъум фалокат:  
 Саратонда қор ёғар тиздан,  
 Кемаларни денгиз гарқ этар!  
 Отилади поездлар издан,  
 Сайёралар тўқнашиб кетар!  
 Ишонаман мен сизга...

\* \* \*

Биз икки дунёмиз бу дунё аро,  
 Биримиз замин у  
 Биримиз осмон...  
 Сиз менинг ҳолимни сўрмассиз

Асло,

Мен ҳам аҳволимни этмасман баён!

Балки вақтингиз зик,  
 Топмассиз фурсат,  
 Олис хилқатларга солгани назар.  
 Мени ҳам журъатдан қисган

табиат,

Сизга борлигимдан бергали ҳабар...

Ёки обрўйингиз қолгай тўкилиб,  
 Ёпламан, сизга ҳам бағоят огир,  
 Мен ҳам қошингизга етти букилиб,  
 Қириб боролмасман, тушунинг,

ахир?

Биз икки дунёмиз бу дунё ичра,  
 Биримиз замин у  
 Биримиз осмон...  
 Сиз менинг ёнимга тушмассиз

сира,

Мен ҳам етолмасман сизга ҳеч

қачон.

Бизлар бир-бировдан бўлсак гар

огоҳ,

Гўё олам уйи кетар бузилиб —  
 Сиз қулаб тушарсиз осмондан

ногоҳ,

Мен эса қоларман ердан узилиб...

\* \* \*

Шубҳа йўқ, эгилсам, тиргак

бўласан,

Юрак даркор эса, юрак бўласан,  
 Дўстсан, огир дамда керак

бўласан...

Ёнимда сезсам ҳам сендай

одамни —

Ўзим тортсам, дейман, ўз аравамни!

Гумон йўқ, эгилсанг, тиргак

бўламан,

Юрак даркор эса, юрак бўламан,  
 Дўстман, огир дамда керак


бўламан...

Ёнингда сезсанг ҳам мендай

одамни —

Ўзим тортсам, дейсан, ўз

аравамни!..



# Аскар

Абдулла НАБИЕВ хотирасига

## СИРОЖИДДИН САЙДОВ

Йиқилди  
(Тонг эди).  
Навқирон эди.  
От жilовин қўйвормасдан берди жонини.  
(От силтанди.

От кишнади,  
От ёллари қон эди).  
У ўлимдан сақлаб қолди менинг тонгимни.  
У йиқилди.  
Ўз йўлидан кетар эди жимгина йўллар.  
Сувлар жим оқарди.  
Тоғлар жим сесканди.  
Фақат олис Фарғонада безовта еллар...  
Еллар бир нарсани сезганди...  
У йиқилди.

Кўзларидан сўзлар сўнг бор тикилди:  
«Замон, тушун!  
Замин, тушун!  
Она, тушун!  
Ёр, тушун!  
Йиқилмасам бўлмас энди...»  
Кутмади у,  
Йиқилди,  
У йиқилди  
Мен ва сизлар қад ростлаб юрмоқ учун.  
Тутун ўрлай бошлаганда Бойсун  
ўчоқларидан

Дафн этдилар,  
Оқ яктаклар мисол юриб келар эди  
булутлар

Тепалар кўп эди бунда...  
Яна кичик бир тепа  
пайдо бўлиб қолганини кўрди кўкда  
бургутлар...  
Энди...

Ҳар гал бу воҳага қадам босганимда мен,  
Тепалармас,  
Кўз олдимга ўркач-ўркач армон келар.  
Қишнаб ўтар экан уюр,  
Кўз олдимга отлар эмас,  
Еллари қон замон келар,  
Кўзлари тонг ўғлон келар.  
Асрим эса қаримоқда

қўмсаб майсалар ҳидин  
Аскарларнинг кўкрагида лолалар кўрган  
Асрим қаримоқда...  
Унинг ёшлиги  
Бойсун этагида жон берган.

\* \* \*

Ота,  
Ҳали тугамаган сенинг урушинг!  
Сенга уйқу бермас ярадор ўйлар.  
Тунлар  
мажруҳ ўйларингни бинтдек ўрайди  
Йўллар. Йўллар. Йўллар.  
Ўйлар. Ўйлар...  
Ўйлар Сталинград деворларидек  
Қулайди. Қулайди. Қулайди.  
Кечалар ой ҳамшира мисол  
Изтиробинг яраларин боғлаб юради.  
Тун эмас,  
Кечади нотинч Саргузашт.  
Юлдузлар ўчади.

Порлар шабнамлар.  
Номсиз тепаликлар бўлиб туюлар сенга  
Томлар устидаги ғарамлар.  
Тонг. Уроқ. Бедазор.  
Қийноқли

Ўйга толиб қолдинг биламан нега:  
Дала ортидаги сувсиз ариқлар  
Олис окопларни эслатди сенга.  
Нима бўлди?  
Кечинмалар қамалида ўксиб қолдингми?  
Ўқсиз қолдингми?  
Кўрасан:  
Қисматингнинг чизиқлари — темир  
йўллари,  
Поездлардек ўтаётган йиллари.  
Уларнинг бирови — сенинг ёшлигинг...

\* \* \*

Уларни отдилар шундоқ кўчада,  
Оғилхоналардан топиб отдилар.  
Катта тоғоранинг остига  
яширгандим мен Йўлбарсимни  
Топиб отдилар!  
Итлар жон бердилар, панжаларида  
Ғажилмаган суяклар қолди.  
Менинг Йўлбарсларим ва Бўйноқларим,  
Менинг Тўрткўзларим, Олапарларим —  
Болаликнинг тўрт оёқли хотиралари.  
Ҳар бирининг кўзларида осмонлар кетди —  
тиниқ-тиниқ осмонлари тенгдошларимнинг!

Итоғар — ажалга ўхшаган одам  
Кечкурун кетди.  
Хўмрайиб кузатди уни болалар,

Поезд олиб кетади сени.  
Сен кетгандан кейин пичанлар  
Сарғайиб ёд этади сени.  
Юзларидан ҳаёт рангин олган  
Келинчакларнинг  
Бахтлари ёд этади сени.  
Қирда бугдой ўрган қизларнинг  
Дардлари ёд этади сени,  
Лаблари ёд этади сени,  
Байтлари ёд этади сени.  
Поезд олиб кетади сени...

\* \* \*

акаларин қотилини кузатган каби.  
Кечкурун...  
Ваҳимали эди итларсиз қишлоқ.  
Катталар жимгина суҳбат қуради.  
Итларнинг одамга дўстлиги ҳақда.

...Ўшал осмонларнинг остида энди  
Чопиб юрар эди ўзга болалар  
ном танлашиб ўзга итларга  
Итларнинг номи ҳам бошқадир бугун.  
Ва мен...

кечалари тинглайман  
Эшигим ортида шамоллар —  
Хурпайган ва жундор шамоллар  
Увлайди  
Отилган итларнинг руҳи сингари.





ҚОДИРЖОН  
СОБИРОВ



# „Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгиладан...“

...Бу ажиб ҳис менга кўпдан бери тинчлик бермай келарди. У илк бор қачон, қаерда, қай тарзда кўнглимга тушганини эслолмайман. Балким бундан йигирма йиллар муқаддам Есениннинг қўлдан-қўлга ўтиб, титилиб кетган китобини биринчи марта варақлаганимдами ёки, кейинчароқ, унинг шеърларини Қора денгиз бўйида, Гагра оромгоҳларида қайси бир шоир мароқ билан ўқиганидами... Хуллас, билолмадим.

«Форс тароналари»ни ўқиганимда ногоҳ ўйланиб қолардим: ахир бу ўзимизга ёшликдан таниш манзаралар-ку! Тошкент, Фарғона манзаралари... Уша, революциядан аввалги Туркистон гулзорларию сайлгоҳлари шундоққина кўзга ташланиб туради.

Қизлар юзни сақлар ниқобда  
Иссиқданми бўлиб асрамоқ.  
Е куймасин дерлар офтобда.  
Севин учун йигитлар кўпроқ —  
Қизлар юзни сақлар ниқобда.

Фақат кейинчалик мен Сергей Есенин ҳеч қачон Эронда бўлмаганлигини, унинг шеърлятига кўп жиҳатдан мангулик сари йўл очиб берган машҳур «Форс тароналари» Бокуда, Каспий денгизи бўйида ёзилганлигини билиб олдим. Аммо бу шеърларга Ўрта Осиё руҳи қандай сингиб қолган? Мен ана шу саволга яқинда, Сергей Есениннинг Тошкентдаги музейида бўлганимда жавоб топдим.

Республикаимиз пойтахтининг Високоволтний массивида, Академия шаҳарчасидан ўтганингиздан сўнг кичкинагина кўча бошланади. Шу ердаги уйлاردан бирида Есенин музейи очилганига икки йилдан ошди. Музей жамоатчилик асосида ташкил этилган.

Ҳар бир янгиликнинг қай даражада қанот ёзиши унинг ташаббускорларига боғлиқ. Шоир шеърлятининг бир қанча ихлосмандлари Тошкентда Есенин музейини очиш тўғрисидаги таклиф билан чиқдилар. Сергей Александрович Есениннинг 1921 йил май ойида Тошкентга қилган сафари музей яратилиши учун асосий материал бўлди.

Ана шунинг учун ҳам сафар тўғрисида батафсилроқ гапиришни лозим кўрдик.

Инқилоб йилларида Тошкентда Александр Ширяевец деган шоир яшарди. Ширяевец билан Есенин сиртдан таниш эдилар. Александр Васильевич ўзининг ғойибона дўстини Туркистонга келиб кетишга бир неча бор таклиф қилганди.

Бир қатор есениншунослар, шу жумладан «Свет вечерний шафранного края» китобининг муаллифи Пётр Иосифович Тартаковскийнинг изланишлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, Сергей Есенин 1921 йил 16 апрель куни поездга туташтирилган махсус вагонда Тошкент томон йўлга чиққан. Вагоннинг «эга»си Бутунроссия эвакуация комиссиясининг масъул ходими Григорий Романович Колобов эди. Махсус вагон жуда катта машаққатлар билан 14 май куни Тошкентга етиб келади. Есенин Туркистонда май ойининг охиригача — деярли уч ҳафта бўлади. У Тошкентдаги ижодий муҳит билан яқиндан танишади. Шеърлят кечаларида қатнашади.

Шоирнинг замондоши Валентин Вольпиннинг айтишига қараганда, «Есенин Тошкентга... баҳор ёзга ўтаётган пайтда келди. У жуда хушчақчақ эди, ҳаяжонланарди. Чор-атрофга тўймай, суқланиб қарарди. Гўё тўкин, сахий Туркистон табиатини, ажойиб кўм-кўк осмонни — ҳамма-ҳаммасини ўз қалбига сингдириб юбормоқчидай кўринарди».

«Ёдимда, биз бир тўп бўлиб эски шаҳарга келдик, — деб ҳикоя қилади В. Вольпин, — одам кўп эди. Қандайдир ошхонанинг юқори



қаватига чиқиб ўтирдик. Тепамизда азим бир қайрағоч савлат тўкиб турарди. Есенин бу дарахтни биринчи кўриши экан. Бу сўлим манзара юқоридан жуда ажабтовур кўринарди... Есенин кўйлаги ёқасига катта сафсар гулни кистириб олган, уни авайлаб ушлаб қўяр, чамамда мижгиланиб кетишидан чўчирди».

Рассом Фёдор Васильевич Лихолетов шундай хикоя қилади:

«Назаримда Туркистон Есенинга жуда ёққанга ўхшарди. Баъзан у, дунё ташвишларидан холи бўлганча бу ердаги бағри кенг ва меҳрибон одамлар орасида, мана шу ҳамиша мовий, қайноқ осмон остида, кўмкўк боғлар ва шивирлаб оқаётган ариқлар ёнида яшашнинг нақадар катта бахт эканлиги тўғрисида сўзларди..»

Фақат бир неча йил ўтгандан кейингина мен «Форс тароналари»ни ўқир эканман, Есенин охири Эронга борибди-да, деган фикрга келдим.

Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилдан,  
Маст васваса кўзгамас тугён.  
Мен дардимга Техрон гулидан  
Чойхонада топодим дармон.

Бу шеър мана шу яқин-атрофда, Ўрта Осиёда, Эронда, Техронда ёзилгандай туюлди менга. Кейинчалик эса Есенин Эронни фақат орзу қилганини билдим. Сўнг шундай хаёлга бордим: «Нима бўлганда ҳам рус шоири ўз шеърлари учун Тошкент осмони ва заминидан бирон-бир нарса олган бўлиши керак. Тошкент кўчаларида, чойхоналарда, ўзбек ҳовлиларида кўрган-билганлари «форс» манзараларига, шу циклдаги шеърларига асос бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас».

Есенин Шарққа, Шарқ поэзиясининг даҳолари юртига, буюк Саъдий, Ҳофиз, Хайём, Фирдавсий яшаган жойларга боришни кўпдан орзу қиларди. Шоир уларни ўзининг устозлари деб биларди. Шу мақсадда у Вокуга келди. Ўша пайтда Озарбайжон республика партия ташкилотига шоирнинг мухлиси — Сергей Миронович Киров раҳбарлик қиларди. Есенин бу ерда «Бакинский рабочий» газетасининг редактори П. Чагин билан дўстлашди. Шоир Киров ва Чагинга ўз орзусини айтди. Лекин улар Эронга боришни маслаҳат бермадилар. Чунки ўша пайтда Эронда миллий-диний реакция ҳаракат авж олган, мамлакат нотинч, айниқса Совет юртидан келган кишиларга яхши кўз билан қарашмас эди. Эронда қачонлардир элчи ва шоир Грибоедовнинг ваҳшийларча ўлдирилганлиги ҳам Есенинни хатарли сафардан қайтариш учун асос бўлди. Шундай қилиб, «Форс тароналари» Бокуда, Каспий денгизи қирғоғида яратилди.

...Денгизнинг нариги томони гўзал ўлка — Эрон. Буюк шоирлар ватани. Есенин Эронни хаёл қила бошлади. «Форс тароналари» хаёлий Эрон ва реал Тошкент таассуротларининг қоришмаси, синтези сифатида дунёга келди.

Мен Босфорда бўлмаганман ҳеч,  
Уни сўйлаб беролмам сенга.  
Лекин моний кўзларинг ҳар кеч  
Денгиз бўлиб кўринар менга  
Қилмаганман Вағдодга сафар,  
Карвон билан элтмадим хино...

Энди юқорида айтган фикримизни, яъни «Форс тароналари» хаёлий Эрон ва реал Тошкент таассуротларининг синтезидир, деган гапимизни исботлайлик. Есенин ҳақиқий Шарқ, унинг одамлари, санъати, шеърляти билан учрашишни жуда орзу қилган. Аммо Туркистонда миллий санъат энди оёққа туриб келаётганди. Ҳали ўзбек театри, ижодий союзлар тузилмаганди. Қўшиқ ва ғазалларни кўпинча тўйларда хизмат қиладиган ҳофизлар оғзидангина эшитиш мумкин эди.

«Эски шаҳарда дадамнинг таниши бор эди, — деб хотирлайди Елена Гавриловна Моисеева, — фамилияси Норбеков эди. У тўй қилди. Мен, опам Ксана, дадам, Колобов (вагоннинг «хўжайини» — Қ. С.) ва Есенин ўша ёққа бордик. Қандай тўй эди, билмайман, аммо карнай-сурнайларнинг жаранги ҳаммаёқни тутиб кетганди. Ҳофизлар қўшиқ айтишар, уларга бири-бирига ўхшаш, бир хилда кийинган ёш музикачилар жўр бўлишарди. Есенин, чамамда, бунча шовқин-сурондан бироз гангиб қолди, аммо сездирмади. Ҳамишадагидек хушчақчақ ва серилтифот эди, ҳазил-хузул қилиб ўтирди. У руҳан тетик эканлиги, бегона, нотаниш қўшиқ оҳангларига диққат билан қулоқ солаётганлиги шундоққина сезилиб турарди.

...Кейинги сафар биз уни Келес станциясига, отамнинг Азимбой деган танишиникига таклиф қилдик. Азимбой ўз даврининг ўқимишли одамларидан эди. У рус тилини, ўзбек шеърлятини яхши биларди. Есенинни у кишига «катта рус ҳофиз» сифатида таништирдилар. Биз Азимбойнинг икки қаватли, чиройли уйи ёнида, ариқ бўйидаги супада узоқ ўтирдик, Ҳар хил ширинликлардан тотиб кўрдик. Кейин Азимбой қандайдир бир шеърни форс тилида чўзиб ўқий бошлади. Есенин ҳам ўзининг чўзиқ, мусиқавий шеърларидан бирини ўқиди.

...Мен бир нарсани аниқ ҳис қилдим. Есенин шарқ шоирларининг шеърлятини жуда диққат билан, сергаклик ила тингларди. У олдинга эгилганича, бегона тилнинг талаффузига берилиб қулоқ солар, гўё бу тилнинг ички оҳанглари, мазмуни ва мусиқасини қалбига синдириб юборишга уринаётгандай туюларди.

...Қайтишимизда Есенин теварак-атрофда мен билан Ксанадан бошқа биронта аёлни кўрмаганлигини айтди. Тўғри, дамба-дам қор кийинган, юзини чиммат билан тўсган аёллар пайдо бўлиб қолишар ёки чой, палов ва турли-туман нарсалар тўла патнисларни кўтарган нозик қўллар кўзга чалиниб турарди. Отам мусулмонларнинг ўша пайтдаги удумларига кўра, ўзбек аёллари ҳали-бери паранжини ташламаётган

ликлари, ammo бу борада кескин кураш кетаётганлигини айтди.

Бу суҳбат кейинчалик «Форс тароналари»га кирган кўпгини шеърларга бевосита алоқаси бор, деб айта олмайман, лекин ким билсин, худди ўша пайтда Есенин юрагида қандайдир бир ғоя турилган бўлса ажаб эмас!.

Есениннинг Туркистонга саёҳати ҳақидаги суҳбатни якунлар эканмиз, шуни айтиб кетмоқчимизки, у Тошкентда «Пугачёв» поэмасининг асосий бобларини ёзиб тугатди. Сўнгра Самарқандни томоша қилиб келди-да, 3 июнь куни Москвага қайтиб кетди.

\* \* \*

Тошкентдаги Есенин музейи тўрт қаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган.

«Есенин оддий инсон эмас, у табиат томонидан фақатгина шеърият учун яратилган инсондир». Музейга кираверишда, девор пештоқида ана шу ёзувга кўзингиз тушади. Эшикдан кирасизу Есениннинг шеърий оламига дуч келасиз. Бу оламни буюк шоирнинг кўп сонли мухлислари ўз кўллари билан яратганлар.

— Энг аввало, ишни бошлаб олиш бироз кийин бўлди, — дейди музейнинг жамоатчилик асосидаги мудираси Альбина Витольевна Маркевич, — чунки Есенин билан бевосита учрашган, у билан мулоқотда бўлган кишиларнинг кўпчилиги оламдан ўтган эди. Есениннинг дўстлари яшаган кўчалар, уйлар бузилиб кетганди. Шунга қарамай, дастлабки уринишлар яхши самара берди. Музей шоирнинг Тошкентда ўтказган кунларини эслатувчи жиҳозлар ва экспонатлар билан тўлдирилди.

Токчаларга Есенин ҳаётлиги даврида босилган китобларнинг асл нусхалари териб қўйилган. Уларни Тошкент Давлат Университетининг доценти Сергей Иванович Зинин совға қилган. Музейни жиҳозлашда яна бир одамнинг хизматлари беқиёсдир. У СССР Халқлари Дўстлиги музейининг рассоми Вадим Викторович Николук, Есенин талантининг мухлиси. Рассом шоир шеърлари таъсирида, улардан илҳомланиб олтишдан ортиқроқ оригинал суратлар чизибди.

Мана, рўпарамиздаги деворда бир сурат. Унда ложувард денгиз тасвирланган. Оқ кўпикли беозор тўлқинлар бири-бири билан қувлашиб ўйнашмоқда. Узоқларда эса, денгиз ортида эртақлардаги каби афсонавий бир шаҳарнинг гумбазлари, масжидларининг баланд куббалари кўзга ташланиб турибди. Юксак-юксакларда ойнинг олтин ўроғи муаллақ қотиб қолган. У шаҳар узра сокин нур сочади. Ойнинг ўроғи ёнида соҳибжамол қизнинг сиймоси, ўйчан кўзлари, қайрилма қошлари тасвирланган.

П. И. Тартаковский. «Свет вечерний шафранного края». Тошкент, Фафур Ғулом нашриёти, 1981 йил.

Фаҳмлагандирсиз, ҳа, бу ўша, «Мен Босфорда бўлмаганман ҳеч» шеърига ишланган сурат.

Икки сурат эса ёнма-ён турибди. Улардан бири — шоир хаёлидаги Шаганэ-Шаҳина, иккинчиси эса гўзал арман кизи Шаганэ Нерсеовна Тертеряннинг портрети.

Қуюқ ўрмонзор ёнидан араванинг излари ўтган. Бир томонда — дарё. Қуёш қизариб ботиб бормоқда. Сурат остига қуйидаги сатрлар ёзилган: «Ўрмон ичра бугун, онажон, гилдиракнинг изларин кўрдим...» Мана, бошқа суратлар остидаги ёзувлар: «Эй, сиз, сулув, оппоқ қайинлар...» «Кўз тикибдир йўлимга кўм-кўк ўтлоқ ягона», «Тонг отади беозор ва жим...»

Аминманки, фақат Есенин шеърияти қон-қонига сингиб кетган рассомгина ана шундай нафис суратлар ярата олади.

Сергей Есенин музейи очилганига кўп бўлгани йўқ. Ammo уни ҳозиргача минглаб киши келиб, зиёрат қилди. Зиёратчиларнинг кўпчилиги бу ердаги махсус дафтарга ўз таассуротларини ёзиб қолдиришган.

*«Салом, Сергей Есенин!*

*Сен билан жазирама Тошкентда учрашганимдан жуда хурсандман. Бу музей сенинг ўлмас лириканингга ўрнатилган ёдгорликдир. Раҳмат, қайноқ қалбли тошкентликлар! Сизлар шеърият ихлосмандлари учун ажойиб тухфа таяёрлабсизлар!*

*Смоленсклик шоир Тимофей Ефимцов.»*

*«Ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Ўрта Осиёнинг марказида Россияда энг кўп ўқиладиган шоирнинг музейи очилибди!*

*МОРОЗОВ,  
подполковник.»*

Дафтардаги ёзувлар СССРнинг турли шаҳарларида яшаётган шоир мухлисларига тааллуқли. Бу саҳифаларда Ленинград ва Бошқирдистон, Хабаровск ва Севастополь, Киев ҳамда Мурманск шаҳарларининг номларини учратиш мумкин. Мана, чет эллик студентлар, топография техникумининг талабалари Монмартума (Монголия), Чун Сарун (Лаос), Сисуванва Пхималан (Кампучия) буюк шоирга, музейнинг куюнчак ходимларига бағишланган дил сўзларини ёзганлар. Бу ерда Япониянинг Хорюдо шаҳридан келган Есениннинг ихлосманди Юки Симаданинг ёзуви ҳам бор.

...Биз Есенин музейидан оқшом пайтида қайтдик. Ammo бу ердан ҳали зиёратчиларнинг қадами узилмаган эди. Ана, музей чироқлари ёнди. Деразадан ёшгина бир қизнинг шоир шеърлари асосида яратилган ранго-ранг суратларга маҳлиё бўлиб турганини кўрдим. Нарироқда эса бир йигит ўз севган сатрларини кимгадир завқ-шавқ билан ўқиб бермоқда эди:

*Заъфар юртга нур тўқар оқшом,  
Богда гуллар жавлон урган пайт.  
Кел, жонгинам, кўшиқ айт, Хайём  
куйлаб ўтган кўшиқлардан айт,  
Богда гуллар жавлон урган пайт...*



САДРИДДИН  
САЛИМОВ

Келишиб яшаш оғир  
Кимгадир эса осон,  
Елғон билан юзма-юз,  
Ҳаром билан ёнма-ён,

Қийнамасдим сира ҳам  
Дуч келмас эди хатар,  
Виждонимни ухлатиб  
Яшай олсайдим агар.



Уриб турар кўксим аро  
юртим юраги,  
Мен ҳам кўҳна Бухоронинг  
кўҳна бўлаги.  
Ғишту кошин билан асар  
этилди бунёд  
Енмасин, деб ёнғинларда  
мозий дараги.  
Тилакларнинг ушалиши

ниятга боғлиқ  
Мен ҳам кўҳна Бухоронинг  
кўҳна тилаги.

Ўтмиш ёдинг ҳам букунинг  
омон бўлсин, юрт,  
Менга ўзга маъволарнинг  
йўқдир кераги.



Гар одам йўқолса, кетса бедарак  
Тандирдан чақирар эмиш кексалар.  
Токи оташ кирсин қалбига андак,  
Токи Ватанига қайтсин бехатар.

Е ўчоқ ичига бошини тикиб  
Йўқолган одамнинг исмин  
олармиш.  
Шу овоз этармиш хаёлни таъқиб,  
Она юрт ёдини қалбга солармиш...

Унутиб «қора хат» солган аламни  
Ихлос билан туриб бетарк ҳар  
сахар  
Юртни деб, урушга кетган акамни  
Ўчоқдан, тандирдан онам чақирар.



АББОС  
САИДОВ

## Менинг опоқдадагинам

ҲИКОЯ



ах, отинг ўчсин-а! Аданг эллик сўмга олган эди-ку ахир бу қуш ўлгурни! Нима бало қилиб чиқариб юбординг? Ҳах, қўлинг синсин эшигини очмай!..»

«Ҳў келин, шанғиллаганингиз етти маҳаллага эшитиляпти! Сал эви билан-да! Билиб қилмагандир бола. Қамалиб ётишнинг азобини тортмагансиз-да...»

«Сиз нега аралашасиз?! Сизга ким қўйибди?!»

«Ҳали шундай бўлдим?!»

«Хушласангиз шу, бўлмаса...»

«...»

«Уша қафасни нега ҳам очақолдим? Мени деб жанжал бўлди. Мени деб опоқдадам кетиб қолдила... Бари бир, сиз яхшисиз, опоқдада. Адам минан ойим сиз ҳақизда қанча ёмон гапирмасин, бари бир сизни яхши кўраман...»

Бола бошини кўрпадан чиқарди. Дадаси билан ойиси ҳамон унинг опоқдадасини «чайнаётган» эди.

«Опоқдада, роса қулоғиз қизиётгандир-а? Ҳа, адам минан ойим сизни гапиришяпти...»

— ... Келиб-келиб Вали пўконни урадимиз? Худонинг ўзи уриб қўйгани каммиди?

Расми Р. ЗУФАРОВ чизган

(Вали пўкон бир пайтлар ошпазлик қиларди. Кейин дамқисма касалига йўлиқиб қолди. Ҳозир қиздирилган ёғнинг ҳиди келса нариги кўчадан ўтади.)

— Чолгаям ҳайронман, қариб қуюлмади. Неча марта: «Хў, ака, кимсан Раҳимбойнинг акаси деган номингиз бор, худога шукр, Хончорбоғда ўзимга яраша обрў топганман; ўша мулла Шокир, Сувонқул акаларингиз ҳам, анув Камол баққолингиз ҳам қўлини кўксига қўйиб саломлашади мен билан; шунга қараб қадам босинг-да!», дедим. Йўқ, бояги-бояги...

«Адам ҳам қизиқла. Опоқдадам мункиллаб қолганмидиларки, «чол» дейдила. Ана, Сувонқул бувани, Шокир отани чол деса бўлади. Опоқдадам ҳали чол эмасла...»

— Мукаррамнинг эри ўша жанжал устида экан. Азим ака бор-ку, аптекада ишлайдиган? Ўша иш юзасидан қамоқхона касалхонасига бориб қолибди. Вали аканинг Жалоли ўша ерда ётган экан. Аҳволи чатоқ эмиш. Азим аптекачи шуни Вали акага айтган экан, у: «Зарил кептими менга, жиноятни қилган — у, азобини ҳам ўзи тортаверсин, у ёқ-бу ёққа югуришга вақтим ҳам, ошиб-тошиб ётган пулим ҳам йўқ», дебди. Шунда муллакам аралашибди: «Хў, Мирвали, самоварда болиш қучоқлаб ётиб Шокир ака, Мирсаид оқсоқолга ўхшаш отангиз қатори мўйсафидларга сўз бермайсиз; ундан кўра, ўғилнинг ҳолидан хабар олсангиз-чи, ҳар қолда ота деган номингиз бор, ҳамён торлик қилса, мана, мен берай», дебди. Чойхонадагилар ҳам муллакамнинг гапини маъқуллашибди. Вали ака: «Менинг ундай ўғлим йўқ, оқ қилганман», дебди.

«Оқ қилдим» дегани нима ўзи? Вали пўкон Жалол акамни нега ундай дейди? Ё Сайдазни ўғил қилиб олгани учунми?»

— Кейин акайизники ҳам тутиб кетибди: «Марғубанинг йили ўтмасдан бошқасига уйландинг, кетма-кет бўйи етиб турган ўғилларни уйлантириш ўрнига ўзинг бошингни иккита қилиб олдинг. Фақат туғдиришни билар экансан-да, тарбияси минан ишинг йўқ экан-да», дебди. Кейин, буям етмагандай, Вали аканинг қулоқчакқасига тортиб юборибди. Шахмат ўйнаб ўтирган Мукаррамнинг эри ҳам, анув Олим, Мираҳмад деган ошналарингиз бор-ку, ўшалар ҳам аграйиб қолишибди. Акайиз ўлганнинг устига тепгандай: «Кўтар тўрва-халтангни!», деб Вали ака шўрликни чойхонадан қувиб чиқарибди. Пўкон: «Мелисага айтаман, Ямин участкавойга!», деганича чиқиб кетибди...

Бола мийиғида қулди. Чойхонадан қувилган Вали пўконни кўз олдига келтирди. Опоқдадасини нариги кўчада яшайдиган Анвар боксчига қиёс қилди.

«Вали амаки ёмон одам. Ростдан ҳам Ямин

мелисага айтса-я! Опоқдадамни қамаб қўйишса-я!..»

— Оқ қилмоқ тугул кўк қилиб юбормайди-ми! Нега бировнинг турмушига бурун суқади! Рости билан Ямин акага чақса-я!...

— Гўрни айтадим! Вали ака бир оми одам. Мелисага ҳам эплаб чақолмайди.

«Қани айтсин-чи, Сайдази соғ қоларми-кан? Ўзи шундоқ ҳам жигимга тегиб юрибди...»

— Вали ака-ку, айтмаслиги мумкин, лекин гижгижлатувчилар йўқ дейсанми? Тагимга сув қўймоқчи бўлиб юрганлар йўқ дейсанми? Бор, хотин, бор! Виттаси — ана ўша Мукаррамнинг эри Комил, жисмоний тарбия ўқитувчиси. Бир синфда ўқиган эдим. Аълочи эди, аммо ўжар эди. Мана, омади келмай юрибди. Шу қурумсоқни деб бир кунмас-бир кун панд эмасам гўрга эди-да.

Болага бирдан дадасининг узун бурнию хуснбузардан чўтир бўлиб қолган япалоқ юзи хунук кўриниб кетди.

«Фақат ўзини ўйлайди. Унга ўзи бўлса бас! Ахир, опоқдадам бегона эмасла-ку! Ула ҳечам мақтанмайдила. Бутун бошли Вали пўконни нокаут қилибдилаю...»

— ... Ўзи-ку бир марта совуғини еб келди-я! Тинч юрса бўлмайдами, ҳайронман!..

— Овсиним шунинг учун ташлаб кетганда. Ит феъли билан кимга ҳам ёқарди? Муллакам ўлганда тинчийди. Тирик экан, галвасиз яшолмайди.

«Бошлабдила опоқдадам. Сайдазни ўғлим деб юрибди пўкон, Жалол акам турганда Сайдаз ойиса минан келган-ку. Сайдаз — ўғри! Опоқдадам олиб берган кљюшкамни ўғирлаган... Опоқдадамни чойхонадан чақириб келиш керак. Қачонгача бировларга чой дамлаб юрадила. Ана, Вали амаки дамласин, бировнинг боласини ўғлим дейишни билади. Опоқдадамсиз ҳовлимиз хувиллаб қолди...»

У устидаги шойи кўрпани нари суриб ўрнидан қўзғалди. Тўғрак стол атрофида нонушта қилиб ўтирган дадаси билан онасига қаради. Улар болага эътибор беришмади: икковини ҳозир бошқа нарса ташвишлантлар эди. Бола бу эътиборсизликдан хуноб бўлди.

«Бари бир опоқдадам бўлолмайсила! Опоқдадам мени «Ортиқбой болам» дейдила, қурут берадила, бодрок берадила. Қобил бувам минан Хатча бувим ҳақида гапириб берадила! Ҳеч кимни ёмонламайдила...»

— Ада, — деди у тоқати тоқ бўлиб, — опоқдадамни чақириб келайлик. Соғиниб кетдим... опоқдадам яхшила...

Қапайиб чиққан қорни столга тегай деб турган, пишиллаб нафас олаётган дадаси чуқур хўрсинди, чаккасини қашиганча хотинига қаради. Бола ҳам онасига илтижо билан боқди. Опоқдадасининг гапини эслади:

«Адангга ҳайронман: намуноча чўқиниб кет-маса хотинга. Йигитмисан, йигитдай керилиб юр-да!»

— Опоқдадангнинг ўзи аразлаб кетган. Ҳайдаганимиз йўқ. У кишининг бурнидан баланд гапириб бўлмайди. Дарров қошиб ташлайдилар.

— Опоқдадамнинг айблари йўқ. Айб менда. Канарейкани мен чиқариб юбордим-ку, сиз бўлса... опоқдадамни уришдингиз...

— Кўп алжирайверма! Қилғиликни қилиб қўйиб... Ҳе, қўшмозор бўл ўша...

— Ҳой ойиси, ҳўвв... — деди дадаси пастки лабини тишлаб. — Яхши эмас.

Бола йиғлаб юборди. Дадасининг тиззасига суянди-да:

— Опоқдадамми бизадан бошқа ҳеч кимлари йўқ, — деди онасидан юзини яшириб. — Ўзлари: «Ортиқбой болам, сен минан адангдан бўлак яқиним қолмади...», деган эдила. Жо-он ада, опоқдадамни чақириб келайлик. Ана, Вали пўконнинг ўзи чойхоначилик қилсин!

— Кап-катта кишини «пўкон» дейишни сенга ким қўйибди, Зумраша!

— Боланинг гапида жон бор, Муҳай. Ёлнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Кимсан, Раҳимбойнинг акаси чойхонада ётиб юрибди, деган иснодга қолмайлик юрт ўртасида. Менга қолса, бир ҳисобда ўша ерда юравергани ҳам маъқул, лекин нима қиласан, сассиқ деб бурунни кесиб ташлаб бўлмайди-ку! Ҳали қайтишга рози бўладими, йўқми. Уям ўзига етганча ўжар. Гап уқтириш қийин.

— Мен тушунтираман! — деди бола ўйноқлаб. — Опоқдадамни мен кўндираман! Опоқдадамни қайтарамиз! Ур-рә!..

Онасининг капалаги учиб кетди. Болага бобиллаб берди:

— Бас, чиниларни синдирасан! Ҳе, ўйноқламай ўл! Сал қолди-ку сервантдан тушиб кетишига!..

Ота-бола гузарга чиқишди. Муюлишга етганда чойхона кўринди. Улар Исмоил охуннинг эшиги рўпарасидаги чирик танаси ўрадай ўпирилган, қари баҳайбат тут ёнига келиб тўхташди.

Дадаси:

— Чойхонага киргин-да, опоқдадангга сизни адамла чақиряптила, дегин. Хўпми? Бор, ўғлим, — деди.

— Сиз-чи, сиз кирмайсизми, ада? — деди бола қулоғининг ёнидаги ортиғини силаркан. У дадасининг катта, япасқи бурнига маъюс тикилди.

— Мен киролмайман-да... Тушундингми? Йўқ, тушунмадинг. Майли, кейин тушуниб оласан. Қани, бор, чақириб кел.

Бола қўрқиб кетди: дадаси бирдан орқаси-

га қайтиб кетиб қолса-я! Опоқдадаси чойхонада қолиб кетаверади. У илдам юрди. Чойхона эшигига етганда ортига бир қараб олиб иштонини кўтарганча ичкарига кирди.

— ... Хўш, мулла Ашир, мана сиз — мадраса кўргансиз, а?..

— Бале, оқсоқол, бале, — дея қўлидаги бедананинг тўшини силади дол жуссали қария. Кейин серажин, буришиқ юзида истеҳзоли кулги пайдо бўлди. — Манов туллакка, эшитяпсизми, оқсоқол, охун «Жўжамни қўяман», дейди-я...

(Ўттизинчи йилларнинг бошида Хончорбоққа бир неча тожик оиласи кўчиб келган, Ашир гулчи ўшалардан эди.)

— Ҳа энди, мулла Ашир, Исмоилни қўйинг. Унинг аравани қуруқ опқочишини Хончорбоғнинг етти яшаридан етмиш яшаригача билади. — Мирсаид оқсоқол чордана қуриб ўтирган кўйи дўлана тасбеҳининг доналарини бармоқлари орасидан битта-битта ўтказарди.

— Бале, Мирсаид оқсоқол, бале, — деди кафтига тариқ тўкиб беданага чўқиттираётган гулчи.

— Отангизга раҳмат. Хўш... Ие, анув бола кимга келди? Ҳў-вв болам, кимни ўғлисан? Кимни олдига келдинг?

Чойхонанинг ёқимсиз, дим ҳавосидан сепкилли, думалоқ юзини бужмайтирганча бола у ёқ-бу ёққа аланглади:

— Опоқдадамнинг олдига келдим.

— Ҳа, боласи тушмагур-а, — деди увишиб қолган оёғининг чигилини ёзиб оқсоқол, — опоқдаданг кимлигини биз қайдан биламиз? Бўтта қанча опоқдадалар ўтирибди.

— Бу бача мулла Набига тегишли-ёв... — деди Ашир гулчи ва қўлидаги беданани носранг халтачага солди. Бедана халтада типирчилади, чол эътибор бермай қўйнига тикди. — Раҳимнинг боласи шекилли...

— Адангнинг оти Раҳимми?

— Ҳм, — деб бош қимирлатди бола. — Опоқдадам қанила?

— Опоқдаданг ҳозир кепқолади, — деди чўнтагидан носқовоқ олаётган Ашир гулчи. — Опоқдаданг Назирникига кетган. Назир, самовар карнай ясаб бераман, деган экан, ўшани опкеламан, деб кетувди. Ўтир, бачам, ўтир, ҳозир келади опоқдаданг...

Ашир гулчи бир чимдим носни искаб, қаноат ҳосил қилди чамаси тилининг тагига ташлади.

Бола унинг хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб турар эди.

«Бу чол қизиқ-ку: бедана боқар экан, носвой чекар экан, бошқача гапирар экан. «Бача» дегани нима ўзи?..»

У атрофни кузатди: муйсафидлар ўтирган кир кўрпачалар, матоси ситилиб пахтаси кўриниб қолган болишлар; нариги бурчакда

шахматга берилиб кетган дадаси тенги икки киши; улар ўтирган чорпоя тагида ёғ шишалари, пачоқ челак, тўнкариб қўйилган дошқозон; қозоннинг ёнидан пилдираб сичқон ўтди. Бола зўрға илғаб қолди. Сичқон баҳайбат рух самовар ёнидаги кавакка кириб кетди.

«Опоқдадам шунақа жойда ётиб юрган эканла-да! Йўқ, опоқдадамни опкетамиз. Бундай жойда Вали пўкон яшасин...»

— Ҳа-а, айтгандай, пўкон кирмай қўйдими самоварга? — Мирсаид оқсоқол кулимсеиради. Бошидаги шойи салласини тўғрилади — пешанасидаги ёнғоқдек гурраси кўриниб қолди. — Ҳў-ўб кўнглимдаги иш бўпти-да! Боплабди мулла Наби! Бу пўкон даюснинг отаси ҳам ярамас одам ўтган, иғвогар ўтган. Мана шу боланинг буваси минан мушуксичқон эди. Мирқобил раҳматли Хончорбоғнинг олди қизига уйланган. Шорасул карвоннинг синглиси Хадичани олганда. У ҳам раҳматли бўлиб кетди. Шу денг, мулла Ашир Ғани қийшиқ ҳам Хадичага кўз олайтириб юрар экан-да, баччағар! Бир куни ўзи ёрилиб қолди. Маст эди, Сувонқулни чимилдиққа кузатиб қайтаётган эдик. Биласиз, мулла, мастлик — ростлик. «Кўрасан, Саид, аламинини оламан, бу тароқчидан» деб қолди. Худо бир, мулла Ашир, шундай деди. «Ҳў, менга қара, — дедим, — югурганники эмас, буюрганники, деган мақол бор, нима қиласан бировнинг турмушини бузиб!», дедим. Ўша ерда сан-манга бориб қолдик, анчагача гаплашмай юрдик. Йў-ўқ падарингга қусур аламини ололмади. Раҳматли Мирқобил урушдан қайтмади. Қийшиқ даюс урушга бормади. Муғамбирлигини қаранг, атайин томдан йиқилиб, оёғини ногирон қилди. Э, илоннинг ёғини ялаган эди бу пўконнинг падари... Аламини олди, мулла Ашир, аламини Набидан олди. Юқори жойларга ёзди. Хукуматга қарши гап тарқатяпти, деб юмалоқ хатлар қилди. Наби шўрлик қуруқ тухматга қолиб, жабрини тортди. Охири нима бўлди? Мана охирида ўзи ҳам кўр бўлиб ўлди. Яратганнинг ҳам қаҳри келади, мулла, бандасининг мундай ишларига... Мирвалининг феъли отасиникига ўхшайди. Кўзи оч! Бировнинг қувончига шерик бўлолмайди! Ҳўб кўнглимдаги ишни қилибди-да мулла Наби...

«Собирнинг буваси яхши чолга ўхшайди. У ҳам Вали пўконни ёқтирмас экан. Ана, опоқдадамни мақтади-ку! «Боплабди мулла Наби», деди-ку! Пешанасида катта гурраси бўлса ҳам яхши чол экан...»

— Ғани қийшиқ қаматганини Наби биладими, оқсоқол? — деди Ашир гулчи оғзидаги носни шолча тагига туфларкан. — Ё билмайдими?

Мирсаид оқсоқол уларнинг суҳбатига зий-

раклик билан қулоқ солаётган болага қараб олди-да:

— Қайдам... — деди. — Билса керак. Билмаслиги ҳам мумкин. Наби — кўнгли тоза одам. Кек сақламайди.

— Шу гап аниқми? — деди шахмат ўйнаб ўтирганлардан бири. — Ростдан ҳам шундай бўлса, тегишли жойга чиқмадингларми? Бир камбағални бекордан-бекор қаматиб юборавердингларми?

— Э-э, бўтам, ўша маҳалда... қани тегишли жойга бориб кўр-чи, ўзингни ҳам... — дея оқсоқол серажин чаккасини силади. Кейин кўча томон мўралади-да: — Ана, опоқдадан ҳам келяпти, болам, ҳўв ана, — деди.

Эшик очилиб, самоваркарнай кўтариб олган Наби ака кирди.

— Опоқдада!

— Ортиқбой, болам! — дея Наби ака қўлидаги карнайни ерга ташлади. Болани кўтариб, бағрига босди. — Тинчликми? Бир ўзинг келдингми?

— Опоқдада! — Бола унинг қулоғига кафтини ҳовуч қилиб шивирлади: — Адам минан келдим. Муюлишда турибдила. Кўрмадизми кўчада?

— Йўқ, болам, мен нариги кўчадан келяпман. Адангни учратмадим.

— Опоқдада, сизни опкетгани келдик.

— Нима деяпсан? Ким айтди?

— Юринг кўчага, кейин биласиз...

— Тинчликми? — дея сўради Мирсаид оқсоқол Наби акадаги ўзгаришни пайқаб. Уйқу элтиб, мудрай бошлаган Ашир гулчини туртди. Гулчи парво қилмади. Шунда оқсоқол «ўх-хў» дея томоқ қириб йўталди. Ашир гулчи чўчиб тушди. Оқсоқол хахолоб кулдида: — Чамамда, мулла Ашир, носвойингиз элитди-ёв, — деди.

— Ҳазилингиз бор бўлсин, оқсоқол, ўтақани ёрай дедингиз, — деди Ашир гулчи норози қиёфада. — Кўрдингми, бачам. Ҳожи бувангнинг ҳунарини...

«Чоллар ҳам ҳазиллашар экан-да, бир-бири минан. Мен ҳам Собирни бир марта ана шундай чўчитган эдим. Ўтақаси ёрилай деган эди...»

Наби ака болани етаклаб ташқарига чиқди. Ариққа етганда ёқимсиз балчиқ ҳиди димоққа урди. Опоқдадаси болани кўтариб ўтказиб қўйди-да, муюлиш томон юрди.

У ерда кутавериш тоқати тоқ бўлган укаси турарди.

— Ассалому алайкум, — деди укаси истаристамас. — Ухлаб қолдингларми?

— Ваалайкум... — деди Наби ака аразлаганнамо. — Мен Назирникига кетган эдим, самоваркарнай опкелгани, Ортиқбой болам анча кутиб қолибди.

Ўртага ноқулай жимлик чўкди. Бола гоҳ





дадасига, гоҳ опоқдадасига олазарак боқди. Жимликни бўлиб:

— Ада, — деди. — Айтинг, опоқдадамга, юринг уйга, кетдик, денг...

Дадаси болага ўқрайди: чимирилган қошларининг ўртасида тугунча ҳосил бўлди. Сўнгра акасига:

— Нима кераги бор эди шунақа қилишининг? — деди. — Худонинг ўзи уриб қўйгани етмасмиди?

Наби ака укаси нима ҳақида гапираётганини дабдурустдан англаб етолмай елка қисди:

— Нимани айтяпсан?

— Вали акани-да...

— Э, гўрсўхтаними?

— Милиса-пилисага етказса нима бўлади?

«Адам ҳам қизиқла. Ҳозир опоқдадамни хафа қилиб қўяди-да, кейин ула уйимизга бормайдила...»

— Сен қўрқма... Қамаса, мени қамайди. Агар шу пўконни деб қамаладиган бўлсам...

«Қани, қаматтириб кўрсин-чи, Сайдази соғ қолармикан! Қани, опоқдадамга бир нима бўлсин-чи!»

— Шундай дейсиз-у, мени ҳам... ахир, ўзимга яраша обрўйим бор... одамлар ўртасида.

Наби ака укасига олайиб қаради. Кўзлари пирпиради.

— Гап бу ёқда дегин! Обрўйингга путур етмайди, ука. У падарлаънатига бу ҳам кам. Бутун бошли ўғли ўлим тўшагида ётса-ю, у бўлса...

— Опоқдада, юринглар, кетайлик?

— Уйга қайтасизми? Қачонгача чойхоначилик қилиб юрасиз? Кейин, келинингиз ҳам...

— Ўғирлик — гуноҳ, бировнинг ҳақини емоқлик — гуноҳ. Чойхоначилик қилиш гуноҳ эмас.

— Сизга гапириб бўлмайди, дарров силтаб ташлайсиз.

— Йўқ, ука, силтаётганим йўқ. Омади гапни айтяпман. Келганинг учун мингданминг раҳмат. Сизлар тинч яшасанглар, бас. Мен шу самоварда тирикчилигимни ўтказиб юравераман. — Наби ака боланинг жингалак сочини силади. — Соғинганимда шу Ортиқбойимни кўриб турсам бўлди...

— Бугун-чи, опоқдада, тушимда кўрдим сизни. Иккаламиз қўй етаклаб кетаётган эканмиз.

— Ҳали ҳам эсингдан чиқмабди-да, қўй олиб бераман, боқасан, деганим. Оббо сен-э!

— Чойхоначиликни йиғиштириб, уйга қайтинг...

Наби акага укасининг буйруғи оғир ботди. Оғзига аччиқ гап келди-ю, ўзини тийди. Муштдай боланинг олдида ака-уканинг санманга бориши яхши эмас.

У Ортиқнинг юзида маҳзунлик кўрди, кўйлагининг тугмасини қадаб қўйди.

«Қайтсам, шуни деб қайтаман. Елкамнинг чуқури кўрсин уйингни, деб кетган эдим-у, на чора, норастанинг кўнгли чўқади. Ўзи шундоқ ҳам ичиккан кўринади. Шу боланинг кўнгли чўкмасин деб қайтаман! Ортиқбойга қийин бўлади — ўрганиб қолган менга...»

Боланинг опоқдадаси шу куни намозшом маҳали қайтиб келди. Ҳовлининг адоғидаги ҳужрада чироқ ёнди. Боланинг дили ҳам ёришди. Назарида опоқдадаси қайтиши билан ҳаммаёқ нурга кўмилиб кетгандай бўлди. Болакай кигизга ўтириб олди-да, опоқдадасининг амиркон маҳсисини ечишга ёрдамлашди: аввал учидан, кейин товонидан тортиди. Маҳси сирғалиб чиқди. Ўнг пойини тортишда бир оз қийналди: Наби аканинг шу оёғи хиёл оқсар эди, маҳси сўғрилаётганда юзи бужмайиб кетди. Опоқдадаси уни тиззасига ўтказди, бола ўзига таниш ҳиддан маст эди.

— Опоқдада, нега Вали пўконни урдиз?

— У ёмон одам, болам. Отасига тортган, қаҳри қаттиқ...

— Опоқдада, — деди бола кутилмаганда, — қамокда ёмон одамлар ётадимми?

Наби аканинг юзидаги тарам-тарам ажинлар чуқурлашди, чаккасини майда тер босди. Елкасидан тушиб кетган почапўстинини қайтадан кўтариб қўйди:

— Ҳа, ёмон одамлар. Лекин, Ортиқбой болам, у ерда ҳам яхшилар бор. Бу ёғини сўрасанг, қамалмаганларнинг ичида ҳам ёмонлари кўп. Катта бўлсанг, ўзинг билиб олаверасан. Дунёнинг сен билан мен ҳал етолмайдиган қизиқ муаммолари кўп.

«Опоқим нега кетиб қолди экан? Опоқдадамдан сўрайми? Йўқ, у киши хафа бўладила, сўрамайман...»

— Опоқдада, Сувонқул бува нега кучугини отган? Оқтош яхши кучук эди-ку?

— Билмай отиб қўйган. Сувонқул ака ҳалигача куйиб юради қилиб қўйган ишига. Унгаям қийин, ҳеч кими йўқ. Биттаю битта қизи ҳам ўзидан ортмайди. Яхши ҳам бахтига Шокир отанг бор. Иккови қиёматли ошна.

— Шокир отанинг ҳам катта кучуги бор. — Бола опоқдадасига муҳим янгиликни рўқач қилаётгандай гапирди. — Оқтошдан ҳам катта!

— Ҳа, ўғлим.

— Қўй олиб бераман, боқасан, дегандиз. Кўкламга чиқиб туғиб берадиганидан олиб бераман, дегандиз?

— Олиб бераман. Сўзим битта. Чоршанбада Шўро бозорига борамиз. Хўпми?

— Хўп, — деди бола бармоқлари билан ўзича ҳисоблаб чиқиб. — Икки кундан кейин, а? Учунчи куни борамиз...

Наби ака ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган одам. Хончорбоғлик Қобил тароқчининг тўнғичи. Қобил тароқчи Набидан кейин ўн олти йил деганда яна ўғил кўрди. Шунгача хотинининг бўйида бўлмади. Урушдан бир йил аввал унинг кўзи ёриди — ўғил туғди. Уруш бошланди аввал Қобил тароқчи, ортидан, бир йил ўтар-ўтмас, ўғли Наби фронтга жўнади. Хадича келин бешикдаги ўғли билан қолаверди. Нима ҳам қила оларди: эл бошига тушган ташвиш. Қобил тароқчи шу кетганча қайтмади. Қирқ тўртинчи йилнинг кузида ундан қорахат келди. Хадича беванинг сочи тез оқарди, юзига ажин тушди, бели букчайди. Бахтига, Наби урушдан омон-эсон қайтди, она шўрлик шунга ҳам минг қатла шукр қилди. Отадан жудо бўлган ўғил аламини меҳнатдан олди. Бошида тунукасозлик, сўнгра қурувчилик қилди. Кейин кўмир омборига юк ташувчи бўлиб кирди. Бу орада уйланди, бир қизли бўлди. Исмини Умида қўйди. Хадича буви Умидадан «буви» деган сўзни эшитолмади. Келини кетиб қолди. Эри билан чиқишолмабди. Бир марта қайтариб келди. Йўқ, бир ой ўтар-ўтмас яна кетди. Шу-шу, эр-хотиннинг ўртасига совуқчилик тушди. Набига қийин бўлди. Қизчасига ўрганиб қолган эди. Унга жуда ҳам қийин бўлди. Орадан кўп ўтмай, қош қорайган маҳали, кесақисига омонатгина ўрнашиб турган эшик тақиллади. Наби чиқиб очди: остонада ҳарбий кийимдаги икки киши турар эди. «Хизмат?» деди Наби. «Қобилов Наби сиз бўласизми?» «Ҳа, менман!» «Кийининг!» Кийинди. Кетди.

Она шўрликка бу кўргилик ҳам бормиди?!

У ёққа югурди — бўлмади, бу ёққа югурди — бўлмади. Яхши ҳам бахтига Шоюсуф муаллим бор экан, йўл-йўриқ кўрсатди: Ворошиловга хат ёздиртирди; Усмон Юсуповнинг қабулига ўғлининг орденларини, марҳум эрининг Сталинградда қайсидир генераллар билан тушган суратларини кўтариб олиб чиқди. Ҳақиқат бор экан, қарор топди. Наби уч йил деганда оқланиб чиқди. Бу орада Хадича кампирнинг ўзи адои тамом бўлди. Наби қамоқдан қайтганда у ёстиққа қадалиб қолган эди. Тепасида ўн бешларни қоралаган, бўйи чўзилиб, овози дўриллаб қолган, юзларига гуручдай-гуручдай ҳуснбузар тошган укаси Раҳим кўзёш тўкиб ўтирар эди. Хадича кампир кўпга бормади, бир йилдан сўнг, рамазон ойида бандаликни бажо келтирди.

Наби ака меҳнат учун яратилган экан, аламини меҳнатдан олди. Ўзи ўқий олмади, укасини ўқитди; ўзи кийина олмади, укасини кийинтирди. Қулай-қулай деб турган эски уйни бузиб, ўрнига уч хонали иморат солди. Олдига айвон қурди. Уй битгач, ҳовли адоғидаги отасидан қолган пастаккина ҳужрага кўчиб ўтди. Ота ўрнида оталик қилиб,

янги уйни укасига берди, бир бошини икки қилиб қўйди. Эҳ-ҳэ, у кўрган кунларни душмани ҳам кўрмасин!..

Укаси яхшиликларини унутиб юборди. Амал кетидан қувди. Жиловни хотинига тутқазиб қўйди. Бир кун амалдан учи тушишини ўйламайди. Яна каттароқ поғонага кўтарилсам, дейди. Наби ака бирор марта юзига солмади, «Ҳов, менга қара, сенинг мундай керилиб юришинг ким туфайли?», демади. Демайди ҳам. Қилган бўлса, жигари учун қилибди-да. Юзига солиш пасткашларнинг иши...

— Амаки, — деди опоқдадасининг чапўстинига ўралиб олган бола, — отизни оти нима?

Қирқларни қоралаб қолган, дукки пешана, картошка бурун аравакаш ўзини кулгидан тиёлмай Наби акага қаради, юзидаги ўн тийинлик тангадай учта чандиги тиришди, ўша ерини қўлидаги қамчи дастаси билан қашиди:

— Оддий чўбир от-да, — деди. — Бошқа оти йўқ. — У чўбирнинг сағрисида қамчи урди. От гижинглаб лўкиллади. Аравадаги қўйлар кетма-кет маърашди.

Бола ўзида йўқ хурсанд эди. У биринчи марта отни яқиндан кўриши, биринчи марта отаравада юриши. Опоқдадасининг тирсагига бош қўйди. Эркаланди. Енларидан гир этиб у томонга, гир этиб бу томонга ўтаётган машиналарга анқайди.

— Амаки, — деди у кўрсаткич бармоғини иягига олиб бориб, — бу еригга нима қилган?

— Неварангиз неча ёшда? — деб сўради аравакаш Наби акадан.

— Октябрда еттига тўлди, — деди у аравакашнинг суриштириб қолганидан ҳайрон бўлиб. — Мактабга чиқиши керак эди, олишмади, икки ой етмайди, деб. Олишса бўларди, зехни дуруст...

«Сайдазни олишди. Бешта ёнғоққа тўрттасини қўшса қанча бўлишини билмайдиган қовоққалла Сайдаз катта папка кўтариб юрибди. Майли, кейинги йил мен ҳам кўтариб қоларман ўшандайини...»

— Бу еримга... — дея чандигини кўрсатди аравакаш, — сендайлигимда темирўтки чиққан эди. Урни мана шунақа бўлиб қолди. «Темирўтки ёмон бўлар экан. Одамни хунук қилиб қўяр экан...»

— Ҳимм, — деди бола яна отга андармон бўлиб. — Амаки, отизни оқ от деса ҳам бўлаверади. Қаранг, ҳаммаёғи оппоқ.

— Майли, сен айтганча бўлақолсин. Ҳа, чуҳ жонивор, чуҳ...

Бола энтикиб кетди. Ҳозир дунёда ундан бахтли одам йўқ эди. У опоқдадасига янада маҳкамроқ ёпишди.

— Опоқдада, от машинадан зўр-а? А, опоқдада?

— Албатта от яхши-да, — деб гапни илиб кетди аравакаш, — от жонли зот. Машиналар тунукадан ясаллади.

— Илгарилари ҳамма отда, эшакаравада юргувчи эди. Ҳозир шаҳарда отда юра олмайсан. Отнинг ўзи ҳам йўқолиб кетяпти. Мана бунақа амакиларингда қолди фақат...

— Амаки, анув куни циркда ҳам сизники-дақа отларни кўрсатди. Телевизирда. «Ҳайвонот оламида» ҳам кўп кўрсатади шунақа отларни.

— Ҳа, боласи тушмагур, обдан тушунтирмагунча қўймайди, — дея Наби ака болани секингина туртиб қўйди.

Аравакаш бошини қимирлатиб боланинг гапини тасдиқлаган бўлди. Қорайиб кетган, қавариқ қўли билан елкасини қашиди. Орқасига ўгирилиб Наби ака сотиб олган қўйнинг бошини силаркан:

— Қанча бўлди? — деди. — Ўзимизнинг жайдари қўйдан экан. Яхши. Бўғоз кўринади-ёв...

— Ортиқбой туғиб берадиганидан оберинг, деган эди. Фаришта омин деган эканми, бўғози учради. Кўкламга чиқиб туғиб беради шекилли. Даллол ҳақи минан икки юз сўм бўлди.

«Кўкламга чиқиб туғиб берса зўр бўлади. Мен ҳам Собирга ўхшаб Қичқириқ бўйида боқиб юраман, кўзичоғимни...»

— Арзон обсиз. Ҳозир мол қиммат. Яхши обсиз.

Бола аравакашнинг мақтовидан суюнди. Кўприкка етганда арава дўнгликка дуч келди. Чап ёнга қиялади. Аравакаш беихтиёр бола билан опоқдадаси ўтирган тарафга ёнбошлади.

— Чув-ҳа, жонивор, чух, — деди отга қамчи босиб. Чўбир яна тўғри йўлга чиқиб олди. Туёқларидаги тақаларнинг тарақ-туруқи бир текис эшитилди. — Аравакашлик — ота касбимиз, ака. Ҳа, жонивор, чух...

— Бобой ҳаётмилар? — деди Наби ака белини уқалаб. — Бод ўлгур хўп ярамас дард-да. Дарров кепқолади.

«Амакининг адалари ҳам отда юрган экан-да. Шунинг учун амаки аравакаш бўлган экан-да?...»

— Бултур қазо қилганлар.

— Ҳа, шу экан-да, — деди Наби ака ух тортиб. — Кетаверар эканмиз, бирин-сирин, ҳаммамиз... Ҳеч ким устун бўлмас экан бу дунёга.

— Бу йил қиш юмшоқ келди, — деди аравакаш йўл бўйидаги теракларга қараб, — дарахт учида барг қолган. Эскиларнинг гапи бор-ку...

— Пахта ҳам зўр бўлди. Байрамгача бажариб улгурди-я!..

— Бу йил яхши бўлди. Ўтган йили кўп қийналган эди деҳқон! Ноябрьдан уриб берган қор то янги йилгача тинмаган эди...

«Ўтган йил шу маҳалда маза қилиб чана учиб юрган эдим ҳув шаршаранинг ёнидаги пастликда. Бу йил ҳали бир марта ҳам қор ёғмади...»

— Келаси якшанба куни Отчопарда катта байрам — пойга бўлади. Мен ҳам қатнашман. Боринглар.

— Ву-йй, ростданми? Шу отда чопасизми?

— Йўқ, бошқа тулпорим бор, — деди аравакаш аввал болага, кейин опоқдадасига кўз қирини ташлаб. — Ҳозир совутяпман...

— Отни ҳам совутадами, амаки?

— Сизни ҳам қийнаб юборди, а, амакиси?

— Зарари йўқ. Бола-да, мендаям бу қоракўзлардан бештаси бор, — деди аравакаш. Кейин давом этди: — Отни пойгага қўйишдан илгари уни парвариш қилиш зарур. От нозик жонивор. Аввал намақобга ювилади, кейин понсори зиғир мойини чучитиб, ишқор аралаштирилади-да, яна ювилади. От семириб кетган бўлса, гўшти қайтади. Ана ундан сўнг юган солиб совутилади. Кўча айланттирилади, йўргалаттилади, чоптирилади. Бўлмаса, от пойгага ярамайди. Билдингми?

— Ҳи, — деди бола. — Опоқдада, бора-миз-а? А, опоқдада?

— Борамиз, ўғлим, борамиз.

Арава бола яшайдиган кўчага бурилди. Ортиқ ёнғоқ чақиб ўтирган Сайдазни кўрди. Сайдаз унга қараб қолди. Бола керилиб ўтириб олди, Сайдазга муштини кўрсатди. Арава эшиклари тагига етиб келди. Аравакаш аввал болани тушириб қўйди, кейин қўйни туширишга ёрдамлашди. Опоқдадаси аравакашга пул узатди. Амаки олиб кассасига солди.

— Қани, уйга кирамиз, — деди опоқдадаси. — Чой қуйиб бераман.

— Раҳмат, бошқа сафар, — дея аравакаш болага кўзини қисиб қўйди-да, аравага сакраб чиқиб олди. — Хайр, қоровой. Отчопарга оборинг-а неварани...

Арава юриб кетди.

Бола анчагача унинг орқасидан қараб қолди.

Бола опоқдадаси билан Отчопардан кеч қайтди. Ўзида йўқ хурсанд. Вугун у кўрган томошани Сайдаз ҳам, Собир ҳам кўрган эмас. Вой-бў, пойгани айтмайсизми! Шунча отларни! Карнай-сурнай, ноғораларнинг овози қулоқни қоматга келтириб юборди. Бола бундай томошани умрида кўрмаган эди.

— Қўй ҳам оч қолгандир, — деди Наби ака ўнг оёғини аяброқ босиб. — Қани, юрақол тезроқ.

Маҳкам гарангнинг эшигига етганларида

олдиларидан Вали пўкон чиқди. Чамаси, Вали пўкон уларнинг уйидан келаётган эди. Қўлида қоғозга ўроғлиқ алланима, ҳаллослаб келяпти. Пўкон Наби акага совуқ илжайди. Бармогига жез узук тақилган қўлини тавозе билан кўксига қўйиб, салом берди-да, йўлкага ўтди.

Наби ака унинг саломига алик олмади. Юзини бурди. Бола ҳам Вали пўконга салом бермади — аламини олди.

«Бопладила опоқдадам. Шунақа бўлади, Вали пўкон, шунақа бўлади...»

Пўкон хафа бўлмади чоғи, яна ёқимсиз илжайдию орқасига бир қараб қўйиб, уйига кириб кетди.

Йўлакка кирганларида димоқни қитиқловчи кабоб иси келди. Бола лабини ялаб, Наби акага қаради:

— Опоқдада, кимдир кавоб қиляпти.

Ичкаридан уч-тўрт кишининг хахолагани эшитилди. «Меҳмонлар келибди-да», деб ўйлади Наби ака.

Бола оғилхона томон чопди. Кетидан Наби ака етиб борди. Эшик очиқ. Қўй йўқ! Ошхона ёнида қўрадаги оловни хокандозга солаётган келини унга қўрқув аралаш гуноҳкорона жилмайиб турарди.

— Қўй қани? — деб қичқирди бола. — Сизга айтяпман!

Онаси боши билан олма дарахтининг тагини кўрсатди.

Опоқдадаси ҳам, бола ҳам ўша ёққа югурди. Қай кўз билан кўрсинларки, қўйнинг калласи тупроққа беланиб ётарди. Рўпарада — тўрт оёқ, сирланган тоғорада ичак-чавоқ. Сўрининг тагидаги ахлат қутида пўстакка ўроғлиқ нимадир буклаб ташланган.

— Ким сўйди? — дея Наби ака нафрат тўла кўзлари билан келинига қаради. — Сендан сўраяпман!..

— Вали ака.

Келин оёқ-қўли биланар-билинемас титраётган, юзидан қон қочган қайноғасининг важоҳатидан чўчиди, нигоҳига дош беролмай ошхонага кириб кетди.

Бола ҳўнграб юборди.

Опоқдадаси унинг сочларини силаркан, қўйнинг кўзи очиқ қолган калласига, унинг ёнидаги чуқурчада қуюлиб қолган қонга узоқ тикилиб турди. Қон ерга шимилиб кетган эди.

Наби ака шахд билан меҳмонлар ўтирган уй томон юрди.

Ичкаридан башанг кийинган, пакана, бақбақаси осилиб тушган хомсемиз киши чиқди. Кетидан ундан озғинроқ, тепакал, эғнидаги кийими ўзига ярашмай турган оқсоқ кимса билан укаси Раҳим кўринди.

Укасининг кўзи унга тушди. Совуқ юзида сохта табассум ўйнади:

— Э-эй, мана бу киши бизнинг ҳам отамиз, ҳам акамиз бўладилар! — деди виқор билан Наби ака томон юриб. — Каминани ўқитиб одам қилган мана шу киши бўладилар!..

— Ассалому алайкум...

— Қалайсиз бойваччака? Бола-чақалар омонми?

— ...

— Э, яшанг! Укангиз зап йигит-да! Хўп, одамохун бола...

— Аммо-лекин анув қўшнинг ҳам маладес йигит экан-да, — деди бақбақаси осилган пакана кимса. — Бутун бошли қўйни бирпас-да гатоп қилди-я! Во, отангга раҳмат...

— Жуда эпчил йигит экан, — дея пакананинг гапини маъқуллади шериги, — шартта бўғзига урди-қўйди-я!

Наби аканинг тиши гижирлади.

Пакана тепакал ҳамроҳининг тирсагидан ушлаганча оғзини кериб тишини кавлади. Иккови нари кетди. Атрофни кузатган бўлишди.

Ака-ука ёлғиз қолди.

— Энди, шунақа бўпқолди... — дея чайналди оғзидан кабоб аралаш ёқимсиз ароқ ҳиди келиб турган укаси. — Тўсатдан кеп қолишди. Озиб-ёзиб! Уятли одамлар... Хўв, анув оқ сочлиси каттаконимиз бўладилар.

Наби ака беихтиёр укасининг ёқасидан ушлаб ўзига тортди. Томирлари бўртиб турган қўллари асабий титради. Нафрати жунбушга келиб:

— Ахир қўй бўғоз эди-ку! — деди. — Тушуняпсанми? Қорнида боласи бор эди!

— Нима қиляпсиз? Эсингиз жойидами? Битта қўй учун-а? Қорнида боласи бўлса нима қипти? Одам ўлиб кетяпти-ку! Меҳмонлар кўрса нима дейди?

Наби ака унинг ёқасини қўйиб юбораркан: — Замон кўтармайди-да! — деди. — Бўлмаса-ку... сени ҳам, ўша каттаконингни ҳам...

— Жинни бўп қопсиз! Кап-катта одам!

— Йўқ, сен инсон эмассан, — деди Наби ака. — Сен ҳайвонсан!

У бошқа ҳеч нима демади. Ўзи яшайдиган ҳужрага кирди-да, кўчини йиғиштириб, кўчага чиқиб кетди.

Бола опоқдадасининг ортидан югурди. Йиғлаганча югурди. Опоқдада, кетманг, дея югурди. Наби ака Маҳкам гарангнинг эшигига етганда тўхтади. Болани бағрига босди. У опоқдадасининг кўзларида ёш кўрди. Опоқдадасини биринчи марта бундай ожиз аҳволда кўриши эди. Опоқдадаси кўзёшларини яширмади, яширолмасди.

— Болам, — деди у, — мен ортиқ бу хонадонда яшолмайман.

— Мени ҳам олиб кетинг, жо-он опоқдада! Мени ҳам...

— Сенинг ота-онанг бор. Қолишинг керак.

Бир кун тушуниб оласан. Сени кўргани келиб  
тураман. Хўпми?

Бола индамади.

«Опоқдадам кўчиб кетяптила. Мени таш-  
лаб кетяптила!..»

Боланинг опоқдадаси шу дақиқаларда  
анча қариб қолгандай эди. У букчайган кўйи

гандираклаб юриб кетди. Ортига ўгирилмади.

Бола асфальт йўлга ўтириб олди. Тиззасига  
қўлларини чалиштирганча кафти билан  
кўзёшларини артди.

«Опоқдада, бари бир олдингизга қочиб  
кетаман, мана кўрасиз, бу уйдан қочиб  
кетаман!..»



Навбатдаги сонда ёзувчи Евгений Березиковнинг «Чўчиманг, каптарлар!»  
қиссасини ўқийсиз.



МУМИН  
ҚАНОАТ

## Шалола

Эй шалола!  
Менинг зилола кўзгум,  
Беқарор болаликнинг сирдоши, дарддоши  
хам,  
Утмиш кунлардан ёдгор йўлдоши ҳам  
Сен ўзинг.

Кўҳна эзгу дардларим менга такрор айтасан,  
Уйқудаги хотирам яна бедор этасан,  
Дил розимни тилингда тошиб изҳор этасан.

Едингдами ул лаҳза — ортга қайтмас  
онларим,  
Субҳидам сув олгани келган чоғи дилбарим,  
Гулга қўнган капалак янглиғ пайдо гулпарим.

Унинг қаро сочлари шалоладек тор-тор,  
Кўзлар чашмадек сафо, руҳсорида навбаҳор,  
Ларзон қадди-қомати шаршарадек беғубор,

Фунчадек хандон уриб, гулни сувга ташларди,  
Ноёб гавҳар — болалик тўлқинлардан  
ошарди,  
Ошиқ қалбга чўғ солиб, ҳилолага ўхшарди.

Кетганда гулгун гуллар ранги рўйи сўнарди,  
Интиқ кўз қароғида хумор бўлиб сингарди.

У гулру қиз ким эди?  
Балки менинг синглимдир,  
Балки севги оламин инъом этган кўнгилдир?  
Мисоли оқ кабутар қўшқанотим шу гулдир.

Ким бўлмасин,  
У менга жондан азиз жон эди,  
Шарбатларга лиммо-лим ҳаётимга жом эди!

Ўшал кун икки қирғоқ сингари жудо бўлдик,  
Дарё садо берганда бизлар бесадо бўлдик,  
Шаршара торларидай икки тор — наво  
бўлдик.

Ул бетакрор лаҳзалар тушга айланиб кетди,  
Болаликнинг шўх умри сувдайин оқиб ўтди,  
Тоғдан тушган какликдай бир келди-ю бир  
кетди.

Эй! шалола!  
Яна кел, бағримни шодон этгил,  
Навбаҳорим суратин қайта намоеён этгил!

Тожикчадан Гулчеҳра ЖУРАЕВА  
таржимаси

## Мардлик ва номардлик

Амир ишратгоҳи —  
Қайбатли қаср,  
Бунда қатл қилинар «осию» асир.  
Амиру казолар арк айвонида,  
Фақиру фуқаро арк майдонида.  
Уртада қонли дор,  
кутар қурбонин.

Баран конакдоргоги журнални „Ешлик“  
созушкан гарн ва шабрикомни салмишонан  
кўдро байн мекунам.

Кимнинг эамак мегўда: ниқалро  
дар навниқали рает мекунам ва  
заминро дар навбачарон килиб.  
Фароқни нур пайванда келтирад ва  
кўрди карозилда панд ниқозда.  
Бу конакдоргоги саршумди журнални  
таванн, дўстони завонам завани ва  
абанларди неки ва нақилди арзу  
мекунам!

Завани аилли кум ави, агар камолат  
тоштан билад; камолоти маънави,  
камолоти маънави ва кимияти — како-  
лоти Инсонн...

Қар кас, ки нафесу нафас, назар ва  
ниқали кўдро рает эи мақсади аил  
када билад, Инсонни қилме ави.  
Мақсади аилли заминди саршуми-  
ни ме арзушдан кўрни инсонлар.

То эҳдири ва эҳидари каси

(С. М. Қаноат)

Остида занжирбанд Восеъ олар тин.  
Балжувон тогидай тик тутар бошин,  
Амирни жонсарак этар бардоши...  
Заминни ўнди-ю, кўтарди қаддин,  
Фалакка ўтказмоқ бўлгандай ҳаддин,  
Чўққини кўзларди тоғнинг шунқори,  
Паст келди амирнинг ўрнатган дори...  
Ғазабдан титради у мири ғазаб,  
Аркон ҳам, майдон ҳам гувиллар:  
«Ажаб!»  
Сафдан бир суворий қуюндай елди,  
Чинорнинг шохига сиртмоқни илди,  
«Яшил дор» қурилди «осий» асирга,  
Сукунат Сўмганди бутун қасрга.  
Чинордан таралди юртининг бўйи,  
Тингларди гўё у гулузор куйин.  
Сиромоқ бўғғар эди уни тобора,  
Ғазаб ва нафратдан тошарди чора.  
Тегиб юбордилар бирдан тўнкани,  
Чинорга туташди чинордек тани.  
«Зафар!» деб бонг урди амир беҳабар,

«Ешлик» журнали ўқувчиларига жуш...  
орзу-истаклар ва самимий табрик йўлламан.

Халқимизнинг бир ҳикматли нақли бор:  
ниҳолни навниҳоллигида қадамоқ, уруғни  
эса навбахорда эймоқ керак. Қариган дарахт  
пайванд олмайди, кўпни кўрган киши эса  
панду насихатни.

Журналнинг кўп сонли ўқувчиларига Еш-  
лик, ёш дўстларимга навқиронлик, жўмард-  
лик ва эзгулик тиламан.

Ешлик гўзал айёмдир, агар у камолат касб  
этса — маънавий камолат, шахсий ва ишти-  
мой камолат, инсоний камолат...

Кимки ўз нафасини, дунёқараши ва ўз ама-  
лиётини бир олий мақсадга буйсундира олса,  
у комил инсондир.

Бизнинг социалистик жамиятимизнинг асо-  
сий мақсади ҳам ана шундай инсонларни  
яратишдан иборатдир.

М. ҚАНОАТ

Аморат титрарди: «хатар бу, хатар!»  
Восеъ издошлари тоғда ғазабнок,  
Дарё тош соҳилни этган каби чок.  
Сиртмоқдан ажратди қалтираб жаллод,  
Ларзага солганди Восеъ деган от.  
Беғуноҳ Шаҳрисабз сақларди сукут,  
тутганди кўк юзин қоп-қора булут.  
Янги фармон берди аламоқ амир,  
«Аҳли дин!  
имонга юз тутган, эй эл!  
Амир гар амр этса вожиблигин бил!  
Бу ўлик устидан ҳатласа ҳар ким,  
Имону жаннатга бўлғуси ҳоким...»  
Аммо майдон узра ҳукм сураб сукут,  
Тирик жон борлиги бўлгандек унут.  
Жар солди титрабон сўнг шоҳи жаҳон,  
«Мўмину мусулмон, эй аҳли имон!  
Гар гадо амримни келтирса бажо,  
Унга олий мансаб этурман ато...»  
Мансабнинг бандаси топилди, эй воҳ,  
Оломон сафини ёриб у ногоҳ,  
Кўзларин чирт юмиб, чимириб қошин,  
Маломат тошидан эгиб қоқ бошин,  
Шаҳиднинг устидан ҳатлаб ўтди у,  
Мардликнинг устидан ҳатлаб ўтди у.  
Тўқсоба номини гарчи олди у,  
Инсон деган номдан айрилди мангу.

ЖОНИБЕК таржимаси.



ЭРВИН  
УМЕРОВ

## ЭЧКИҚОЯ ТОШЧАЛАРИ

### ҲИКОЯ

Татарчадан СИДДИҚА  
АЪЗАМОВА таржимаси



Эчкиқоя номи билан машҳур бўлган кўрфаз устида қоп-қора қоя осилиб туради. Қоянинг қир учида кишини ҳайратга соладиган тераклар ўсиб чиққан. Уч томонини ўт-ўланларга бурканган тоғлар ўраб олган.

Эчкиқоянинг жанубида қоп-қора денгиз мавжланиб ётади, унинг мовий осмон билан туташган чегарасини аниқлаш қийин. Денгиз тинч, бироқ унинг тўлқинлари кўрфазга келиб уриларкан, ҳар гал оқ қалпоқ кийиб, ғазаб билан ҳайқиради, шаҳд билан қоятошларга калла қўяди, қулоқни қомадга келтириб наъра тортади. Қуёш борлиққа нур таратади, томи қизил икки-уч қаватли кемалар чор атрофга шўх музика садоларини таратиб, аллақаяқларга йўл олади.

Эчкиқоя устида бир эркак, бир аёл турибди, аёл кўрфаз устига осилиб тушган тирсакда — чап қўли билан қояни ёриб чиққан теракнинг чириган илдизига ёпишиб олган.

А.ЕЛ. Жо-он, Лятиф, қўлим толиб кетди, бир иложини топ, ҳозир учиб тушаман... (У боши билан тош тирсак тагида, юз эллик-икки юз метр чамаси пастда оч бўридай увиллаб ётган

Расми А. НОРҚОБИЛОВ чизган



кўрфазга имо қилди. Пастда, сув ичидан фил танасини эслатадиган каттакон тошлар бош кўтариб турарди.)

ИИГИТ. Лятиф, Лятиф! Нима, пишириб қўйганмиди сенга у ерда! Ўзингдан кўр! «Шу ердан туриб денгизга танга ташласа яна насибаси тортиб келармиш!» Хурофот! Ана, тангани ташладинг, энди тангага қўшилиб ўзинг ҳам кетасан асфаласофилинга! Минг марта айтдим-а, «Тушма, тушма!» деб. Қулоқ солмадинг; Энди мен нима қилай! Ўзинг тушдинг, ўзинг чик!

АЕЛ. Сал пастроқ тушиб, қўлингни узатсанг бўлди — чиқиб оламан. Мадорим қолмади, тезроқ бўл, Лятиф!

ИИГИТ. Ҳадеб Лятифлайвермасдан анави илдизни яхшилаб ушла, ҳа, маҳкамроқ. Жонинг борми! Епиш! Ҳа, ана. Энди секин-секин кўтарилишга ҳаракат қил.

АЕЛ. Вой, қандай кўтариламан? Сал қимирласам оёғим тагидаги тирсак узилиб тушади-ку? Ундан кўра, сал пастроқ тушиб, қўлингни узата қол...

ИИГИТ. Эсинг жойидами?! Нима, мени ҳам судраб кетмоқчимисан у дунёга?

АЕЛ (шошиб қолиб). Сен... Ахир мен... Ахир мен у дунёга кетсам яхши бўладими?

ИИГИТ (бир қадам орқага чекинади, негаки аёл ҳаяжонланиб бир оз қимирлаган эди, қоя ёрилиб, аёлнинг оёғи остидаги тирсак аста-секин айрила бошлади). Ушла, илдизни маҳкамроқ ушла! Нима, сенингча, бирданига икки одам қурбон бўлса яхшими?! Сени қараю!

АЕЛ. Лятиф, жо-он Лятиф, бир илож қил, мени бу ердан тортиб ол... Мадорим қолмади... Елғиз боламизни, қизимиз Лялани ўйла...

ИИГИТ (яна бир қадам орқага чекинади). Уни қаранг-а, «Қизимиз Лялани ўйла» эмиш! Оббо, худбин-эй! Нима, Ляламиз бирданига ҳам онасидан, ҳам отасидан айрилиб қолсинми? Яхшиси, сен илдизга маҳкамроқ ёпишиб туравер, мен ҳозир бирор иложини топарман. Албатта топаман!

АЕЛ. Сен иложини топгунингча мен юз марта нариги дунёга бориб келаман-ку.

ИИГИТ. Сабр қил, мен ҳозир... (Тисарилиб, қоядан узоқлашади). Ферузе, мен ҳозир етиб келаман. Шу яқин орада альпинистларнинг чайласини кўргандек бўлувдим... Агар уларни топа олмасан, ўт ўчирувчиларга хабар бераман. Сен бир пас сабр қил!

АЕЛ. Ляти-и-иф!

Иигит туртиниб-суртиниб анча йўл босиб қўйганда, аёл унинг исмини айтиб яна бир марта чақирди, сўнгра гумбурлаган овоз эшитилди: аёл оёқ қўйиб турган қоя парчаси — тирсак узилиб пастга юмалади. Орқасидан теракнинг чириган илдизини маҳкам ушлаб олган Ферузе ҳам пастга учиб кетди.

Мовий кўрфаз устида «А-а-а-а!» деган аксадо янгради.

Бу овоз тинганида Ферузенинг эри, уч ёшли Ляланинг отаси Лятиф Косанов Эчкиқоядан анча узоқда, бор кучи билан югуриб кетмоқда эди. Йўлда кўз ёшидек тиниқ жилғага дуч келди. Лятиф тўхтаб юз-қўлини ювди, сочларини силлиқ таради, рўмолчасини чиқариб туфлисининг чангини артди, хуллас, ўзини «одам башара» қилди. Кейин одам кам учрайдиган тор сўқмоқдан юриб кетди.

Лятиф хотини билан дам олаётган санатория ҳовлисига кириб келганда, кўринишдан шошилгани, югуриб келгани, умуман қандайдир ҳаяжонли воқеани бошидан кечирганини сезиш қийин эди. Узун сочининг фарқи ўнгдан олиб очилган, юзида тердан номнишон йўқ, баланд, тахта пошналар туфлиси йилтирайди. Худди хонасидан ҳозиргина кийиниб, ўзига оро бериб чиққандек эди. У қўлига ёқилмаган сигарет ушлаб, «Мени ҳам ўзинг билан олиб кет» қўшигининг куйини ҳуштакда чалганча теракзордаги узун стол атрофида домино ўйнаётганлар олдига келди. Оғзидан ҳалқа-ҳалқа тутун чиқараётган жингалаксоч йигитнинг елкасига қўлини ташлаб:

— Оловингдан бер, дўстим, — деди.

Иигит унга қиё боқмай елкаси оша папиросини узатди. Лятиф сигаретини тутатиб олгач, «Раҳмат», деб бошини қимирлатди, бироқ нари кетишга ошиқмади.

— Соат неча бўлган экан-а? — деди у яна бояғи йигитнинг елкасига туртиб. Йигит норози бир қиёфада бошини кўтарди, Лятифга бошдан-оёқ разм солди, сўнгра: — Билмайман, соатим ичкарида қолган, — деди.

— Иигирма икки минути кам уч, — деди столнинг нариги томонида ўтирган, зангори майкали, шахтёрга ўхшаган, домино ўйнаётган кекса киши юнгдор билагидаги олтин соатига кўз қирини ташлаб. Лятиф катта бир янгиликни эшитгандек миннатдорчилик билан бошини силкитди.

— Вақт иккидан ошган бўлса, буфет аллақачон очилибди-да, биродарлар! — деди у тўсатдан хурсанд бўлган одамдек. — Томоқлар ҳам қақраб кетди. Менга шерик бўладиганлар йўқми?

Бу сафар домино ўйнаётганларнинг деярли ҳаммаси машғулотини тўхтатиб, Лятифга қаради. Кимдир «ўйин тугади» дегандек, домино тошларини стол ўртасига йиғиб қўйди.

— Бу лаънатини эрталабдан ича бошласанг бутун кунинг ўтиб кетганини билмай қолсан, — деди бояғи шахтёр. Эҳтимол, у шахтёр ҳам эмасдир. Лекин Лятиф унга «Шахтёр» деб исм қўйди. Эслаб қолиш осон. — Қиттак-қиттак деб ўтирасан-у, кейин

на денгиз, на овқат эсга келади. Яхшиси, бу ишни кечқурунга қолдириш керак.

— Мана, биз шерик бўламиз-да, — деб ҳозиргина домино тошларини стол устига йиғиб қўйган йигит ирғиб ўрнидан турди.

«Шерик бўлишингга ишончим комил эди, — деб ўйлади Лятиф. — Турақол, мен билан бирга юрақол, жингалак сочингдан айланай ўзим! Анави итфеъл «Шахтёр» ўтираверсин. Эси кириб қолибди у жиннининг. Куни бўйи хонасидан чиқмай ўтиришини кошки ҳеч ким билмаса...»

— Юр, кетдик, — деди Лятиф. — Фақат мен бир минутга хонамга кириб чиқишим керак. Қаерга кетганимни ёзиб қолдирмасам, хотинбой қиёмат қилиб юборади. Ўзи тоққа, сайрга чиқиб кетган эди. Соат билан зажигалкани ҳам олишим керак. Бировлардан соат сўраб гугурт тиланиб юргандан ёмони йўк.

— Яхши, тезроқ бориб келақол. Мен шу ерда кутиб тураман.

— Маъқул, мен бир зумда қайтаман.

«Бир, тўда гувоҳ ҳам тайёр!»

Лятиф енгил қадамлар билан ўзи истиқомат қиладиган корпусга қараб йўл олди. Яна ўша Алла Пугачёвнинг «Мени ҳам ўзинг билан олиб кет» қўшигини ҳуштакда чалиб кетди.

Ишқилиб, номерга кирганда ишқал чиқиб қолмасин-да. Анави портъе кирсанг ҳам, чиқсанг ҳам: «Ким бўласан?», «Қаёққа кетясан?», «Қайси хонада турасан?», «Калитни ташлаб кет», «Кеч қолма!» деб ижиклагани-ижиклаган. Ишқилиб, ўша мараз навбатчилик қилмаётган бўлсин-да. У ёғини ўзи эплайди. Шаънига гард юқтирмасликнинг йўлини билади. Нима, шундай қилишга ҳаққи йўқми? У Ферузегга: «Қани, бўл, Эчкиқояга чиқ, денгизга танга от!», дедими? Еки хотинини қоядан ўз қўли билан итариб юбордими? Йўк, Ферузе ўз жонига ўзи қасд қилди. Ўзи йиқилган йиғламайди. Лятиф хотинидан, оиласидан тўйган одам эмас. Бироқ, модомики шундай кўнгилсиз воқеа содир бўлган экан, Лятиф қайси йўл билан бўлса-да, ўз ҳаётини, номини, келажагини ҳимоя қилмоғи лозим. Ўз манфаатини ҳимоя қилган одам давлат манфаатини ҳам ҳимоя қилган бўлади. Нега десангиз, ҳар бир одам — давлат бойлиги. Масалан, мен — Лятиф Косанов, қақалоқлигимдан то фан кандидати бўлгунимга қадар давлат озмунча маблағ сарф қилдими? Мен бўлсам ўша харажатнинг ҳали ўндан бирини ҳам қоплайдиган иш қилганим йўк. Шундай экан, мен бекордан бекорга ҳалок бўлсам — давлат катта зарар кўради. Еки, ҳозир, мана шу бахтсизликдан кейин мени олиб бориб қамоққа тиксалар, нима бўлади? Ҳам менинг келажагим барбод бўлади, ҳам давлат зарар

кўради. Шундай экан, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган бу икки манфаатни ким ҳимоя қилиши керак?

Эчкиқоядан шаҳарга қайтаётганида ҳам, сўнгра бориб домино ўйнаётганларни ўзига «гувоҳ» қилиб олаётганида ҳам Лятиф ичида мана шу фикрни қатъий таъкидлар эди. У ўзини хаёлан шу қадар оқладики, унчамунча дилхираликдан ҳам халос бўлди.

Лятиф ойнали эшик олдида бир неча сония тўхтаб қолди. Оҳ, оҳ! Ишқилиб, кўз тегмасинда. Ҳозирча ишлари кўнгилдагидек кетяпти; бугун ким навбатчи бўлса ҳам ўз жойида кўринмади. Лятиф ўнг-сўнг бир қараб олди-да, тезлик билан ўзини ичкари урди. Даҳлизда ҳеч зог йўқ эди.

Косанов яшин тезлигида лифт эшигига ўтиб олди. Бир зум тўхтаб тургач, чўнтагидан хона калитини чиқариб ҳалқасига бармоғини ўтказди-да, уни айлантариб ўйнаган кўйи портъеннинг столи ёнига келди. Калитни столга атай жаранглатиб ташлади.

— Ҳой хўжайин, шу ердансиз ўзи? — дея бақирди. Калитлар илинган тахта олдидаги эшик тирқишидан мўйловнинг учи кўринди.

— Ҳой, ким бор? — деди Лятиф тугаб бораётган одамдек. Тузган планига кўра портъеннинг диққатини албатта жалб этиши лозим эди.

Эшик ортидан қўш мўйлови қўш супургини эсга соладиган чўлоқ чол оғзидаги овқатини кавшай-кавшай чиқиб келди.

— Мана бу-чи, отахон, саксон тўққизинчи хонанинг калити, — деди Лятиф. — Мен бир айланиб келаман, хотинни пойлай-пойлай тоқатим тоқ бўлди. Тоғ сайлига кетган эди, шу пайтгача дараги бўлмади.

Чол ўз ҳолича алланималарни мингирлаб, калитни «89» рақамли қозиққа илди, эринибгина курсига ўтирди, малол келаётганини яширмай, Лятифга тикилди. Йигитнинг назарида чол: «Яна нима гапинг бор, айтадиганингни тезроқ айтиб даф бўлақолсанг-чи», деётгандек эди.

— Ҳар ким ўзи истаганидек ҳордиқ чиқаради, тўғрими, отахон? — дея сўзида давом этди Лятиф, портъеннинг ғашига тегаётганини фаҳмлаб. Унга ҳозир худди шу нарса керак эди. — Биров тоққа чиқиб кетади, биров буфетга томоқ қўллагани боради, тўғрими, отахон? — у чолга қараб кўзини қисиб қўйди.

— Бошимни оғритмай борадиган жойингга боравермайсанми? — деди аччикланиб портъе, мўйлови титраб кетди. — Бир стакан сувга уч қошиқ спирт қўшиб, уч сўмга пуллашади, ўша савилни ҳам найча билан ичиш керак эмиш, туф-э! Дам олувчиларга кўрсатилган ҳурмат шуми?!

— Нимасини айтасиз, отахон! Мана буни олинг-да, менинг соғлигимга бир стакан

«Приморское» виносидан ичинг. — Лятиф тақ этказиб стол устига бир сўмлик танга ташлади. Чол қўлини шундай эпчиллик билан ишга солдики, кўз очиб юмгунча танга стол устидан ғойиб бўлди. Лятиф мамнун илжайди.

— Ҳа, дарвоқе, отахон, мабодо хотинбой келиб қолса, буфетга кетди, деб қўярсиз. Танисангиз керак, оқ шим кийиб юрадиган чиройли аёл бор-ку...

— Оқ шим кийган хотиндан кўпи борми бу ерда, ким кимнинг хотини эканлигини суриштириб ўтирибманми? — деб мингирлади чол. — Яхшиси калитингизни стол тортмасига олиб қўяман-да, сўраб келган аёлга бераман.

— О-о-о, бу гениал фикр. Келган заҳоти калитни қўлига тутқазиб, буфетга кетганимни айтинг. Кечикиб келгани учун бир оз койиб қўйсангиз ҳам бўлади. Хотин дегани вақтида қайтиши керак. Мен энди бора қолай, отахон, хўп, еганингиз ош бўлсин.

Лятиф япон зажигалкасини чирқ этказиб ёқди-да, ўчиб қолган сигаретини тутатди. «Мени ҳам ўзинг билан олиб кет...»ни ҳуштакда чалганча фойедан ўтиб, ойнабанд эшик олдида тўхтади. Чўнтагидан электрон соатини олиб билагига тақди. Соат учдан ўтган эди. Агар Ферузенинг жасадини топган бўлсалар Лятифни қидира бошлайдилар. Қидирсинлар, марҳамат, у шу ерда, буфетда коктейл ичиб ўтирибди. Понуштадан кейин ётиб ухлади. Хотини тоққа чиқиб кетган эди. Соат иккиларда уйғонди, ювиниб-тараниб ташқари чиқди. Дам олувчи бир йигит билан бир-икки стакандан вино ичди, бунини портъе ҳам кўрган эди. Кейин биллиард ўйнагани кирди. Буни у билан биллиард ўйнаган ўртоқлар тасдиқлаши мумкин. Бунга у билан буфетга борган йигит ҳам, «Шахтёр» ҳам, домино ўйнаб ўтирган бошқа йигитлар ҳам, портъе ҳам кафил бўла олади.

Мени ҳам ўзинг билан олиб кет-а-а,

Мени ҳам ўзинг билан олиб кет...

**Н. ШАҲРИ МИЛИЦИЯ БЎЛИМИНИНГ  
БОШЛИҒИГА ТАРИХ ФАНЛАРИ  
КАНДИДАТИ, ДАМ ОЛУВЧИ Л. М.  
КОСАНОВДАН**

#### АРИЗА

Шу йил, ўн саккизинчи июль куни хотиним Ферузе Желиловна Косанова кундузги соат бирлар атрофида, Ели бўйи тоғларини томоша қилиш мақсадида, бирга дам олиб турганимиз «Оқ булут» санаторийсининг бешинчи корпусидан чиқиб кетди ва куни бўйи қайтмади. Дастлаб мен бунга унча аҳамият бермадим, чунки биз (*яъни хотиним Ф. Ж. Косанова билан*) сайрга алоҳида-алоҳида чиқар эдик. Бу сафар ҳам сайр қилиш жонига тегса, ўзи қайтиб келар, деб ўйладим. Бироқ бу гал

хотиним Ф. Ж. Косанова кечки овқатга ҳам келмади. Мен қаттиқ ташвишлана бошладим, бироқ ўзимни тинчитишга уриндим: балки бирор танишини учратиб қолгандир, хотин киши-да, гап билан бўлиб вақт ўтганини билмай қолгандир, деб ўйладим. Дам олаётган таниш-билишлардан сўрадим. Кўрдим, деган одам топилмади. Кеч кирган сари мени ваҳима боса бошлади. Соат ўн иккидан ошганда мен ўзимни бутунлай йўқотиб қўйдим. Хотиним ҳануз қайтмаган эди. Санаторий яқинидаги милиция бўлимига хабар бердим. Оғзаки аризамни қабул қилган сержант А. П. Бондаренко: «Ташвишланманг, хотинингизни албатта топамиз, — деди. — Биз уни топмасак, у бизни топади. Эрталабгача сабр қилинг. Эҳтимол, ташвишланишга мутлақо асос йўқдир. Агар эрталабгача дараги чиқмаса, у қолда қидирув эълон қиламиз». Тонг отгунча мижджа қоқмадим. Хотинимни — уч ёшар қизчамнинг онасини кутдим. У келмади. Эртасига азондан яна милиция бўлимига югурдим, бироқ кечқурун менинг шикоятимни ёзиб олган ўртоқ Бондаренко навбатчилигини тугатиб, уйига кетган экан. Унинг ўрнига келган лейтенант А. П. Ефремовнинг эса ҳеч гапдан хабари йўқ эди. Мақсадимга тушунганидан кейин худди ўртоқ Бондаренкога ўхшаб, мени тинчлантиришга ҳаракат қилди. «Курорт ҳаёти... У-бу иш билан банд бўлиб қолгандир», деди. Бироқ, ўртоқ полковник, мен хотиним билан ўн икки йил бирга яшаганман. Унинг номусли аёл эканига заррача шубҳам йўқ. Агар бирон бахтсиз воқеа содир бўлмаса у албатта уйга, кечирасиз, санаторийга қайтиб келар эди. Шунинг учун ҳам бу ҳодисага эътибор билан қарашингизни, ташкилотингизда бундай ҳолларда қўлланиладиган барча тадбир ва чоралардан фойдаланишингизни ўтиниб сўрайман. Менга хотинимни, боламизга онасини топиб беришингизга умид қилиб,

Л. М. КОСАНОВ

**РАДИОГРАММА. Н. ОБЛАСТИ БЎИИЧА,  
БАРЧА МИЛИЦИЯ БЎЛИМЛАРИ  
ХОДИМЛАРИГА, КЎНГИЛЛИ ХАЛҚ  
ДРУЖИНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА**

Шу йил, 18 июлда ғойиб бўлган граждanka Ферузе Желиловна Косановани қидирув эълон қилинади. Косанова ўттиз бир ёшда, гўзал аёл. Ўрта бўйли, қўнғир сочлари узун, зангори кўзлари катта-катта. Оғзининг чап томонида олтин тиши бор. Оқ, хорижий жинси шим, яшил батник кийган. Унг қўлида тилла узуги, қўлда ясалган кумуш билагузуги, чап қўлида олтин «Заря» соати бор. Енида елим халтаси ҳам бўлиши керак.

Граждanka Косанова Ф. Ж. тоққа сайрга чиқиб кетган бўйи қайтмаган.

ТЕРГОВЧИ М. Ж. ДЗАСОХОВ ОЛИБ  
БОРГАН ТЕҚШИРУВ АНКЕТАСИДАН

«... ДЗАСОХОВ. — Лятиф Межитович, хотинингиз билан муносабатингиз қандай эди?

КОСАНОВ. Жуда иноқ яшардик. Беш йил давомида беш марта курортга бирга бордик. Бундай шароит пайдо бўлгунига қадар бир оз оёққа туриб олишимиз керак бўлди, албатта.

ДЗАСОХОВ. Лятиф Межитович, «Оёққа туриб олишимиз», дедингиз. Буни қандай тушунишимиз керак?

КОСАНОВ. Мен бу гапни моддий-иқтисодий маънода гапирдим. Илгари курортга бирга бориш учун бизда имкон йўқ эди.

ДЗАСОХОВ. Иккалангиз ҳам ўқиб, ҳам ишлар эдингиз, шундайми?

КОСАНОВ. Йўқ, мен бир ўзим ўқир эдим университетда. Уни тамомлаганимдан кейин кафедрада олиб қолишди. Илмий иш қилдим — диссертация ёза бошладим. Хуллас, вақт ҳам, пул ҳам йўқ эди.

ДЗАСОХОВ. Қизимиз бор, дедингиз, неча ёшда?

КОСАНОВ. Учга тўлди. Исми Ляле. Фамилиямиз бир.

ДЗАСОХОВ. Бошқа бола кўрмаганмидинглар?

КОСАНОВ. Кўришни ўзимиз истамаганмиз.

ДЗАСОХОВ. Нима сабабдан?

КОСАНОВ. Боя айтдим-ку, Мусабек Жонгирович, моддий жиҳатдан қийналар эдик! Кўрпага қараб оёқ узатганмиз.

ДЗАСОХОВ. Турар жой масаласи қандай?

КОСАНОВ. Шаҳар марказида, метро станцияси олдида икки хонали уйимиз бор. Торлик қилмайди. Шикоят қилсак уят бўлади.

ДЗАСОХОВ. Уй кимнинг номида?

КОСАНОВ. Ана, холос... Уй марҳуманинг номида эди. Хўш, бунинг нима аҳамияти бор?

ДЗАСОХОВ. Уйни хотинингизнинг ишхонаси берганми?

КОСАНОВ (елкасини қисиб). Йўқ. Кооператив уй олганмиз. Хотинимнинг ота-онаси олиб берган. Уй сотиб олишга ҳали ўзимизнинг қурбимиз етмайди.

ДЗАСОХОВ. Демак, хотинингизнинг ота-онаси моддий жиҳатдан бақувват бўлган, шундайми?

КОСАНОВ. Ҳар қалай, пуллари бор эди. Бироқ, ўзингизга маълумки, ҳозир кооператив уйларнинг нархи ошиб кетган, шунинг учун эски шаҳардаги ҳовли-жойларини сотиб, иккита кооператив уй — ўзларига бир хоналик, бизга икки хоналик олдилар.

ДЗАСОХОВ. Қайнота-қайнонанинг ҳаётми-лар?

КОСАНОВ. Қайнотам икки йил бурун вафот этди. Қайнонам ҳаёт.

ДЗАСОХОВ. Бир ўзи турадими?

КОСАНОВ. Бир ўзи. Ҳар икки уйни уч ёки

тўрт хонали битта уйга алмаштирайлик, деб кўп гапирдим, бироқ сўзимга ҳеч ким қулоқ солмади.

ДЗАСОХОВ. Нима учун?

КОСАНОВ. Биласизми, мен баъзи тоифа одамларнинг феълига ҳеч тушунолмаيمان. Ҳеч тил топишолмадик-топишолмадик-да.

ДЗАСОХОВ. Қандай... Қандай одамлар, дедингиз?

КОСАНОВ. Хотиним билан онасига ўхшаган одамларни айтаман-да. Мен ҳаётга реал қарайдиган, очиқ кўз билан яшайдиган одамман. Агар қайнонам ўлиб-нетиб қолса, нима бўлади, биласизми? Уй йўқолади.

ДЗАСОХОВ. Тушунарли, Шунинг хотинингиз билан онангиз... кечирасиз, қайнонанингизга тушунтирмадингизми? Варибир ўласиз, уйни у дунёга орқалаб кетолмайсиз, шундай экан, бутун бошли уйни қўлдан чиқариш ғирт аҳмоқлик бўлади, демадингизми?

КОСАНОВ. Дедим, очиқ гапирмасам ҳам, йўлини қилиб айтдим. Қаёқда! Қайнонам ҳам, марҳума ҳам инobatга олмади сўзимни. Шўрлик Ферузегинам...

ДЗАСОХОВ. Нега сиз хотинингизни яланг «марҳума», деб атайсиз, унинг ўлганига шунчалик ишончингиз комилми?

КОСАНОВ. Қилдан қийик ахтарманг, ўртоқ терговчи, ўтиниб сўрайман. Уни топиш учун қўлимдан келган ёрдамни беришга тайёрман. Фақат (у кўрсаткич бармоғини шифтга ўқталди) шуни унутмангки, Ферузе менинг суюкли хотиним, уч яшар қизимнинг онаси эди.

ДЗАСОХОВ. Ана, кўрдингизми, яна «эди», дедингиз. Нега энди сиз хотинингизнинг тирик эканига ишонмайсиз?

КОСАНОВ. Агар у тирик бўлганида мен ҳозир сизнинг олдингизда ўтирмай, денгиз бўйидаги қумда ором олиб ётган ё тўлқинлар қўйида ҳузур қилиб чўмилаётган бўлардим.

ДЗАСОХОВ. Тўғри-ку-я, бироқ... Майли, давом этамиз. Демак, Ферузе Желиловна онаси билан бирга туришни истамаган. Нима учун?

КОСАНОВ (бирмунча вақт пешанасини уқалаб, сукут сақлайди). Нима учун, дейсизми? Ўзим ҳам ҳайронман. Нима учун? Биз билан бирга турса кампирга анча енгил бўларди. Топсам-тутсам, бозор-ўчарни қилиб берсам, уларга яна нима керак? Шунга қарамай, хотиним бирга туришга ҳеч унамади.

ДЗАСОХОВ. Қизингиз боқчага қатнай-дими?

КОСАНОВ. Йўқ, унга бувиси қарайди.

ДЗАСОХОВ. Нега боқчага жойлаштирмадингиз?

КОСАНОВ. Биринчидан, боқчага болани жойлаштириш, ўзингизга маълумки, қийин масала. Иккинчидан, кампирнинг бир ўзи

зерикади, набираси билан гангир-гунгур қилиб, кунининг ўтганини билмайди.

ДЗАСОХОВ. Кампир сиз билан бирга турса унга ҳақиқатдан ҳам анча енгил бўлар экан. Қайнонанинг неча ёшда?

КОСАНОВ. Олтмиш тўққизда.

ДЗАСОХОВ. Анча кексайиб қолган экан. Соғлиги яхшими ишқилиб?

КОСАНОВ. Шу ёшда соғлиқ қандай бўларди дейсиз?! Чолидан кейин жудаям мункиллаб қолди. Кўпга бормас, деб қўрқаман. Ферузе воқеасини эшитса айниқса...

ДЗАСОХОВ. Қанча маош оласиз?

КОСАНОВ. Уч юз сўмча, агар илмий ишларим босилиб чиқса, у ҳам даромад.

ДЗАСОХОВ. Хотинингиз-чи?

КОСАНОВ. Ойлиги бир юз қирқ сўм... эди. Ойликдан ташқари ҳар кварталда мукофоти, ўн учинчи ойлиги бўларди. Ишқилиб, ойига икки юз, уч юз сўмга яқин пул олиб келарди.

ДЗАСОХОВ. Ойига беш юзга яқин... Емон эмас. Демак, кейинги пайтларда моддий томондан қийинчилик сезмагансизлар, тўғрими?

КОСАНОВ. Тўғри. Ҳали айтувдим-ку. Ҳамма нарсамиз етарли. Қийим-кечак масаласига келсак... ҳар қалай, модадан ортда қолмаймиз. Бултур яп-янги «Москвич» машинаси ҳам олдик.

ДЗАСОХОВ. Олтин тақинчоқ, гилам, мебель, биллур идишларингиз ҳам бордир?

КОСАНОВ. Кўп бўлмаса ҳам, бор.

ДЗАСОХОВ. Ўзингизнинг ота-онанинг борми?

КОСАНОВ. Шукр, иккиси ҳам саломат.

ДЗАСОХОВ. Қаерда туришади?

КОСАНОВ. Районда, қишлоқда, акам, укам билан бирга туришади.

ДЗАСОХОВ. Ишлайдиларми?

КОСАНОВ. Албатта. Онам касалмандрок, фақат уй ишлари билан машғул. Отам пенсия ёшига етган бўлса ҳам ҳануз колхозда боғбон. Акам билан укам механизатор.

ДЗАСОХОВ. Улар билан муносабатингиз қандай?

КОСАНОВ. Ўртоқ терговчи, ҳозирги ишимизга бунинг нима дахли бор?

ДЗАСОХОВ. Бизнинг ишимизга ҳамма нарсанинг дахли бўлади. Сўрадимми, демак билишим зарур. Сизнинг вазифангиз — саволга тўғри жавоб бериш.

КОСАНОВ. Мен ҳали ҳам ҳамма нарсани бўлганидек айтиб берайман. Отам, ака-укаларим билан алоқамиз ёмон эмас, лекин жуда яхши деб ҳам бўлмайди.

ДЗАСОХОВ. Нима учун?

КОСАНОВ. Савиямиз турлича. Дунёқарашларимиз тўғри келмайди. Аксар ҳолларда бир-биримизга тушунолмай қоламиз. Масалан, улар эски урф-одатларни хуш кўришади. Мен бўлсам динга ишонмайман.

ДЗАСОХОВ. Яна бир савол. Хотинингиз, бу... ҳалиги бегона эркак билан...

КОСАНОВ (унинг сўзини бўлиб) Буни хаёлингизга ҳам келтирманг.

ДЗАСОХОВ. Демак, бу масалада бировдан шубҳаланиш ўринсиз, шундайми?

КОСАНОВ. Ҳа, тамомила ўринсиз.

ДЗАСОХОВ. Бу сирнинг тагига биз албатта етамиз. Дам олиш муддатингиз қачон тугайди?

КОСАНОВ. Э-э, ўртоқ Дзасохов, бундан кейин менга дам олиш татирмиди?! Обдан чарчаганим учун отпускага чиққан эдим. Мана бу ҳодисадан кейин тинка-мадорим қуриб кетди. Иложини топсам, шу дақиқанинг ўзидаёқ уйга учиб кетар эдим.

ДЗАСОХОВ. Бирмунча муддат сабр қилишингизга тўғри келади. Текширув ишимиз бир ёқлик бўлмагунча бу ердан кетмаслингиз керак.

КОСАНОВ. Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Бироқ текширув жуда чўзилиб кетса-ю, пўтёвка муддати тамом бўлса мени санаторийдан...

ДЗАСОХОВ. Ташвишланманг. Сизга жой топиб берамиз.

КОСАНОВ (ҳовлиқиб). Жой? Қанақа жой?

ДЗАСОХОВ. (ҳамсуҳбатининг ҳовлиқиб кетганини сезмагандек), Шаҳримизда иккита меҳмонхона бор. Бирортасида яшаб турарсиз.

КОСАНОВ. Ундай бўлса, яхши. Хўп, яхши қолинг.

ДЗАСОХОВ. Яхши боринг. Лозим бўлса сизни яна чақиртирамиз.

КОСАНОВ. Хизматингизга ҳамиша тайёрман».

\* \* \*


Полковник столи тортмасидан оқ қоғозга ўралган пакет олиб Дзасоховнинг олдига қўйди. Терговчи ниҳоятда эҳтиёркорлик билан пакетни очди. Пакет ичидан икки томонига негр қўшиқчилари расми туширилган елим халта, пардоз қути, жигарранг портмоне, Ялта манзараси тасвирланган мис расм, бир қути қаҳва чиқди. У портмоне ичидаги пулни санаб кўрди.

— Уҳ-ў, уч юз ўн бир сўм. Шунча пулни ёнида олиб юришнинг унга нима ҳожати бор эди? Косанов нима дер экан?

— Биласиз-ку, Косанов ҳамма саволга мантиқли жавоб топиб беради. Бу сафар ҳам: «Хотиним дуч келган магазинга киришни, майда-чуйда олишни яхши кўрар эди. Тузукроқ нарса учраса дарҳол олар эди», дейди. Менимча, у тўғри айтади, — деди полковник қаҳва қутиси билан мис расмга ишора қилиб. Дзасохов нарсаларнинг эзилган жойларини бармоғи билан силаб қўйди.

— Қаерда эзилган экан-а?

— Экспертизанинг берган маълумотига



кўра, сумкача тошга ёки бошқа бир қаттиқ нарсага урилган. Ғоятда кучли зарб билан урилган. Эчкиқоянинг устидан туриб денгизга улоқтирилса шундай эзилиши мумкин. Утказган тажрибамиз ҳам шуни тасдиқлади. — Ундай бўлса кўрфаз атрофини, Эчкиқояни...

— Обдон текширдик, Шахсан ўзим ҳар бир сантиметригача қараб чиқдим. Косанов билан хотинининг нарсаларини итга ҳидлатиб кўрдик, бироқ у изга тушмади. Орадан анча мунча вақт ўтиб кетган бўлса керак. 18 июлда Эчкиқоя четидан катта бир тирсак узилиб пастга тушган. Диққатга сазовор бўладиган янгилик мана шу. Экспертлар тирсакнинг узилиб тушган вақтини ҳам аниқлаб бердилар. Бу воқеа ўн тўртдан йигирма икки дақиқа ўтганда содир бўлган экан. Ҳатто узилиб тушган тошни ҳам топдик. Сувда ётган экан. Косановнинг ғойиб бўлиши сабабини ахтироқ ўша тирсак маълум қиларди, бироқ... қани энди тошда тил бўлса!

— Демак, гап бундай, — дея Дзасохов курсисига жойлашиб ўтирди, портмонени қўлига олди, сўнг яна столга ташлади. — Косановнинг безорилар қўлига тушганлиги ҳақидаги фикр ҳам пуч бўлиб чиқди. Бордию унга ҳужум қилган бўлсалар шунча пулни ташлаб кетмасдилар.

— Биз бу ерда Косановнинг ўша куни қилган хатти-ҳаракатларини яна бир карра текшириб чиқдик. Соат ўн иккидан икки яримгача оқват маҳали. Бу орада Косанов нима иш билан машғул бўлди, бунга гувоҳ йўқ. У хотини билан бирга бўлиши ҳам, ўзи айтганидек, хонасида ухлаб ётиши ҳам мумкин эди. Ҳақиқатдан ҳам уларнинг ҳар бири ўз ҳолига юрадиган одатлари бор экан. Буни аниқладик. Домино ўйнаганларнинг, вахтёрнинг айтишига кўра, Косанов ҳаяжонли воқеани бошидан кечирган одамга мутлақо ўхшамаган. У ниҳоятда хотиржам, ҳатто хурсанд бўлган. Жиноят қилган одам ўзини шу даражада хотиржам тута олмайди. Бу шайтондан тарқалган улуг актёр эмас-ку!

— Топдингиз, ўртоқ полковник, топдингиз! У ҳаёт саҳнасида ўйнайдиган актёрлардан. Бундай одамлар жиноятга қўл урмасидан олдин ўз ҳаракатига фалсафий пойдевор қурадилар, шу билан ўзларини виждон азобидан халос қиладилар. Аслида ундайларда виждон азобининг ўзи бўлмайди. Чунки улар ақл билан яшайдилар.

— Гапингиз тўғри, бироқ сизнинг бу мулоҳазаларингизни ишига тиркаб бўлмайди.

— Шунчаки, миямга келган гапни айтдим-қўйдим-да. Бу ёғига Косановнинг думини қўйиб юборишдан бошқа чорамиз йўқ. Шунга қарамай, бу ишни ёпиб кета олмаймиз.

— Иложимиз қанча. Косановнинг тириги ёки ўлиги топилмагунча иш очиқ қолади. Ер ёрилиб, ичига кириб кетмагандир-ку, ахир! Калаванинг учи бир кунмас, бир кун топилиб қолар...

— Мен ҳам шу фикрдаман, ўртоқ полковник. Агар сиз қаршилиқ қилмасангиз, мен Косанов билан яна бир марта учрашсам. Бир инсон сифатида у мени жуда қизиқтирапти.

— Мен қаршилиқ қилармидим?! Марҳамат, чақиринг, гаплашинг — сизнинг ишингиз.

ДЗАСОХОВ. Утиринг, Лятиф Мажетович. Сизни нима учун чақиртирганимни биласизми?

КОСАНОВ. Билмайман, лекин сезиб турибман.

ДЗАСОХОВ. Зеҳнингизга балли, Лятиф Межитович. Сизгирлигингиз билан мени оғир вазиятдан қутқаряпсиз. Хотинингизни топиш учун кўп ҳаракат қилдик бироқ ишимиздан ҳеч натижа чиқмаяпти...

КОСАНОВ. Мусабек Жонгирович, қўйинг, юпатманг. Илтимос, менинг ниҳоятда мушкул аҳволда қолганимни тушунинг. Курортга хотиним, қизчамнинг онаси билан келиб ёлғиз ўзим қайтман. Инсон ҳаётида бундан ортиқ фожиа бўлиши мумкинми? Мен бу даҳшатли ҳақиқатни мурғак қизимга, шўрлик кампирга қандай тушунтираман?!

ДЗАСОХОВ. Қизи йўқ, деб энди кампирдан юз ўғирмасиз?

КОСАНОВ. Қўйсангиз-чи, нималар деяпсиз?! Кампирни кўчириб келтираман. Мен билан бирга яшайди. Вақт ўтиб, янги оила курсам ҳам бирга яшайверади.

ДЗАСОХОВ. Мана бу хотинингизнинг сумкасидан чиққан пул. Мана бу қоғозга қўл қўйиб пулни олишингиз мумкин. Истасангиз, мана бу пардоз қутини ҳам олинг.

КОСАНОВ. Раҳмат. Оламан. Арзимаган нарса бўлса ҳам, эсдалиқ учун оламан. Янглишмасам, сумкачада яна бошқа нарсалар ҳам бордек эди...

ДЗАСОХОВ. Расм билан қаҳва қутиси бизда қолади. Қаҳваси ҳам қолади, албатта. Уларни экспертизага берган эдик. Шунинг учун бизга керак бўлиб қолиши мумкин.

КОСАНОВ (*кескин ҳаракат билан терговчи томон ўгирилади, унинг кўзларига тикилади*) Нима... Ҳали бу ишни давом эттирмақчимисиз?

ДЗАСОХОВ. Албатта. Бутун бошли одам ер юзидан изсиз йўқолиши мумкин эмас. Бир жойдан изи чиқиб қолиши керак. Янги маълумотлар пайдо бўлиши билан сизга хабар берамиз.

Самолёт моторларини яхшилаб қиздирганидан кейин қулоқни қоматга келтириб бўқирди ва бетон майдонда югуриб кетди. Кўп

ўтмай ердан узилиб осмонга кўтарилди. Лятиф иллюминатор ойнасига юзини босганча пастдаги, орқада қолаётган ярим оролга қараб ўтирарди. Ана, тоғ тизмалари, бешикбешик тўлқинли денгиз. Уша ерда, қайсидир бурчакда Эчкиқоя номли хосиятсиз кўрфаз бор. Кўрфаз устида эса қоя, Шўрлик Ферузенинг бошига етган қоя. Уйнаб-кулиб турмуш кечириб келаётганларида бу бало қайдан келиб ёпишди?! Лятиф нима ҳам дерди. Пешанага битилгани шу экан. Бўладигани бўлиб, бўёги синди. Ҳалиги Дзасохов: «Ўлганнинг кетидан ўлиб бўлмайди» деб тўғри айтди. Ҳаётни бир оқимга солиб яшаш керак. Биринчи галда беш-ўн кишини чақириб, жаноза ўқитиш керак. Чол-камбир оёқ тираб олишса, ахир улар келинларини жуда яхши кўришарди-да, дуои фотиҳа ҳам ўқитади. Ҳозирги шароитда, айниқса, бу масала юзасидан улар билан ади-бади айтишиб бўлмайди. Шундай қилиб, Лятиф Косанов дафн маросимини қай тарзда ўтказиш кераклигини обдон ўйлаб, пишитиб қўйди. Эчкиқоядан бир халта майда тош териб олди. Ахир уларга Ферузенинг оёқлари теккан! Улар Феруза фожиасининг шоҳиди! Лятиф ўша тошчаларни дафн этади. Қабр устига эса мрамор тош қўяди. Акс ҳолда, катта-кичик: «Уни қаранг, хотинидан қанча дунё қолди-ю, у бўлса битта қабр тоши қўйишга ҳам ярамади», деб гапни чуватиши мумкин. Иккинчи муҳим масала, кампирни ўз олдига кўчириб келиш; ахир, шундай нақд уйни қўлдан чиқариш гуноҳи азимку. Уй жиҳозлари ҳам чакки эмас, гилам-палос дегандек. Эҳтимол, кампирнинг тилла тақинчоқлари ҳам бордир. Хўш, буларнинг барчаси кимга қолиши керак? Қизи бўлмаса, ўғли бўлмаса, албатта, ёлғиз набирасига қолади-да. Мана шу иқтисодий масалалар ҳал қилинганидан кейин уйланиш борасида ҳам ўйлаб кўриш мумкин бўлади. Хотиним ўлиб қолди, деб дунёдан тоқ ўтиш кулгили-да. Уйланиш, бу табиий ҳамда муҳим ижтимоий аҳамиятга молик вазифа. Лятиф Косановнинг бўлса ўн гулидан бири очилгани йўқ. Ҳали ярим умрини ҳам яшаган эмас. Нега бундай қилияпсан, деб ҳеч ким таъна қилмайди. Аксинча, ҳамма унинг ишини маъқуллайди. Чунки оилали одам — ишончли одам. Кафедрада Лятифга кўзини сузиб қарайдиган бир-иккита жононлар бор. Бироқ Лятиф уларга қиё боқмай юради. Чунки унинг хотини, боласи бор, кафедрада кўзга кўринган одам, қандай қилиб бачканалик қилсин. Фан кандидати Лятиф Косанов ахлоқи пок одам, ўз шаънига доғ тушишига асло йўл қўймайди, ўзини темир қолипда тутишни билади. Баъзан кўнглига шайтон ораляб: «Ундай қил, бундай қил», деб йўлдан урган кезларда ҳам, Лятиф ўз фикрида собит

қолган. Энди бўлса... Энди бутунлай бошқа масала. Ҳар томондан чирмаб турган иплар узилди. Энди у озод қуш. Шундай бўлишини ким ўйлабди дейсиз? Эндиликда Лятиф жононларни тарвуз танлагандек, чертиб-чертиб танлайди. Ҳусни ҳам, илми ҳам бўлиши лозим. Тан олиш керак, шўрлик Ферузе гўзал эди... бироқ сўлий бошлаган эди. Томоғида, кўзларининг атрофида ажин пайдо бўлган, қорни билан бели қатламага, бадани эса хамирға ўхшаб бўшашиб қолган эди. Маълумоти ҳам ўрта эди. Ҳозирги замонда уни маърифатли, деб бўлармиди?! Дўконларда, пештахталарнинг орқасида турган қизчаларнинг ҳаммаси ҳам ўнинчи синфни тамомлаган. Тўғри, бошида Ферузе, «Эрим ўқисин, у миялироқ, мен кейинроқ ўқирман», деб ишга кирган, Лятифга катта ёрдам қилган эди. Бунинкор этиб бўладими? Йўқ, Лятиф неқўрлардан эмас, у оқни — оқ, қорани — қора, дейди. Бироқ Ферузе қилган яхшиликлар ўтмишда қолди. Ҳаёт эса олдинга қараб кетяпти. Инсоннинг вазифаси яхшиликни ёдда сақлаб, яхшилик сайин интилишдир. Ферузе шу гапларни эшитганида албатта Лятифнинг фикрига қўшилар эди. Ҳаётга реал қараш керак — Ферузеда айни шу хислат ғоятда кучли эди. Шундай бўлса ҳам кўпинча янглишиб юрарди. Лятифнинг айтган гапини ҳам, қилган ишини ҳам кўпинча ёқтирмас эди. Ўзи билганча иш қиларди. Ҳар кимнинг феъли ҳар хил, бунга нима ҳам деб бўларди, дейсиз. Йўлда мушук боласими, ирkit кучукваччами, ишқилиб, тирик жонзот учратиб қолса, кўтариб келаварарди. «Вошингга урасанми бунин?» десанг: «Мўлтираб турган экан, раҳмим келди..», дерди. Хўп, майли, кўчадаги тирик жонзотга раҳми келибди, лекин шу тирик жонзот туфайли ўзимиз, боласими бирон юқумли касални орттириб олса нима бўлади, шунда унга кимнинг раҳми келади? Одам ўз ишига пишиқ бўлиши керак, акс ҳолда, аросатда қолиб кетади. Анави Дазохов... хаҳ, фамилияси нима эди? Уша доно: «Юрак амри билан яшанг» деган бўлди. Э, сендақа донишманддан ўргилдим! Миянг билан эмас, юрагинг билан ишлаганингда стилингни ушлаб қола олармидинг, а? Кетинга ўхшатиб тепки ердинги, маслаҳат-паслаҳат бериш у ёқда турсин, отангнинг исмини ҳам унутиб юборардинг. Ҳа, ҳаёт шунақа. Ўзинга сал эрк бердингми, дарров гарданингга мушт тушади. Шу билан кетдим, деявер, қайта оёққа туриш йўқ. Лятиф билан бирга университетни битирганлар орасида ҳам, бошқа институтларни битирганлар орасида ҳам талай тўқ ёнғоқлар бор эди. Бироқ улар қалбларини қамраб олган сентименталликдан қутулолмадилар, оғиз кўпиртириб вайсашдан ўзларини тия олмадилар. Хўш, ўша тўқ ёнғоқларнинг ҳоли нима



кечди? Али қаерда? Қаралезли-чи? Ҳар нарсага тумшугини тиқавермаганида Али ҳозир Лятифга ўхшаб фан кандидати эмас, балки фан доктори бўлар эди. Эҳтимол, унинг номини ҳозир бутун жаҳон билар эди. Эҳтимол, Эйнштейн, Капица, Кюрилар билан бир сафдан ўрин олган бўларди. Қаралезли-чи? У студентлик пайтлариданоқ инсон юрагини операция қилиш йўллари қидираётган эди. Бироқ у ҳам ўз истеъдодини ўзи бўғди. Ҳозир, худо билсин, қайсидир чўлда мол боқиб юргандир. Ҳа, аҳмоқ бўлмасанг, нега ҳамма: «Отим қора» деса, сен бир ўзинг «Оқ», дейсан? Тошингни териб юравермайсанми? Лятифнинг эшитишига кўра, Қаралезлининг ота-боболари ўтмишда оксуяклардан бўлган экан, бу ёғига нима дейсиз?! «Қазисан, қартасан, асли зотингга тортасан», деганлари рост экан-да, И-йў-қ, ўртоқ Дзасохов, унақаси кетмайди. Маслаҳатингиз — ўзингизга сийлов. Қандай яшаш кераклигини ўзимиз жуда яхши биламиз. Ким ҳақ, ким ноҳақ — келажак исботлаб беради. Ҳаёт деган нарса, биродар, жиддий гап. У билан ҳазиллашиб бўлмайди...

Баланд, ям-яшил тераклар соясига яширинган мўъжазгина қабристон. Қатор-қатор қабрлар. Ваъзиларига бўялган темирдан ясалган тош лавҳалар қўйилган. Айрим қабрлар тепасига ярим ой билан юлдуз расми туширилган.

Янги қазилган гўр тепасида бир тўда одам турибди. Ҳамма жиддий, қайгули. Шунга қарамай, шошма-шошарлик, қандайдир эҳтиётсизлик билан ҳаракат қилишмоқда. Бу ерда мурда ҳам, тобут ҳам йўқ. Нутқ сўзлаётган одамнинг олдида, янги кавланган тупроқ ююми устида оқ сурп тугунча. Тугунда Косанов Эчкиқоядан териб келган майда тошлар бор. Нутқ сўзлаётган эса Косановнинг ўзи. Одамлар дастлаб уни бу ниятидан қайтармоқчи ҳам бўлдилар. «Ота-боболаримиз одатида бундай гап бўлмаган, четдан қараганда хунук кўринади. Жуда кўнглинг тўлмаса беш-ўн кишини йиғиб, хотининг хотирасини ёд эт», деб маслаҳат беришди. Бироқ Лятиф ҳеч кимнинг сўзига кирмади. Айтганим-айтган, деб оёқ тираб олди. «Мен ҳам хотинимнинг хотирасини абадий сақлагим, ҳаммага ўхшаб, қабрда тинч ётганини тасаввур этгим келади. Вақти-вақти билан қизимни етаклаб келиб, қабрига гул ўтқазиб кетаман», деб ўз билга-

нидан қолмади. Мана, Косанов нутқ сўзламоқда, хотини билан видолашмоқда.

— Азиз дўстлар, ҳурматли ўртоқлар, марҳуманинг барча хислатларини санайман деса, бир кечаю бир кундуз камлик қилади. У ғоятда олийжаноб, пок виждонли, марҳаматли аёл эди. Кўчада учраган тиланчига беш-ўн танга бермасдан, йиғлаб турган болани овутмасдан кета олмас эди. Ишхонасида касаба союз комитети аъзоси сифатида ҳамкасабаларнинг ҳолидан хабар олар, тураржой, турмуш шароити билан қизиқар, керак бўлганда, ёрдам берар эди. Ҳамкасабалари ҳам уни жон-дилдан севардиллар. Уйга келиши билан пол ювар, овқат қилар, кир ювар, боласини овқатлантирар, ювинтириб-тарантириб ўрнига ётқизар эди. Қисқа қилиб айтганда, у оиламизнинг ҳам қони, ҳам жони эди, Ун икки қаватли бинода уни танимаган, билмаган кекса, касалманд одам йўқ. Ҳамманинг жонига ора кирарди. Бировга дори топиб берса, бировга пенсия қоғозларини тўғрилашда ёрдам қилар эди. Наҳотки бизни ташлаб кетганинг рост бўлса, Ферузегинам, кўзимнинг нури! Кекса, касал онангни, мурғак қизингни, сени жонидан ортиқ севган эрингни ташлаб кетдинг, бу фоний дунёда бизни етим қилиб кетдинг!

Косанов кескин ҳаракат билан икки кўлини кўкка кўтарди.

— Ох, Ферузегинам, бу дунёни тарк этганинга асло ишона олмайман, йўқ, сен ўлган эмассан, доим менинг юрагим...

— Ҳа, мен ўлган эмасман!

Лятиф жумласини ниҳоясига етказа олмади. Нафаси бўғзига тикилди, боши гир-гир айланиб, кўзлари қинидан чиқиб кетди.

Уzun оқ кўйлак кийган бир аёл тўпланганлар орасини ёриб, унга қараб келаверди.

— Ферузе... — дея пичирлади Косанов юрагини чангаллаб. — Сен... сен...

— Ҳа, мен, қўрқма, арвоҳ эмасман, — деди оқ кўйлакли аёл яна бир-икки одим олға ташлаб. — Мен, Ферузедан.

Лятиф қўллари билан юзини беркитганча орқага чекина бошлади.

— Нега қалтирайсан, суюкли ёрим? — дея сўради киноя билан Ферузе. — Қабрни тош билан тўлдириб, одамлар орасида хотиржамгина яшамоқчи эдинг, шундайми? Сал ҳовлиқиб кетмадингми, жонгинам? Менинг ўлган-ўлмаганимни аниқлаш учун бир оз сабринг етмадими? Энди бу бўш қабрга кимни қўйсак экан-а?

Косанов алланималар деб гўлдирар, ҳамон ортга тисарилар эди.



ШУХРАТ  
ХОШИМОВ

## КИЧИК ҲИКОЯЛАР

### ЎҚИЛМАГАН ХАТ



аммаси сен айтгандек бўлди. Бор-йўғи икки кунгина ётиб чиқдим. Биринчи кун жуда қўрқдим, операциядан олдин ваҳима босаверди. Шунда сўзларингни эслашга уриндим: «Фақат сен эмас-ку шундай қилаётган. Боламиз йўқ бўлса эканки, бунчалик куюнсанг». Юрагимга далда

берган нарса шу гап бўлди.

Касалхонадан чиққанимдан сўнг бир ҳафта ўтгач, «Айла-ниб келамиз», дединг. Қаршилиқ қилмадим. Машина серкатнов кўчалардан чиқиб шаҳардан ташқарига йўл олганда ҳам индамадим. Қаерга кетяпмиз, деб бир оғиз сўрамадим. Нега?.. Билмайсан!

Машина анчадан сўнг йўл четида тўхтади. Тушдик. «Қара, қандай ажойиб», дединг яна. Қўлларингни кўксингга қўйиб чуқур-чуқур нафас оларкансан, атрофга суқланиб қарардинг. Ваҳор қуёши, кенгликларда яйраб эсаётган шамол... Ярми ўрилиб, ярми нимпушти гуллаган бедазор...

Тинмай гапирар, хандон ташлаб кулар эдинг-у, лекин рухингдаги паришонлик яққол сезилиб турарди. Бу ерга мени

Расми О. АСОМОВ чизган

нима мақсадда олиб келганингни наҳот пайкамаган бўлсам?! Уйдан чиққан пайтимиздаёқ сезган эдим: дилимдаги ғашликни йўқотмоқчисан, қолаверса, ўзингни менинг олдимда оқламоқчисан, негаки сен таърифлаган «оддий операция»дан сўнг бу қадар афтодаҳол бўлиб қолишимни асло хаёлингга келтирмаган эдинг.

«Сенга нима бўлди?»

Минг қистагин, ўша пайтда айта олмасдим.

«Ҳеч нима!»

...Ушанда беда ғарами устида ўтириб, «Ҳаёт қандай ажойиб-а!», деган эҳтиросли сўзларингни трингларканман, бехос, уюлиб ётган ғарам орасида сон-саноқсиз, номлари менга номаълум бўлган майда-майда сарик, қизил, оқ, кўкимтир, бинафша рангдаги дала гулларига кўзим тушиб қолди. Қуёш ерни илитиши билан илк майсаларга қўшилиб шодланиб униб чиққан гуллар... Уларга кўзим тушдию юрагим увишиб кетди. Жажжи барглари сўлиган, ранглари сўник... Ғарамни оҳиста титкилаб кўрдим. Сезмадинг. Ғарам орасида ҳам шундай: оламга келганидан шодлана-шодлана, бетоқат очилгану бешафқат ўрилган беном гуллар...

Матонатли эканман. Ичимда кечган тўфону тошқинларни сенга заррача сездирмадим...

Қизил, оқ, кўкимтир, бинафшаранг гуллар...

Ҳозир, орадан анча вақт ўтгач, ўша кунги

ҳолатимни бир-бир эсласам бўлади. Ушанда, бирваракайига ёпирилиб келган шунча тасодифдан эсанкираб қолган эдим. Ҳозир аниқ эслаяпман: менимча, йиғлагим келди, йўқ, қичқиргим. Бутун дунёга эшитилгудек овозда қичқиргим келди... Балки, кимдир «Телба экан», деб қўярди, балки кимдир қўшилишиб қичқирарди. Лекин лабларимдан заиф бир шивир чиқди, холос.

«Нима дединг?..»

Шу саволгина ёнимда сен бор эканингни эслатди.

«Ҳеч нима!»

...Тавба, тагин мижжаларим намланибди. Энди йиғлаб юборишдан чўчимасам бўлади, чунки ёнимда сен йўқсан, тушуняпсанми, йўқсан!

«Шафқатсиз, маъносиз ўрилган гуллар...»

Биласанми, агар мен шоир бўлганимда, уларнинг ҳар бирига атаб дostonлар битар, ҳар бирига атаб нафис-нафис, хазин шеърлар ёзар эдим. Сатрларимда уларнинг хушбўй, қисқагина ҳаёти, жимжитгина ўлими, уларнинг азоби ва сўнгги ўйлари, кўрганда кўзларни яшнатган осмон билан қандай видолашгани ҳақида куйлардим!

Истагимни кўряпсанми, мен бари бир шоир ҳам, ёзувчи ҳам бўлолмайман. Чунки оддийгина хатни ҳам эплаб ёзолмадим. Бўлмаса, сенга ўқишга берар эдим. Қўрқаман, балки тушунарсан, балки...

## ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДА

Алло, алло... эшитяпсизми? Яхши, яхши эшитилияпти. Қутлуг бўлсин! Янги йилингиз қутлуг бўлсин, даяпман. Ҳа, раҳмат, раҳмат. Сизга ҳам яхшилик, бахт олиб келган бўлсин! Раҳмат...Нега?.. Йўқ! Музика овозини эшитмаяпсизми? Телевизор... демак, бир программани томоша қилаётган эканмиз-да... Ўзингиз-чи? Йўқ, аввал сиз айтинг. Йўқ, бир ўзиммас, оилам даврасида... чин сўзим, ишонмайсизми? Рост... Сиз ҳам... Кўпчиликмиз, дейсизми? Нега бўлмаса музикадан бўлак ҳеч нарса эшитилмаяпти?.. Ростдан-а, ухлаб қолишдими? Сиз-чи, ичмадингизми? «Ичдим?..» Нега ҳиди келмаяпти? Елғон, алдай олмадингиз! Бўлмаса, телевизорнинг овозини баландлатиб қўйинг. О, жуда ботир экансиз-у!.. Рашк қилмайди... Менимча, башарти бир-биримизни танимас эканмиз, ҳеч қандай мантиқ йўқ алдашдан: мен кимман — сиз ким... А? Албатта, шунинг учун пичирлаб гапиришнинг ҳожати йўқ, дейман. Ҳа, бир ўзимман, худди сиздек якка... ҳаётимда илк марта ёлғиз... Йўқ, таклиф қилишди. Ўзим

истамадим... Дастурхон безатиб тайёргарлик кўрдим. Йўқ, ҳеч ким келмоқчи эмас эди, биласизми, ҳеч қачон уйда янги йил кутмаган эдим, шунинг учун... Йўқ, йўқ, фақат кимдир мени йўқлаб келишини истадим... ҳа, ҳеч ким келмади. Керак бўлмай қолибман... ҳеч кимга... Шу бугун ёлғизлик нима эканини жуда қаттиқ ҳис этдим. Бутун шаҳар, бутун дунёда якка ўзим қолиб кетгандек туюлди. Бу даҳшатдан ким бўлса ҳам майли, фақат инсон овози халос этиши мумкинлигини фаҳмладим. Йўқ, мени тўғри тушунинг. Аввал бундай қилдим: кўзимни чирт юндиму олтта рақамни тердим... Кулманг!.. Сиз ёса дарров жавоб қайтардингиз. «Кутган эдим», дейсизми? Йўғ-эй, бунчаликмасдир... Қизиг-а, ҳозир жамики хонадонларда тантана, ҳамма байрам кутиш арафасида. Фақат биз... Нега, одам бир ўзи кутиши мумкин эмасми? Нимаики зарур бўлса — муҳайё. Кўряпсизми?.. Албатта. Бироқ бу байрам кўпчилик билан нишонландиган байрам. Шунинг учун ёлғизлик ҳаммадан ҳам бугун сезилар экан... Эшитяпман... Нима?



Кураша билиш керак?.. Одам табиати қизиқ-да, мушкул аҳволга тушиб қолса дарров йўл ахтаради. Топила қолса майли-я. Тўғри... барибир топдим-ку... Кечиринг, кайфиятингизни бузмоқчи эмасдим. Йўқ, ундай деманг... Мана, янги йилнинг кириб келганига уч соатдан ошди. Биласизми, ўн иккидан сўнг кўзим телефонда бўлди. Ҳа, кўтардим. Кимнидир эсига келарман, кимдир бир оғиз йўқлар, деб ўйлаган эдим. Лекин ҳар сафаргидек, уйда йўқ, деб ўйлашган... Билмадим, кимдир менга ўхшаб телефонга кўз тикиб ўтирган бўлиши мумкинлиги, негадир хаёлимга келмаган эди. Олам байрам либосида, чехраларда кулгу, севинч, муҳаббат... Уларнинг қувончини бузишга ҳаққим йўқ, деб ўйладим. Лекин бўлмади, ҳеч бўлмаса, байрам кайфиятидаги одамларнинг бахтиёр овозларини эшитгим келди. Ким бўлишидан қатъий назар — танийманми, йўқми, фақат товушини эшитсам бас. Ҳувиллаган хонамнинг жимжитлигини бузсам бўлгани...

Алло, алло, нега жим қолдингиз? Таъбингизни хира қилдимми дейман-а? Шундай шодлик кунда.. Биласизми... менимча, бунинг қизиғи бўлмаса керак. Мен ҳам сўрамаётибман-ку ҳаётингиз ҳақида, яхшиси, байрам кайфиятимизни бузмайлик... Ана, ташқарида қор ёғпти... Албатта... Йўқ, ундай деманг!.. А?.. Очигини айтганда... ҳеч ким йўқ. Бир ўзимман, деяпман... Ҳа, бир маҳаллар орзу қилганимдек. Мутлақо, ҳеч ким! Истаган еримга боришим, истаган ишимни қилишим мумкин. Тергайдиган одамнинг бўлмагандан кейин... Ешлигимдан шундай орзу қилардим: зўр мебеллар билан жиҳозланган уйинг бўлса... албатта... «Омонат кассада пулинг», дейсизми? Нима, мазах қиялпсизми?.. Хўш, нима бўпти? Пулинг бўлса... Шошманг, гапимни бўлмай туринг!.. Йўқ!.. Айтяпман-ку, бугунги кунда ўша ёшлиқдаги орзуимнинг барчасига эришдим, ҳа, барчасига... Ҳатто... оромимни бузмасин, деб бола кўрмадим, истамадим... Албатта ёш эмасман. Ўттиз беш... умрнинг ярми ўтиб бўлди... ёшлиқ ҳам... Турмушгами? Йигирмада. Севиб, албатта... Ҳозир ҳеч ким учрашмай, танишмай туриб турмуш қурмайди-ку.. Ким билсин, балки, ўшанда... бугунги ақлим бўлганда, ярим тундаги бу қўнғироқ сизни безовта қилмасмиди... Агар оилада одамийлик муносабатлари узилса, кўнгилдан осойишталик йўқола бошларкану кейин ҳеч нарса қолмас экан: на қўрқув, на ишонч, на умид, на илинж...

У инженер эди. Унча кўпмас, бир йилча турдик. Ҳа, яхши кўрар эдик. Биринчи жанжалимиз... «Ёшлиқ ўйин-кулгига берилган, шошилмай турайлик, ҳали уй бекаси бўлиб, қозон-товоғу бола-чақанинг

йўргагига кўмиладиган пайт ҳам келиб қолар...», дедим. У мени тушунишни истамади. Мен эса гапимда қатъий туриб олдим. Кейин билсам, тақдиримга ўша куни муҳр босган эканман... Муҳр, дейман... Ҳа, ўша кундан сўнг қайтиб бу мавзуда сўз очмади. Бу орада бир куни «Тоққа чиқайлик», дедим, шанба эди... Индамади. На «ҳа», на... Гўё мен гапирмадим, у эшитмади... Шу кундан бошлаб сўнгги умидим сўна бошлади. Якунловчи жанжал...

Уч ойдан сўнг бизни суд... Ким билсин, ҳозир сиз ўйлаётган сабр, қаноат... балки иккаламизда ҳам етишмагандир... Мен... қизиқ, эҳтимол, сиз ҳам кулаётгандирсиз? Мен... исботламоқчи бўлдим. Ҳа, инсон ўз тақдирини ўзи қуриши, бу иш фақат ўз қўлида эканини исботламоқчи эдим. Бу сўзнинг асл моҳиятини тушунмай... исботладим. Ҳа! Яқин одамларимдан жудо бўлиш эвазига ўз тақдиримга ўзим эга бўлдим. Кейин турмушга чиқмоқчи бўлдим-у, ўйлаб қарасам, куйиб-пишиб кимнидир севишдан, унинг қош-қовоғига қараб кун кўришдан нима фойда? Биров сени севгани, сени деб куйиб юргани яхшимасми? Кўнглингда муҳаббат бўлмагандан кейин бари бир эмасми? Биров кўрса ҳавас қилгудек уй-жойинг бўлса, кийиминг бут, қорнинг тўқ; энг кераги — озодсан. Инсонга яна нима

зарур? Ахир одамзот ўзига-ўзи қонун, тартиб-қоида яратиб, ўзи шуларнинг қули бўлиб қолмайдими?..

Мана шундай!.. Шу фикр билан ўн тўрт йил яшадим, ўн тўрт йил.. Бироқ кейинги бир йил бутун умр билан баробар бўлди, келажак ҳаётимни ўйлаб юрагим орқамга тортиб кетди. Елғизлик энди мени овунтирмай, аксинча таҳликага сола бошлади...

Алло, алло, нега индамаяпсиз? «Ўйлаб кетдим?.. Ҳаётингизними?.. Нима, ўхшашлик жойи бор эканми? Ростдан-а? Раҳмат, раҳмат сизга. Ҳар қалай, ёлғондан бўлса ҳам, «Қўй, ўксима, мен ҳам сен каби адашганман, дардингни тушунаман», дедингиз. Шуни ўзи катта гап. Мени умрбод ҳеч кимса тушунмаса керак, деб ўйлар эдим.

Қаранг, тонг ҳам отибди. Янги йилнинг биринчи кечаси ҳам ўтди. Унутилмас бўлиб ўтди. Раҳмат сизга. Истардимки, янги йил сизга бахт, қувонч ва шодлик олиб келган бўлсин. Уйқудан қолдириб вақтингизни олганим учун узр. Миннатдорчилигимни... билмайман, қандай изҳор этсам экан... Хуллас, катта раҳмат, саломат бўлинг!

У трубкани қўйиб, креслога ҳорғин чўқди. Тунги суҳбатлар кишини тез толиқтиради. Қолаверса, одамнинг ўзи билан ўзи тун бўйи гаплашиб чиқиши ҳам осон эмас-да!

## ФИРРОМ УЙИН

- Мен «онаси» бўламан.
- Мен — ўғли».
- Мен яна «келини» бўламанми?
- Сен кичкинасан-да.
- Ҳозир ишдан келган бўламан-да. «Ойим қанилар?», деб сўрайман.
- «Қайдам...»
- Йўқ, сен «Уйдалар» дегин!
- Шу ерданман, «ўғлим».
- Бу нима, қоғоздаги?
- Сизларга кўйлак.
- Вуй, қандай чиройли!..
- Буниси меники.
- Сиз «қарисиз-у...»
- Нима, «қари» бўлсам хунуги менга эканми?
- Дарров жанжал чиқарманглар, ўйин энди бошланяпти-ку.
- Сен эса, «Ол-а, ол хотинингни ёнини!», дегин!
- Шундай дейди-да, «ойимлар»-ку.
- Йўқ, мен бундай дейман: «Керакмас!»
- Унда, мен аразлайман.
- Нима қилай, аразлайвер!
- Бирпас ўйнай, дарров аразлайманми?

- Вой ... чой йўғ-у?..
- Чанқадингми?
- Йўқ, ҳали «маст бўлиши»га нимани ичаман?
- Кўчада «ичган» бўлақол.
- Йўқ, жаҳлим чиққанини сизларга кўрсатиб уйда «ичаман».
- Унда, мени «урасан»ми?
- Бу сафар «урмайди»-да.
- Бўлмаса, сўкамани, уят-ку?
- Овозингни чиқармай пичирлаб сўқақол.
- Ҳо, боғча опамларга айтмайсизларми?
- Йўқ. Кейин-чи, чўнтагингдан кинони иккита билети чиқиб қолади, тушундингми?
- «Билет»ни қаердан оламиз?
- Мана.
- Қоғоз-ку!
- Бизлар қайси кинони кўрган бўламиз?
- Жинни, сен бу биланмас, бошқаси билан тушган бўласан, билдинг?
- Мен ҳам бораман.
- Йўқ, сен «йиғлайсан».
- Шунда олиб тушадими?
- Э, жинни...
- Керакмас, мен ҳам кино кўраман.

— Йўғ-эй, сен индамайсан, тушундинг, гаплашмайсан.

— «Ойи», сен бўлсанг мени уришасан, хўп?

— Нега? «Осмон узилиб ерга тушибди-ми?», дейман.

— Нима, мен жим ўтиравераманми?

— Ҳм, индамай қўғирчоғингни ўйнайвер.

— Ҳо-о, мен ҳам гаплашай-да.

— Гаплашасан, барибир гаплашасан, олдин қовоғингни солиб юр!

— Қаранглар, мана шунақами?

— Ҳм...

— Бўпти, келинлар, энди «овқатланамиз».

— Мен «емайман».

— Нега, «ойи?»

— «Шўр» бўлибди.

— Кам солувдим-ку... тузни...

— Унда, мен ҳам емайман.

— Йиғиштириб олиб кетайми, ҳеч ким емайдами?

— Ўзинг е!

— Чой қўяйми бўлмаса?

— «Ойи», ичасанми?.. Ана, кўрдингми, ҳеч ким ичмайди.

— «Жаҳлимиз чиқди».

— Бўлди, гаплашма биз билан!

— Хохламайман, иккаланглар бир бўлиб нукул уришасизлар, керакмас, керакмас!

— Нукул энди ўйин бошланганда фирромлик қилади-я шу?

— Э, доим сизлар аразлайверасизларми, мен ҳам аразлай-да.

— Нега аразлайсан, вой?

— Бор-эй, дарров йиғлайди. Бунақа қилсанг, сен билан ҳеч қачон ўйнамаймиз.

— Гаплашмаймиз ҳам, билдинг?

— Йўқ... Йўқ...

— Тур-эй, фирромчи!

— Керакмас...

— Йиғлайвер... ҳм, додла!

— Керакмас, керакмас...



## Айтилмаган «Севаман» сўзи

Кўзларингда тубсиз заигорлик  
Қийнар қушдек безовта жонни.  
Лоқайдгина ерга бир қараб.  
Сен яширдинг икки осмонни.  
Бир вақtlари порлоқ бу осмон  
Сачратганди юлдуз-юлдуз чўғ.  
Жовдирайди кўксимдаги қуш —  
Учмоқ истар... осмонлари йўқ.

\* \* \*

Туйгуларим висол пайтида  
Жуфт юракка туғён солдилар.  
Айрилиққа дуч келиб энди.  
Бирдан ювош тортиб қолдилар.  
Уларга куч берганди меҳринг,  
Лоқайдлигинг балки ўлдиран.  
Оху бўлиб қолган арслонлар  
Юрагимдан сенга мўлтиран.

\* \* \*

Наҳот шунча мукамал бўлса  
Фариштамас, оддий бир одам,  
Сўзинг — ёниқ булбулларники,  
Сўзинг — бошдан оёқ тиллодан.  
Бу дийдорга тўйиб бўлмайд  
Шеърлар ёзиб, торларни чертиб.  
Юригимга жо қилай энди.  
Кўзларимда сени эритиб.

\* \* \*

Кел, яхшиси, севгимдан ҳайиқ,  
Бир умр бўл мендан эҳтиёт,

## МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМОВ



Яширмайман, мен бахтга лойиқ,  
Лекин... лекин сен бахтдан зиёд.  
Такрорланмас, энг авж пардасан  
Қилар бўлсам ўртаниб наво.  
Сен шу қадар юксаклардасан,  
Ўзимга ҳам кўрмайман раво...

\* \* \*

Емғир маҳзун-маҳзун ёғади,  
Ҳар бир томчи дилга ташлар нур.  
Нимқоронгу, ҳазин айёмда  
Нурафшон бир суҳбат бошланур.  
Теграмдами ё хотирамда  
Уйғонади шивир-шивирлар.  
Ёғаетган ёмғир эмас, йўқ,  
Ёғаетган саноқсиз сирлар.  
Дийдорингга чанқоқ юрагим  
Бу сирларни бир-бир теради.  
Унутилар борлиқ...  
Сен ёққа  
Кетиб қолгим келаверади.

\* \* \*

Сени соғинганим, севганим каби  
Соғинади бармоқлар торни.  
Соғинади қушчани осмон,  
Соғинади дарахт баҳорни.  
Меҳрибоним!.. Шафқат қил ўзинг...  
Шунда тагин титрай бошлар тор.  
Қушча учиб чиқар осмонга,  
Гуллатади дарахтни баҳор.



ШОКИРАЛИ  
НУРАЛИЕВ

## «ҚОҒОЗ ГУЛЛАР» САБОҒИ

Бир ҳикоя баҳонасида баҳс:  
курашчан қаҳрамон ҳақида ўйлар



лар аввал дўст эдилар. Кейин Сайдазим ўз йўлидан, Омон ўз йўлидан кетди. Энди бу йўллар адоғига етай деб қолганда, сарҳисоб қилиб кўрилса ҳам бўлади: ким умрини қандай яшадию нималарга эришди?

Сайдазимнинг ҳаёт принципи аниқ эди: «Кўчанинг ўртасида кўкрагини кериб юрмаган йигит йигитми? Бўйнида иллоти бор одамгина бўғотнинг тагида елкасини қисиб юради. Бўғотнинг тагида юришдан худонинг ўзи асрасин!»

Унинг учун ўрта йўл йўқ, илимилиқликни ёмон кўради: «Е деворнинг у ёғига ўтинг, ё бу ёғига! Е имонсиз бўлинг, ё имонли».

У бу принципига умр бўйи амал қилди. Ҳақиқат, адолат учун курашиб яшади. Курашдан ҳануз совугани йўқ. Саккиз боланинг отаси экани, турмуш ташвишлари бошидан ошиб ётгани, кексалик устига яна касалманд ҳам бўлишига қарамасдан, ҳозир ҳам совхоздаги аллақандай бир ноҳақликни фош этиш учун жанжал кўзгаб юрибди. Бундай фидойилик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Елкасига рўзгор халтаси тушгунча курашчи бўлганлар камми?!

Хуллас, Сайдазим умрини ибратли яшади, деб

айтишга ҳамма асослар бордек. Борликка-кў бор-а, лекин ҳукм чиқаришга шовмайлик. Ҳали саволимизнинг иккинчи қисми турибди: у курашиб яшади, хўп, бу яхши. Аммо курашиб нималарга эришди? Аини саволни аниқлаштириб олишга тўғри келади. Давримизда ҳақиқат учун кураш жамиятимиз барқарорлиги, унинг камоли учун курашдир. Хўш, Сайдаз аканинг бу курашидан, ундаги ажойиб фазилатлардан жамиятга нима наф келди? Наф келди, албатта. У умр бўйи ҳалол меҳнат қилди. Бу ҳам наф. Қолаверса, қинғирликни кўрса, тоқат қилолмайди бу киши умри давомида кўпгина ноҳақликларни ҳам фош этгандир. Бу ҳам наф. Бироқ у жамиятга ҳозир қўшганидан кўра, кўпроқ ҳисса қўшиши мумкин эмасмиди? Ахир, у ҳаммани танг қолдирадиган даражада истеъдодли эди. Яна математика соҳасида! Математика эса, Омон Ғаниевич айтмоқчи, шафтолиқоқи эмас! Бу соҳада чинакам истеъдодлар ҳар куни тугилавермайди. Айниқса, фан-техника революцияси кечаётган ҳозирги пайтда Сайдаз акадаги бу истеъдод қанчадан-қанча самаралар бериши мумкин эди! Афсуски, йўқ ўша самаралар: «Сайдаз тимсолида фан улуг бир олимдан жудо бўлди».

Фан-ку Сайдаз акадан ҳеч нарса топмабди. Хўш, унинг ўзи-чи? Хотини, саккиз фарзанди ундан нима топишди: бемаҳал қариган эр, касалманд отаними? Қишлоқда унинг ҳурмат-этибори қанчалик? Айтиш мумкинки, ҳеч қанча! Бир пайтлар «дилтортар» бўлган дўстлари ҳам ҳозир уни ёқтиришмайди, «феъли маълум-ку», дейишади. Биз ибрат бўларли деб билган, ҳурмат қилган киши охир-оқибатда топган натижа мана шу. Бу эса... фожиа эмасми?!

Дуруст, Сайдаз аканинг ўзи бу аҳволни асло фожиа деб билмайди. Умридан рози. У билан ҳатто фахрланади ҳам. Лекин биз нима деймиз? Жамият ишига бел боғлаган ҳар бир киши бу масалага муносабатини аниқламасдан, ўзи учун тегишли хулосалар чиқармасдан туриб, илгарилай олмайди.

Бошқалар фурсати билан ўз муносабатларини билдиришар. Биз эса бу ҳолни фожиа, деб атаймиз. Модомики, ҳаммани танг қолдирадиган истеъдод ҳаммани танг қолдирарли натижалар бермаган экан; умрини жамият манфаатлари йўлида адолат, ҳақиқат учун курашиб ўтказган киши, охир оқибатда, одамлар назаридан қолган экан, бу — бизнингча, фожиадир. Ҳар қалай, бу ерда бир камчилик бор. Нима ўша камчилик? Қандай камчилик? Гапни айлангирмай, очигини айтиб кўяқолайлик: камчилик



Сайдаз аканинг ўзида! Гап шундаки, у математика бобида қай даражада қобилиятли бўлса, кураш бобида шу қадар ноқобилдир.

Биз ҳикоядан Сайдаз аканинг доимо «аллақандай жанжаллар кўзгаб, доимо нима балонидир талашиб», яъни, айтайлик, курашиб юрганини биламиз. Ҳикоя ўз номи билан ҳикоя, албатта. Унда бу жанжалу талашларнинг ҳамма тафсилотларини тасвирлаб бўлмайди. Лекин Сайдаз аканинг кураш бобидаги ноқобиллиги, тўғрироғи, ноқобил кураш услубини билиш учун ректорга «маслаҳат бергани кириши» воқеасини кузатишнинг ўзиёқ кифоя. У курашни, фақат ҳужум қилишдан иборат, деб билади. Тактикани эса яъни, куч тўплаш, кучлар нисбатини тўғри фаҳмлаб олиш, ҳужум учун қулай фурсатни аниқ белгилаш, зарурат туғилганда чекина билиш, бунда муҳимдан номуҳимни фарқлаш, номуҳимни қурбон бериб бўлса ҳам, муҳимни сақлаб қолиш санъатини назар-писанд қилмайди. Бу санъат унга пассивликдек, «бўғотнинг тагида елка қисиб юришдек» туюлади. Эътибор беринг-а: у институтда саводсиз, ахлоқсиз домлалар борлигидан огоҳ бўлиб қолди ва шу заҳоти тўхтовсиз ҳужумга ўтди. На биров билан маслаҳатлашди, на бир тузукроқ далил-дастак топди, на ўзига фикрдош-ҳимоядош излади. Айтиш мумкинки, ҳеч қандай тай-ёргарликсиз, яна арз, шикоят қилиб ҳам эмас, ректорнинг олдига тўғридан-тўғри «палончи-пистончиларни ҳайданг», деб кирди. Бундай шароитда, у ректорда аввал ақлдан озган кишидек, кейин эса фикри-фасодчидек таассурот қолдириши табиий эди. Шундай таассурот қолдирди ҳам. Бу ҳаракати билан Сайдаз кураш бобида ноқобиллигини бир карра кўрсатди. Ректор унга: «Кимсан ўзинг? Иккинчи бунақа фикри фасод билан бошимни қотирма! Ўқигани келган бўлсанг, ўқишингни бил!», деб ўшқирди. Бу, айни ҳолатда, энг тўғри маслаҳат эди. Лекин Сайдаз шундан кейин ҳам ҳушини йиғиб олмади. Ҳужумда давом этди. Ректорни қишлоқчасига, тўғрироғи, чапаничасига сўқди. Бу ҳаракати билан ноқобиллигини иккинчи карра кўрсатди. Дўстининг кечирим сўраш ҳақидаги маслаҳатига кўнмади. Ўқишни ташлаб кетди, бунинг устига, математика билан мустақил равишда бўлса ҳам шуғулланмасдан, ноқобиллигини яна бир карра кўрсатди. У муҳимни — яъни, куч тўплаш, вақти келиб, бу саводсиз, ахлоқсиз домлаларга қарши ҳақиқий ҳужумга ўтиш имкониятини бой берди. Аксинча, номуҳимни, яъни ўзининг чапанича иззат-нафсини сақлаб қолишни афзал кўрди. Ҳарбий тил билан айтганда, позицияни ўша саводсиз, ахлоқсиз домлаларга қолдириб кетди.

Бу усулдаги курашнинг бошқа жанжалу талашлари қандай кечганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай курашчилар ҳеч қачон биров бир арзирли муваффақиятга эришолмайдилар. Ўз курашлари билан жамиятга арзирли

бойда келтиролмаганликлари устига, ўзларини бошқага ёмон кўрсатиб, бевақт қариганликлари қолади, холос. Улар тез орада, ҳақиқат йўқ, деб рўпара келганга нолувчи, йиғлоқи кишиларга, тоза ва лойқа сувни ҳам аралашига булғовчи, амалда ўша саводсиз, ахлоқсиз домлалар — қора типлар билан бир сафга туриб қоладилар.

Диққат билан қарасангиз, Сайдаз ҳам шундай типга айланиб қолганини кўрасиз. Шунча истеъдод билан, олим бўлолмай қолганини сабабини сўраб кўринг. У кулиб, «ит билан ҳам чиқишолмайдиган феълим» сабаб, деб кўрсатади. Хўш, бу ўзининг барча кўргиликларига ўжар феъли сабаб эканига иқрорими? Агар иқрори бўлса, нега бу гапни афсус билан эмас, кулиб айтяпти? Ҳа, кулиб айтяпти. Сизга, менга, бошқаларга кесатяпти. Феълим ит билан чиқишолмайдиган, яъни бировни ака, бировни ука деб иш битирадиган — виждонсиз бўлганимда мен ҳам катта олим бўлиб кетардим. Лекин мен ундай имонимни ютган эмасман. Бўғотнинг тагида елка қисиб юрмай, оқни оқ, қорани қора, дейман. Тўғри гапираман. Аммо тўғри гапириб тукқанингга ёқмайсан бу дунёда киши. Майли, мен бундан ўксимаيمان, фахрланаман. Виждоним олдида покман, демоқчи.

Шундай қилиб, Сайдаз ака оқни оқ, қорани қорага ажратаман, дейди-ю, амалда иккаласини қориштириб юборади. Олий мартабаларга бўғот тагидан юриб эришганлар ва кўчанинг ўртасидан юриб эришганларнинг ҳам юзига бирдек қора чаплайди.

Эҳтимол, битта «кулги»га шунча маъно юклаш, ошириб юборишдек туюлар. Унда, мана бу «найза»га нима дейсиз?

«Сайдаз тимсолида фан улуг бир олимдан жудо бўлганини Омон биларди. Бир кун унга фикрини айтди ҳам. «Ҳечқиси йўқ,— деди Сайдаз парвойи фалак ва шу заҳоти яна найзасини санчди: — Аксинча, жуда яхши: сен ҳам, мен ҳам профессор бўлсак, орамизда фарқ қолармиди?»

Гап маъзини чақиб кўринг-чи, бу билан нима демоқчи у? Демоқчиси, профессор бўлишнинг йўли фақат битта: бўғотнинг тагида елка қисиб юриш. Биздақа ҳақиқатчилар профессор бўладиган замон ҳали келгани йўқ. Чунки, ҳақиқатнинг ўзи йўқ. Ҳақиқат осмонда, нарвони червонда!

Сайдаз ана шундай демоқчи. Ваҳоланки, биз биламизки, ҳақиқат бор. Фақат, у ҳали тўла қарор топганича йўқ. Гап уни тўла қарор топтириш устида кетаётган экан, пассив курашчилар билан бўлмаганидек, ўта актив — яъни, чапани курашчилар билан ҳам, ҳақиқатни тўла қарор топтириб бўлмайди. Сайдаз шу қадар чапани, шу қадар фикр-мулоҳазасизки, бегона у ёқда турсин, энг яқин дўсти Омон Ғаниевич билан, сурбет, мансабпараст лати-

повлар ўртасидаги фарқни ҳам билмайди. Буни умр бўйи ҳам билмай, сезмай ўтпти.

Шошманг, Омон Ғаниевич билан латиповлар ўртасида фарқ борми ўзи? Эшитинг, қани, у ўзининг ҳаёт йўли ҳақида надомат билан нималарни ўйлар экан?!

«Ушанда ҳам аблаҳлик қилган эдинг (Сайдазга)! «Ходага ўхшаб яшайвер!»— деган эдинг-а! Хўш, ўзинг-чи? Ўзинг... мансабу амал устунига девпечатдек чирмашиб, охири эришган мартабанг шу — «Фанлар академиясининг мухбир аъзоси!». Лекин бу Сайдазнинг жойими, Зафар Усмоновнинг жойими? Бўғотнинг тагидан тинчгина, секингина ўрмалаб бораверсанг, албатта, ҳали ҳақиқий аъзо ҳам, ундан каттаси ҳам бўласан, энг юксак чўққига эришсан!»

Омон Ғаниевич бу ўйларини нопок яшаганлигига иқрори, деб қабул қилавериш мумкин. Лекин у буни қачон, қандай шароитда, қандай кайфиятда ўйлапти,— ана шуни ҳисобга олиш керак. Ҳозир унинг дилига чироқ ёқса ёримайди. Чунки, мухбир аъзолликка сайланиши жуда чигал ва нохуш тасодифлар билан уланиб кетди. Номзодликка, ундан кўра, муносиброқ бўлган домла, кутилмаганда, қазо қилди. Оқибатда, унинг сайланиши «отнинг ўлими — итнинг байрами»га ўхшаш бир нарса бўлди. Боз устига, юксак унвон муносабати билан, ресторанда берган зиёфатига ўзи беҳад ҳурмат қиладиган, алоҳида лутф билан таклиф этилган кекса бир олим — ким билсин, муносиб кўрмадими, ёки кексачилик, тоби қочиб қолганми, хуллас, келмади. Тўрдаги столда икки тепакал профессор бутун зиёфат давомида, негадир сирли жилмайиб ўтиришди. Бурчакда, ёш олимлар даврисида кетма-кет янграб турган қаҳқаҳа, негадир, унинг кўзи шу томонга тушди дегунча, тўхтаб қолаверди. Яна, қаранг, Сайдазни бир оғиз таклиф этиш ёдидан кўтарилипти, шундай кунда-я, эҳ!.. Ана шундай шароит ва ҳолатда, яна бироз кайфинг ҳам бўлса, кишининг ҳаёлига нималар келиб, нималар кетмайди! Бундай пайтда ҳиссиёт ақлдан устунлик қилади. Тўғрини хатодан, гуноҳни савобдан ажратолмай қоласан киши. Аммо биз бундай ҳолат-кайфиятда эмасмиз, бинобарин, Омон Ғаниевичнинг ҳаёт йўли ҳақида шошилмасдан, ақл билан фикр юритиш имкониятига эгамиз-ку!

Хўш, Омон Ғаниевич олий мартабаларга қандай эришди? Бўғотнинг тагида елкасини қисиб юрибми? Йўқ. У фан йўлида астойдил меҳнат қилди, курашди. Бу мартабалар унга ана шу йўлда чеккан заҳматлари учун берилди. У на пассив, на чапани, балки ақлли курашчи эди!

Эсингиздами, оппоқ ёқа устидан капалакнуса бўйинбоғ таққан такаббур «эшик оғаси» уни — тугунча қўлтиқлаган кишлоқини ресторанига киритмай алам ўтказгани? Агар шунда, Омоннинг ўрнида Сайдаз бўлганда нима қиларди? Иккидан бири: ё, ке, юраманми, шу такаббур одамларга мустар бўлиб, дерди-да,

қайтиб кишлоққа жўнаворарди; ёки, хах, ҳамма кирган жойга нега мен кирмас эканман, деб тўполон кўтарарди. «Эшик оғаси» милиция чақирарди. Сайдаз яна саркашлик қилгач, оқибати нима бўлиши маълум! Кўряпсизки, Сайдаз ҳар иккала ҳолда ҳам енгилиши — шалвираб кишлоққа қайтиши тайин эди. Омончи? Омон нима қилди? У узоқни кўзлаб иш кўрувчи, вазмин курашчига хос иш тутди — индамади. Фақат, «ўлмасам бир кун мен бу такаббур одамларни бўйсундираман! Ана ўшанда, ҳаётимдаги энг бахтли воқеани шу ерда нишонлайман! Ўлмасам...» деган ниятни кўнглига қаттиқ тугиб қўйди. У ўлмади — ниятига етди!

Яна, эсингиздами, истеъдодли йигит — Нуриддин ноҳақлик қурбони бўлаётганини сезиб, Омон Ғаниевичдан кўмак сўраб келган эди. Ушанда, Омон Ғаниевичнинг ўрнида, Сайдаз бўлганда нима қиларди? иккидан бири: ё дарҳол институтга бориб, жанжал кўтарарди. Жанжал кўтариш учун эса далил-дастак керак. Латиповлар бу далил-дастакни осонгина бериб қўядиган анойилардан эмас. Шундай қилиб, далил-дастаксиз бошланган жанжал бесамара тугаши турган гап эди. Қолаверса, бу жанжал Нуриддинни ҳам, Сайдазнинг ўзини ҳам бевурд қиларди; ёки, иккинчиси, Сайдаз ака Нуриддинга, биламан, сен қобилиятли йигитсан, лекин мен таниш-билишчи эмасман. Бундай ишни ёмон кўраман. Мен ўқишга кирганимда ҳеч ким ёрдам бергани йўқ. Қўлингдан келса, кир ўқишга, дер, Нуриддиннинг дилини хуфтон қилиб, уйдан чиқарарди. Истеъдодли йигит дили хуфтон бўлгани устига, ноҳақликнинг қурбони ҳам бўлиб кетаверарди.

Омон Ғаниевич нима қилди? Чекинди. «Очиғи-да, баъзан, жуда мушкул вазиятларда бизга ҳам чекинишга тўғри келади», дейди у. Лекин, эътибор бериб қаранг-а, бу қанақа чекиниш ўзи? Тўғри, у чекинди. Номуҳимни, яъни шакли бой бериб, мазмунни, яъни муҳимни сақлаб қолди. Унинг учун мазмун — энг муҳими, ўқишга истеъдодли абитуриентнинг кириши эди. Нуриддинни «страховка» қилди, яъни тегишли дўстларига секин айтиб қўйди. Йўқ, Нуриддин ҳамюрти бўлгани учун эмас. Балки ўзи истеъдодли бўлгани учун, буни яхши билгани учун шундай қилди ва... мақсадига эришди. Бу ҳам галаба эмасми? Бўлгуси латиповлар сони, ҳеч бўлмаса, биттага камаймадими? Истеъдодли студентлар сафи биттага кенгаймадими? Ана шу битта устунликнинг ўзи келажакда яна кўплаб устунликларни келтириб чиқармайдими? Ахлоқсиз, саводсиз домлаларга қарши чинакам ҳужумга ўтиш пайтини яқинлаштирайдими? Сабр-тоқат ҳам курашчи учун энг муҳим фазилатлардан эмасми? Омон Ғаниевич ана шундай курашчи эди!

Эсингиздами, бошқалар олимпиадага бир муҳтарам профессорнинг қизини юборишмоқчи

эди. Бунга Омон Ғаниевич қарши чиқди. Бўш келмади. Нега қарши чиқди? Нега бу гал дарҳол ҳужумга ўта қолди? Чунки, очиқ ҳужумга ўтиш учун унда ҳамма шарт-шароит, далил-дастаклар етарли эди.

Буларни ҳам қўяверинг. Энг охиргиси — Фанлар академиясига сайланишини олинг. Фаннинг муқаддас даргоҳидаги бу ўринни ким эгаллайди? Мансабпараст, сурбет латиповларми ёки Зариф Усмонов, — унингдек ҳақиқий олимларми? Бу масала, Сайдаз ака қўзғаб юрган жанжалларга қараганда, юз чандон аҳамиятлироқ эканини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Зариф Усмонович қаёқдаю ўзи қаёқдалигини Омон Ғаниевич биларди. Шундай одам билан бир қаторга ўзининг ҳам номзодини қўйса, мазах бўлишини, бошқаларнинг кўзига мансабпараст, шуҳратпарастдек кўринишини билар, бундан уяларди. Аммо у яна бошқа нарсани ҳам биларди. Агар у номзодини қўймаса, сурбет Латипов ўз номзодини қўяди (уятни биладими у!) Қўйгач эса хуфиёна ишини бошлар, таниш-билиш, ҳомий ахтарар, ким билади дейсиз, эҳтимол енгиб чиқиши ҳам мумкин эди. Демак, аввалдан унга бу ўринни бермаслик, бошданоқ уни бор имкониятдан маҳрум этиш керак. Омон Ғаниевич шундай қилди.

У одамлар нима дейишаркин, мансабпараст, деб аташмасикин, деган мулоҳазаларга бориб ўтирмади. Вазият ниҳоятда мураккаб, ниҳоятда нозик, у эса темир эмас, одам эди, бинобарин, бундай мулоҳазаларга борса ҳам, телба бўлиб қолгудек ҳолга тушса ҳам, кураш манфаати учун бажариши керак бўлган ишни қилди. Позицияни сурбет латиповларга бериб қўймади. Мухбир аъзоликка ўз номзодини қўйди ва галаба қозонди! Фаннинг муқаддас даргоҳини нопоклардан сақлаб қолди. Бу унинг ҳаётида энг бахтли, ресторанда нишонлашга арзийдиган воқеа эди. Нишонлади ҳам.

Хўш, шундай кишини бўғотнинг тагида елка қисиб юрганликда айблаб бўладими? Йўқ, албатта. Фақат кураш илмидан беҳабар, айтайлик, Сайдазгина уни шундайлар сирасига қўйиши мумкин.

Омон билан Сайдаз бир синфда ўқиб, бир қишлоқда ўсган бўлишларига қарамай, нега натижа ҳар хил бўлди? Тўғри, Омонда Сайдаздагидек юксак туғма қобилият йўқ эди. Аммо унда Сайдазда бўлмаган бошқа бир фазилат — ўз-ўзидан қоникмаслик, яхшилик томон ўз-ўзини такомиллаштира боришга муттасил интилиш бор эди. Зеро, яхшилик нимадан иборат эканини ҳам биларди. У фавқулодда фаросатли, сабр-тоқатли, тиришқоқ эди. Шунингдек, унинг қалбида ёмонлик, адолатсизликка қарши нафрат, яхшилик, одилликка нисбатан муҳаббат туйғуси ҳам кучли эди. Бу фазилатларни унга эртақлар инъом этган бўлса ажаб эмас. Ахир, у — «эртақнинг кони» эди.

Эртақлар эса адабиёт — ҳаёт дарсликлари дидир.

Болалигида Омон учун энг юксак намуна Сайдаз эди. Ундаги қобилият, мустақиллик; шахдамлик, қандайдир шижоатли, ўқтам кўриниши эди. Омон унга «минг, миллион марта ҳавас қиларди». Аммо ҳасад қилмасди. Маълумки, ҳасаднинг кўзи кўр бўлади. Омон эса ҳеч қачон Сайдазга кўр-кўрона эргашмади. У Сайдазга ҳавас қилар, унингдек бўлишга интилар эди-ю, аммо чапанича қилиқларига эргашшдан ўзини тия оларди. Тўғри, бир марта Сайдазга тақлид қилиб этик олдирди, этигининг кўнжини қайириб юрди. Лекин тақлид-таассуби шундан нарига ўтмади.

Сайдазга келсак, турмуши каби, унинг ўзи ҳам ниҳоятда мураккаб эди. Юксак туғма қобилияти уни янада шошириб қўйди. Қобилият, маълумки, ҳали натижа эмас, имкониятдир, уни асраш, тарбиялаш, қисқаси, тўғри ўзанга солиб юбориш керак. Аммо бу иш билан ҳеч ким — на мактаб, на оила, на ўзи тузук-курук шугулланмади. Омон билан биров шугулланганмиди? У барча фазилатларини эртақлардан олгани-ку, тўғри, лекин уни эртақлар дунёсига ким йўллади? Бунисини биз билмаймиз. Езувчи бу ҳақда маълумот бермайди. Биз фақат шуни биламиз: Омон бу дунёга кирган эди. Ундаги қобилият оддий бўлса ҳамки, тўғри ўзанга тушган эди. Сайдаздаги фавқулодда юксак қобилият эса тўғри ўзанга тушолмай қолди. Сайдаз етимча, акаси билан келинойисининг қўлида қолган бола эди. Аммо гап бунда эмас. Гап акаси билан келинойиси Сайдазнинг тарбияси билан шугулланмаганида! Улар Сайдаздаги қобилиятни икки пулга ҳам олишмас, умуман, бу қобилиятнинг уларга кераги ҳам йўқ эди. У сув олиб келса, кул тўкиб келса, ўтга борса, шунинг ўзи кифоя эди. Қисқаси, оила Сайдаздаги қобилиятни менсимас, бу ҳаракати билан уни таҳқирлар, мактаб эса... Мактаб Сайдазга, ундаги қобилиятни бўрттирар, шу қобилияти учун уни, унинг барча қилиқларини кечирар, хуллас, талтайтирарди. Шунинг учун ҳам, Сайдаз оилада сиқилар, сўниб, маънос тортиб қолар, унда адолатсизликка қарши алам, ўч ҳисси тугилиб, ўсиб борар (ҳа, у бу туйғуни ўз турмушидан олган эди, асло эртақлардан эмас. Эртақлар унинг учун бор-йўғи чўпчак эди), мактабда эса яйрар, эркин қушдек юрар эди. Оиладаги торчиликнинг ўрнини мактабдаги кенгчилик билан тўлдирарди. Шундай бўлгач, «хой, ука, ўзингдаги бу қобилиятга кўпам бино қўяверма», деб ҳеч ким унинг кўзини вақтида очиб қўймади. У ўзини янада эркин қўяверди. Учига чиққан тўполончи бўлди, нос чекишни ўрганди, қарта ўйнашни одат қилди. Сайдаздаги фавқулодда қобилият уни олий мартабаларга элтувчи эмас, балки нотўғри ўзандан оқишига имкон берувчи воситага айланиб қолди.

Бу ўринда, ҳамма айбни катталарга — оила ва мактабга қўйиш ҳам жуда тўғри бўлмас.

Одамнинг ўзида ҳам бўлиши керак-да! «Ўзида бўлмаса бекор», деб бежиз айтилмаган, ахир. Сайдаз тўққизинчи синфда мактабдан қувила-ёзганда, қолаверса, медалдан махрум бўлганида, ҳар қалай, ҳушини йиғиб олиши керак эди. Лекин, на илож, ҳушини йиғиб олмади. Нотўғри ўзандан оққанича кетаверди. Бунда катталар кўпроқ айбдорми, Сайдазнинг ўзими, аниқлаш қийин. Ҳар ҳолда, бошида айб катталардан ўтган эди. Кейин... Сайдазнинг ўзидан. Ахир, қаранг, аҳвол институтда ҳам эски зайлда давом этди-да! Омоннинг умри кутубхонада ўтар, Сайдаз эса қиш кунлари йилт этган қуёшдек бу ерда аҳён-аҳёнда пайдо бўларди, холос. У, ён атрофидагилардан юқори туришининг ўзи ҳали ҳеч нарса эмаслигини, билиш чексиз эканини, демак, қанча истеъдодли бўлмасин, барибир, тинмай ўқиши, ўрганиши, изланиши кераклигини, бунинг учун кутубхонада сабр-тоқат билан ўтириши лозимлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Бундай киши юксак мақсадлар, гоёлар учун кураш соҳасида тўпланган неча асрлик тажрибалардан, билимлардан бебаҳра қолиши табиий эди. Дарҳақиқат, шундай бўлганини юқорида кўрдик. Омон эса, аксинча, барча олий гоёларнинг амалдаги мужассамаи — адолатли жамият учун курашувчилар сафига ҳам маънавий, ҳам маърифий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрган ҳолда қўшилди. У эришган барча муваффақиятлар гарови аввало ана шунда эди.

Шу билан мақоламизни тугаллаб қўя қолсак ҳам бўлар эди. Аммо Сайдаз аканинг бизга битта даъвоси бор:

— Хўш, — дейди у. — Ҳамма гап шундами-ди? Омон Ғаниевич менга, бировни ака, бировни ука қилиб ишингни битирсанг-чи, демаганми-ди? Бу — иккиюзламачилик, яъни бўғотнинг тагида елка қисиб юриш эмасми?!

Бир қарашда, Сайдаз аканинг даъвосида жон бордек кўринади. Омон Ғаниевич унга ҳақиқатан ҳам, шундай маслаҳат берган. Лекин масалага чуқурроқ қарайлик-чи, нега шундай деган экан? Бундай қараш Омон Ғаниевичнинг гапини тўғрироқ, холисроқ баҳолашимизга, бу икки дўстни бир-биридан янада яхшироқ фарқлаб олишимизга имкон беради.

Эртақлар Омонга юқорида кўрганларимиздан ташқари, яна кўпгина фазилатлар ҳам инъом этган. У одобли, хушмуомала, одамларга нисбатан меҳр-оқибатли, андишали, хуллас, нозик инсоний туйғулар эгаси эди. Айтайлик, «Бўзбола» эртагини ўқиганда, «кўзларидан тирқираб ёш оқар, бепоён дашт йўлида бошини қуйи солган кўйи танҳо кетиб бораётган маъюс Бўзболанинг ортидан жимгина эргашиб кетгиси келар эди». Меҳр-оқибат Сайдазда ҳам йўқ эмасди, албатта. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Омонга қора кунда катта пул бериб кетганини эслашнинг ўзи кифоя. Лекин бу кўпроқ чапани дўстнинг меҳр-оқибати эди. У дўстнинг моддий жиҳатдан қийналиб қолга-

нини сезади. Аммо руҳий азобларини-чи? Йўқ. Унинг қалби, ички, нозик туйғуларни тушунишдан йироқроқ. Ваҳоланки, Омоннинг руҳий азоблари моддий жиҳатдан қийналиб қолганидаги азобларига қараганда ўн чандон ортиқ эди. Яна бу азобларни унга Сайдазнинг ўзи берарди. Гап шундаки, Сайдаз жиртакилик қилиб, институтни ташлаб кетди ва охир-оқибатда ҳеч нарса бўлмади. Омон, дўсти шу қадар истеъдодли билан ўсмаганидан, ўзининг эса ундам истеъдодсиз бўла туриб, катта муваффақиятларга эришаётганидан хижолат чекарди. Ўзини қандайдир ноқулай сезиб, андиша билан, дамба-дам мартабаларга бўғотнинг тагида ўрмалаб юриб, эришмаяпманми ишқилиб, деган шубҳаларга берарди. Сайдаз ўзининг бемаъни феъли, хатти-ҳаракати билан дўстини бир умр ана шундай азобга қўйди. Қолаверса, у муваффақиятсизликларини, ҳақиқатчилигим учун шундай бўляпти, деб ҳисобларди. Омоннинг ютуқларини эса бўғотнинг тагида ўрмалаб юрганидан, деб биларди, менсимасди. Яна буни андишасизлик, оғзи полвонлик билан айтиб, ҳар учрашувда Омоннинг дилини хуфтон қиларди. Аммо Омон буларнинг ҳаммасига чидар, ҳаммасини кечирар, туриш-турмушини ёмон асосга қурган дўстига ҳамиша меҳр кўзи билан қарарди. Бир куни кўрсаки, дўсти бевақт қариб қолибди. Лекин ҳамон бемаъни феълини ташламаган. Ҳануз арзимаган нарсалар учун жанжал кўтариб, ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам асабини бузиб юрипти. Яна бу ишини ҳақиқат йўлидаги кураш, деб атайди. Омон эса унга ачинади. Азбаройи ачинганидан шундай насихат қилади:

— «Менга қара, доим нима балони талашсан? А? Э, ошна, сенга айтсам, ҳаёт дегани бамисоли денгиздек гап: ким қанча қўшди-ю, ким қанча олди, барибир билиб бўлмайди. Шундай экан, нима керак бошингни қотириб? Бировни ака, бировни ука қилиб ишингни битирсанг-чи!»

Омон бу насихати нотўғри эканини ўзи ҳам билади. Лекин нима десин, ҳа, шундай яшайвер, курашавер, десинми?! Йўқ, дўсти курашиб шу ҳолга тушадиган бўлса, қайтага курашмай қўяқолса ҳам майли эди. Ахир, жуда қийналиб кетишти-ку, бечора! Аммо Сайдаз Омондаги бу ҳиссиётни тушунмайди. Ҳануз осмондан келади:

— «Шу гапларни ўз каллангдан, мана шу профессор каллангдан чиқариб айтяпсанми? Ке, энсамни қотирма-да, ошингни е!»

— «Бунақада икки дунё косанг оқармайди».

— «Нуқул косам оқарсин деганнинг юзи қора бўлади.»

Ҳа, Сайдаз ака гап уқадиганлардан эмас эди. Энди Омон нима ҳам десин: кураш, кураш, дейсан, курашиб нима қилдинг, қани, нимага эришдинг, айт? Эришганинг шу — табелчи қариндошига ўн сўм ортиқча ёзганини фош

этганингми? Эришганинг билан йўқотганинг ўртасидаги фарқни ҳеч тушунасанми ўзи, галварс, дейдими? Бу, ўзи шундоқ ҳам адои тамом бўлган дўстини устига чиқиб тепкилаш бўлмай-дими? Йўқ, Омон бундай қилолмайди (унинг одамийлиги, бутун хатоси. ҳа, биз минг-миллион марталар ҳавас қилишимизга арзийдиган хатоси ҳам эҳтимол шундадир!). У тушунади. Шунинг учун индамайди. Бир гапдан қолиб кўя қолади. Бир сафар, тоққа қилинган сайр чоғида, Сайдаз жон-жонидан ўтказиб юборганда, индаган, хомага ўхшаб яшайвер, деган. Бу кўполлиги, тошбағирлиги ёдига тушса, то ҳануз азоб чекади, ич-этини ейди. Бинобарин, Омон Ғаниевич ахлоқий жиҳатдан ҳам беқиёс даражада юксак киши эди. Лекин ёши элликлардан ошиб кетган бу киши ўз-ўзини такомиллаштиришдан тўхтагани йўқ. Эътибор беринг-а, у яшаб ўтган бутун йўлини қайта бошдан сарпосанги қилиб кўряпти:

«Эҳтимол, мен нотўғри яшагандирман. Аммо сен-чи (Сайдаз)? Сенинг йўригинг бошқа. Лекин

Латипов, шу мансабпараст, сурбет латиповлар даври даврон сурганда, мен сенга ўхшаб четда туролмадим. Айбиммиди бу, хатоммиди?»

Ҳа, у четда турмади, туролмади. Сайдаз ака позицияни ташлаб, чўлга — кўкрак кериб юриш, ҳар ҳолда, осонроқ бўлган кўчага кетганида, Омон кураш майдонида қолди. Айбиммиди бу, хатосимиди? У ўзини ўзи тергайди. Бундай киши, мабодо, катта курашнинг мушкул, чигал йўлларида кеча адашган бўлса ҳам, бугун ё эртага, албатта, тўғри йўлга тушиб олади. Янги жамиятни ана шундай кишилар қурадилар. Ҳозир ҳам улар, айтайлик, Сайдаз акаларга нисбатан, кўпроқ қураптилар. Янги, коммунистик жамият пассив ва чапани курашчилар камайиб, Омон Ғаниевичдек онгли курашчилар кўпайган сари, янада тезроқ қад кўтараверади.

Хайриддин Султоновнинг «Қоғоз гуллар»<sup>1</sup> ҳикоясида тасвирланган икки ҳаёт — икки умр сабоғи, бизнингча, ана шулардан иборат. Бундай сабоқ берадиган асарлар эса қайта-қайта ўқиб, қадрлашимизга арзийди.

## Сабоқни табиий гуллардан олайлик

СУЛАЙМОН  
РАҲМОН

Кўриниб турибдики, Шокирали Нуралиев феъл-атвори бир-бирига зид икки адабий қаҳрамон мисолида жамиятимиз учун қайси типдаги одамлар кўпроқ зарур, улардан қайси бири эл-юртга кўпроқ фойда келтиради, деган муҳим ижтимоий муаммани ўртага қўяди ва зўр бериб, унинг ўз сўзлари билан айтганда: «илшмш-лиқликни ёмон кўрадиган», «ҳақиқат, адалат учун умр бўйи курашиб яшаган», «ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайдиган фидойилик кўрсатган», «кўчанинг ўртасида кўкрак кериб юрмаган йигит йигитми?» деб яшайдиган, хуллас, «умрини ибратли яшади, деб айтишга ҳамма асослар бор...» бўлган Сайдазимни «курашга ноқобилликда», тактикани билмасликда, чапаниликда айблайдди.

Хўш, аслида шундайми? Етимликда воияга етган, математика соҳасида фавқулодда туғма истеъдодга эга бўлган, ҳақитни юзга рўй-рост айтишдан тап тошртмайдиган, бир қадар қизиққон, бир қадар жўмард, букилмас характер эгаси — Сайдазимга ана шу таънау дашномлар равоми? Нима, бу хусусиятлар инсон учун нуқсонми? Нега? Биз қачондан бери адолатпарварлик, ҳақиқатгўйлик, тўғрисўзлик, ўктамлик каби инсоний хислатларни айб ҳисоблайдиган бўлиб қолдик? Қачондан бери «Гап

келганда отангни аяма», «Бошингга қилич келса ҳам тўғри сўзла», «Ҳақиқатни юзга айтганининг захри йўқ», «Дўст ачитиб гапирди...» ва бошқа шу руҳдаги минг йиллар синовидан ўтган ҳикмату мақолларни бир чеккага суриб қўйиб, «Тилни тийган — бой бўлади», қабалида иш кўрадиган бўлиб қолдик? Қачондан бошлаб ноҳақликка қарши очиқ-ошкор кураш олиб боришдан воз кечдик ва тулкига хос муғамбирлик билан яшашни, пайт пойлаб ҳужум қилишни ёки кутилмаганда орқадан ташланиб қолишни — номардларча ҳаёт кечиршни ёқлайдиган бўлиб қолдик?

Мен Ш. Нуралиев мақоласини ўқир эканман. ҳаёлимга ана шундай саволлар келаверди. Чунки танқидчи илгари сураётган фикр, у ҳимоя қилаётган кураш принципи мени ҳайрон қолдирди. биз ҳамиша адабиётдаги дадил, курашчан қаҳрамонлардан ўрнат олиб келганмиз: жафокаш Ғофирнинг бой отага айтган оташин, дарғазаб сўзларини ёд қилиб юборганмиз; Йўлчини миршабга «чўқмордай муштини» кўтаргани учун севиб қолганмиз. Хуллас, адолат ва ҳақиқат учун очиқ-ошкор кураш олиб

<sup>1</sup> Хайриддин Султонов. Қоғоз гуллар. Ҳикоя. «Гулистон» журнали, 1980 йил, 6-сон.

бориш бизнинг онгимизга мардлик ва жасорат намунаси сифатида ўрнашган. Ва бирдан... Шокирали Нуралиев бизга Хайриддин Султоновнинг «Қоғоз гуллар» ҳикояси қаҳрамони Сайдазимни у «ҳақиқат, адолат учун курашиб яшади. Курашдан ҳануз совигани йўқ. Саккиз боланинг отаси экани, турмуш ташвишлари босидан ошиб ётгани, кексалик устига яна касалманд ҳам бўлишига қарамасдан, ҳозир ҳам совхоздаги алақандай бир ноҳақликни фош этиш учун жанжал қўзғаб юрибди. Бундай фидойилик ҳамманинг ҳам қўлидан келармайди» деб таништиргани ҳолди, ана шу «гуноҳлари» учин шўрликнинг юзига қора бўёқ торта бошлайди. У саволни кўндаланг қўяди: «Хўш, Сайдаз аканинг бу курашидан, ундаги ажойиб фазилатлардан жамиятга нима наф келди?»

Биз шу ўринда бир нарсани аниқлаб олишни истар эдик: Ш. Нуралиев Сайдазининг қайси курашини назарда тутяпти? Сайдаз ким билан, қачон, қандай курашган? Биз уни ҳикоядан туғма қобилият эгаси бўлишига қарамасдан, бир ноҳўя ҳаракати туфайли институтда ўқишдан маҳрум бўлган, ҳамма қатори армия хизматини ўтаб қайтган, ҳозир эса деҳқончиликда ҳалол меҳнат қилиб юрган бир одам сифатида биламиз. шундай экан, Ш. Нуралиев унинг қайси ҳаракатини «кураш» деб атамоқда? Наҳотки, у Сайдазининг ректорга айтган икки оғиз гапини кураш деб тушунса? Ё биз унинг хатти-ҳаракатидаги курашни илғаб ололмаёмизми? Қани, кўрайлик-чи, Сайдаз ўзи қандай одам экан?

Авалло, уни биз ҳикояда Омон Ғаниевич нигоҳи орқали кўрамиз. Болаликдан Сайдазга ҳавас ва ҳасад билан қараб юрадиган, фикри-зикри доим унга етиб олиш, ундан ўзиб кетиш бўлиб келган Омоннинг нигоҳи уни бизга самимий кўрсатармикан? Ахир, Омон Ғаниевичнинг ўз ҳаётининг принциплари бор, у Сайдазимни ана шу нуқтаи назардан таҳлил этмасмикан? Ҳар ҳолда, шу жиҳатларни эътибордан соқит қилмаслигимиз лозим. Хўш, Сайдазим Омон Ғаниевич учун ким? Болалиги бирга ўтган синфдош дўстми? Ҳа! Лекин фақат бугина эмас...

Сайдаз мактабда учига чиққан тўполончи эди; уйда эса — елкасида обкаш — сувга қатнайди, қўлида замбилгалтак — тепага кул тўкиб келади... Етим бўлса ҳам ориятли — мактаб «махсус ажратган» этикни олмайди; чапанироқ — нос чекади, қарта ўйнайди; лекин туғма истеъдод эгаси — математикада ўзидан бошқа ҳаммани танг қолдиради; ҳаётда бир-икки бор панд еган — нос чеккани учун мактабда медалдан маҳрум бўлган; маслаҳат бергани учун институтдан ҳайдалган; тили аччиқроқ: юзингда кўзинг борми, демайди! Ҳақгўй, аммо жабрдийда: бор гуноҳи — ректорга «Фалончиларни ҳайданг!», деб маслаҳат бергани. Ш. Ну-

ралиевга оддий бир студентнинг ректордай одамга маслаҳат бериши эриш туюлгандир, лекин масаланинг маҳиятига назар солинса, бунинг ҳеч қандай ғайритабиий жойи йўқ. Негаки, бизнинг жамиятимизда барча граждандар тенг ҳуқуқли, бинобарин, у студентми ё ректорми, бундай қатъий назар, умум манфаатини, жамият манфаатини ўйлаши керак: ноҳўиз хатти-ҳаракатни пайқаган заҳоти фош этиши, мавжуд нуқсонларни бартараф этиши лозим. Бунда мансаб ва ёшнинг аҳамияти йўқ — ҳамма бар-баравар иштирок этиши керак. Бу — социалистик тузумнинг ўзига хос принципларидан бири. Буни яқинда. КПСС Марказий Комитетининг Июль пленумида сўзлаган нутқида ўртоқ Ю. В. Андропов яна бир бор алоҳида таъкидлади: «Биздаги ҳамма кишилар жамият олдида баб-баравар ҳуқуқларга эгадирлар, уларнинг вазифалари ҳам баб-баравар». Шундай экан, Сайдазининг ректорга маслаҳат беришида ҳеч қандай ғайриқонунийлик йўқ, аксинча, бу ҳаракат қўллаб-қувватлашга лойиқ эмасми? Қанийди, ҳамма ҳам Сайдазга ўхшаб юқори мартабали раҳбарга жамият манфаатини кўзлаб, маслаҳатлар бериш учун ўзида журъат топса! Афсуски, Сайдазининг бу маслаҳати ўзи учун қимматга тушди: ректор унга «Иккинчи бунақа фисқи фасод билан бошимни қотирма! Ўқигани келган бўлсанг — ўқишингни бил!», дея ўшқириб беради.

Хўш, ректорнинг Сайдазга шундай муомаласи тўғрими? Ш. Нуралиев: «Бу айни ҳолатда тўғри маслаҳат эди», дейди. Наҳотки? Олий ўқув юрти раҳбари ўз олдида маслаҳат билан кирган студентга ўшқириб учун қандай маънавий ҳуқуққа эга? Раҳбарликдаги бундай муомалани социалистик тузумимиз принциплари рад этади. Агар у чинакам маданиятли, маърифатли раҳбар бўлганида: «Раҳмат, ука, биз сизнинг бу ахборотингизни албатта инобатга оламиз, текширамиз, чора кўрамиз», деб уни яхши гапириб чиқариб юбориши ҳам мумкин эди. Шу билан олам гулистон бўларди: Сайдазининг сўкиши учун имкон туғилмасди, фан улуг бир олимдан жудо бўлмасди. Қолаверса, ректор чинакам коммунист, чинакам ватанпарвар одам бўлганида, студентнинг саводсиз ва хотинбоз домлалар тўғрисидаги ахборотини эътиборсиз қолдирмас эди, негаки, шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Афсуски, ректор ўз бурчини ҳалол ўтамади. Оқибатда, жабрни Сайдаз кўрди: ўқишдан кетишга мажбур бўлди. Бунга ёлғиз Сайдазининг ўзи ёки ректоргина айбдор эмас, бутун жамоатчилик, биринчи навбатда факультет коллективи ҳам айбдор. Негаки, «Иккинчи курсни тугатганларида... Сайдазни порлоқ келажак, улкан илмий кашфиётлар кутаётгани кўпчиликка аён бўлиб қолган эди...» Бу — бир. Иккинчидан, Сайдаз ректор билан «отасининг молини талашгани» йўқ, унга хотинбоз ва саводсиз одамларнинг баҳридан

ўтишни маслаҳат берди, изҳори қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, бу — моҳият эътибори билан жамият учун гоёт фойдали тиклиф эди.

Хуллас, Сайдаз институтдан кетди. Ректорнинг ноҳақлигини ва ўзининг ҳақлигини исботлашга, студентлик ҳуқуқини сақлаб қолишга уринмади, яъни курашмади, чекинди. Ш. Нуралиев айтмоқчи, позицияни ражабовлар ва мирҳосиловаларга қолдириб кетди. Хўш, Омон Ғаниевич, Ш. Нуралиев таъбирича, «ақлли, тадбиркор курашчи» Омон Ғаниевич нима қилди? Нега у Сайдаз гапига қулоқ солмагач, бу масалага жамоатчилик фикрини қаратмади? Бирор тадбир топиб, ақл-фаросат билан иш юритиб, Сайдазни институтда олиб қолишни ўйламади? Аксинча, «кураш майдонида» қолган Омон Ғаниевич ўзи билан ўзи овора бўлди: диссертация ёқлади, бўлим мудирини бўлди, профессорликка кўтарилди, Фанлар академиясига мухбир аъзо бўлди... хуллас, фан ривожига унча-мунча ҳисса қўшди. Аммо айни пайтда Кенжа Неъматов каби шогирдлар тайёрлади, Тонготар Раҳимов каби истеъдодли ёш олимлар йўлига тўғаноқ бўлишни ўйлади, юксак унвонга муносиб бир олим дунёдан ўтиб, ўрни ўзига қолганидан ичида суюнди; ён-верида эса мирҳосиловалар ҳам, ражабовлар ҳам уймалашиб юрибди, у бирортасининг ёқасидан жуфтлаб, «Сен саводсизсан, сен хотинбозсан!» дея олгани йўқ, фақат қулайи келиб қолгандагина Нуриддинга ўхшаш битта-яримта истеъдодли болаларга ёрдам қилади. Асосан мешчанларча ҳаёт кечириш пайдидан бўлади: бир маҳаллар алам ўтказган такаббур «эшик оғаси»дан ўч олади — отнинг ўлими — итнинг байрами бўлиб, ўзига тегиб қолган унвон муносабати билан дабдабали зиёфат беради. Омон Ғаниевичнинг маънавий оламига қанча чуқур кириб борсак, унинг кимлиги шунча яққолроқ аён бўла боради. У болалигида Сайдазга етиб олиш, ундан ўзиб кетиш учун интилган эди; вояга етганида «маггур шаҳарни забт этиш, такаббур одамларни бўйсундириш учун» тиришди. Уни қарангки, Омон Ғаниевич анча омади чопган одам чиқиб қолди, югурганники эмас, буюрганники, дегандек, мактабда медални Сайдаз эмас, у олди; институтда Сайдаз эмас, у ўқиди; туғма истеъдодига қарамай, олим деган номга Сайдаз эмас, у муяссар бўлди; Фанлар академиясининг мухбир аъзоси деган унвон ҳам унга насиб этди.. Қолбуки, адолат ва ҳақиқат буларнинг барини Сайдазга муносиб кўрган бўлур эди. Омон Ғаниевич бунини тушунади. Шундай дабдабали зиёфатда бамайлихотир ўтиролмаганининг бош сабаби ҳам шу. Унинг ўзига ишончи йўқ, ўзининг бу юксак унвонга арзимаслигини яхши билади. Шунинг учун ҳам «ўзи беҳад ҳурмат қиладиган, алоҳида лутф билан таклиф этилган кекса бир олимнинг зиёфатга келмаганидан», «Тўрдаги столда иккита тепакал профессор

бутун зиёфат давомида сирли илжайиб ўтирганидан», «ёш олимлар даврасида кетма-кет янграб турган қаҳқаҳа, ўзининг кўзи шу томонга тушди дегунча тўхтаб қолаверганидан» шубҳаланади. Шунинг учун «Қип-қизил чинни-гулларда ҳеч қандай ҳид туймайди», улар назарида қоғоздан ясалгандек бўлиб туюлади. Ана шунда... унинг ёдига лоп этиб Сайдаз тушади. Сайдаз — унинг учун маълум маънода ҳақиқат мезони. У ўз қилмишларини Сайдаз нигоҳи билан баҳолайди, унинг қаричи билан ўлчайди. Ҳа, у инсофсизлик қилди, арзимаса ҳам ўз номзодини қўйди ва ғалаба қозонди. Ҳаммаси яхши кетяпти, хамирдан қил сугургандай... Лекин Сайдазнинг айтадиган гапи тайин: «Нима, амал, мартаба деб шунчалик имонингни ютдингми? Ахир, ўзинг индаллосини айт: Зариф Усмонов қаёқдаю сен қаёқда?! Шундай одам турганда номзодингни қўйгани уялмадингми?» Сайдаз — ҳақ. Лекин... Сайдаз унинг учун оддийгина Сайдазим эмас, у — болалигининг беғубор хотираси, мусаффо нафаси; Сайдаз — болалигида ўзи айтган эртақ, маггур Бўзбола; Сайдаз — болаликнинг гирашира тонгида чарақлаб турган юлдуз; Омон бир умр унга интилиб яшади: у қўнжини қайириб этик кийса, бу ҳам қўнжини қайириб этик кийди, лекин қўнгли тўлмади; Сайдаз математикадан аъло ўқиса, бу ҳам аъло ўқиди, лекин минг бир машаққат билан! Сайдаз бари бир тутқич бермади: Сайдаз «чапаниларча олди очик костюмининг кўкрак чўнтагида нос ўраш учун беш-олти варақ қоғоз олиб» мактабга борарди, бу эса зилдек дарслик солинган портфель кўтариб юришга мажбур эди; Сайдаз кечқурунлари гузардаги чойхонада қарта ўйнаб, эртаси дарсда масалаларни кўз очиб юмгунча ҳал этарди, бу эса тун бўйи ширин уйқудан кечиши, «математика муаллимининг хотини — ёшгина келинчакнинг кўзига бало-қазодек кўриниши керак эди»; Сайдаз саводсиз ва хотинбоз домлаларни ҳайданг, деб ректорга маслаҳат беради, бу эса бундай қилиқни ақлига ҳам сиғдиролмайди; Омон чўнтагида ҳемири йўқ, уйланмоқчи бўлганда, Сайдаз уч минг сўм нақд пул бериб ёрдам қилади, у эса Сайдаз суяк силига чалиниб ётганда тузукроқ шифохонага ҳам жойлаштиролмайди — дўсти бунга изн бермайди; Хуллас, у Сайдазга етолмади! Сайдаз унинг учун ҳақиқат тимсоли, адолат тимсоли бўлиб қолаверди. Сайдаз бамисоли кўзгу, Омон унга рўбарў бўлгандагина ўз асл қиёфасини кўради. Уни қаранг, Омон ундан нақадар йироқлаб кетибди. Бунини ҳозир, ҳамма нарсага эришиб бўлиб, зиёфатдан кейин ҳис этди. У Сайдазни, унинг аччиқ, аммо ҳақ гапларини соғинган. Сохта муомалалардан, таъмали хушомадлардан безиб кетди; қоғоз гулларнинг йўқ ҳидидан тўйди, унга ҳақиқий, табиий гул — Сайдаз керак...

Хўш, Омон Ғаниевич бу аҳволга қандай тушиб қолди? У ўзи асли қандай одам?

У ҳавасманд, ҳасадгўй одам эди. Аввал бошдан Сайдазнинг туғма қобилиятига ҳасад қилади, «Хап, сендан ўзмасамми!» қабилда иш тутади, чиранди; Омон Ғаниевич — шухратпараст: Сайдазга етиб олиш, ундан ўзиб кетиш учун ўзини ҳам, математика муаллимини ҳам, ҳатто унинг хотини — ёшгина келинчакни ҳам аямайди; Омон Ғаниевич — кекчи: қишлоғидан олиб келган жийда, туршак, қурут мрамар полга сочилиб, ер билан битта бўлганида, «Улмасам, бир кун мен бу мағрур шаҳарни забт этаман! Бу такаббур одамларни бўйсундираман!» деб кўнглига тугиб қўйган; Омон Ғаниевич — мунофиқ: «Телефонда навбатдаги қутловга жавоб қайтараётиб, «Кошки дардингни билмасам! Лекин диссертациянгга оппонент бўламанми-йўқми, худо билади», деб ўйлайди-да:

— Раҳмат, раҳмат, гоят миннатдорман. Албатта. Хўп, дўстим, келинг мундай, бир отамлашамиз», дея иккиюзламачилик қилади. Еки, «Кечки пайт институт йўлагиди баланд бўйли, тепакал одамнинг қизгин табрикларини тоқат билан эшитаркан: «Тумшугингга бир тушурсам», деб кўнглидан ўтказди, кейин эса илжайганча:

— Раҳмат. Хўп, омон бўлинг, келинг бир, суҳбатингизни соғинганман» дейди; Омон Ғаниевич — кўрқоқ: Мирҳосилованинг саводсизлигини билади, лекин билмасликка олади; Ражабовнинг хотинбозлигидан хабардор, лекин ҳеч ким индамайди-ку, деб, у ҳам индамайди; Омон Ғаниевич — мурасоз: Сайдазга «Бировни ака, бировни ука қилиб ишингни битирсанг-чи!», деб маслаҳат беради; Омон Ғаниевич — худбин: истеъдодли ёшларни, масалан, Тонготар Раҳимовни кўролмайди. Шугинами? Йўқ. У атрофдаги бирор кимсага самимий эмас. Унинг назарида: Сайдаз истеъдодли, аммо итфеъл; Неъматов — ялтоқ, хушомадгўй; уни унвон билан табриклаганларнинг ҳаммаси таъмағир, лаганбардор; «эшик оғаси» — такаббур; ҳамкасблари эса... уни кўролмайди, улар «фанга мутлақо алоқаси йўқ, сохта олимлар. Таниш-билиш, юксак мартаба қуллари...»

Ана шундай одамни Шокирвали Нуралиев «ақлли, тадбиркор курашчи» деб атайди. Хўш, унинг нимаси курашчи? Унинг бутун фаолияти бизга аён: у аъло ўқишга интилган, бировга ёмон кўринмасликка ҳаракат қилган, мушкул вазиятларда кечинган, Сайдаздан ўзаман деб чиранган, лекин асло курашган эмас. Бордию шуларни кураш деб атаган тақдиримизда ҳам, бу фақат шон-шухрат учун, амал учун, шахсий обрў-эътибор учун кураш бўлиб чиқади. Унинг фаолиятида Шокирвали Нуралиев назарда тутган катта ижтимоий манфаатлар йўлидаги ҳақиқат ва адолат учун кураш кўринмайди. Бундай кураш Сайдазим фаолиятида ҳам йўқ.

Фақат у ҳамманинг ўзига ўхшаб тўғри ва ҳалол бўлишини истайди. Йўқ, у ҳам курашчан эмас, нари борса, бир маслаҳатгўй. Умрида бир бор маслаҳат бериб, ҳали-ҳали жабрини тортиб юради, тўғрироғи, ўзи бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўйган. Гарчанд у курашчи бўлмаса ҳам, орияти бор: елкасини қисиб юриб олим бўлишдан кўра, далага чиқиб кетмон чопишни афзал билади. Негаки, у етимликда ўсган: шунинг учун иложи борича бировга оғирини туширмасликка, муте, сизинди бўлиб яшамасликка тиришади. Бу, балки, ёшлигида акаси ёки келинойисидан еган дакки-дашномлар мевасидир. Балки у ана шу ақиданинг оқибати ўлароқ ўзинг учун ўл етим, қабилда иш тутар: мактабнинг «махсус ажратган» этигини олмас; ректордан узр сўрашга бўйни ёр бермас; Омоннинг кўмаги билан «зўр касалхонага» ётиб даволанишни истамас; ўғлининг Омон Ғаниевичдан ёрдам сўраб боришига тоқат қилолмас... Ҳар қалай, у ғалабага ҳар ким ўз кучи билан эришсин, деган фикр тарафдори. Четдан куч жалб этишни, «бировларга бош эгишни» ёмон кўради. Унинг шиори ҳамма вақт ва ҳамма ишда — мустақиллик! Хўш, бу ёмонни, яхшими? Тасаввур этинг: агар ҳамма ҳам Сайдазга ўхшаб яшаса, яъни, ўз мақсадини мустақил равишда амалга оширса, жамиятга бундан қандай манфаат етган бўларди? Аввало, мисол учун, олий ўқув юртлирида ҳамма ўз билимига яраша баҳо олган ва Нуриддин сингари истеъдодли студентлар қолиб «муҳтарам профессорнинг қизини» олимпиадага юбориш учун уришлар бўлмас эди. Омон Ғаниевич эса асосий иши — илми бир ёққа қўйиб, «ноҳақлик қурбони бўлиб кетишига сал қолган» нуриддинларни «страховка» қилиш билан овора бўлиб юрмас эди. Кўряписизми, агар ҳамма ҳам Сайдаз йўлидан бориб, таниш-билишчиликдан воз кечса, казо-казоларнинг мададига суянмаса, мирҳосиловалар ҳам, ражабовлар ҳам кун кўролмас эди, бинобарин, фан сайдазлар тимсолида улуг олимлардан жудо бўлмас эди; Омон Ғаниевич сингарилар эса ўз истеъдодига номуносиб мартабаларни эгаллай олмас эди! — Сайдазнинг ҳаёт принципи замирида ана шундай эзгу маъно ётибди. Начора, ҳаёт мураккаб: у турли қарама-қаршилиқлардан, бир-бирига зид қутблардан иборат. Унда дарс пайтида нос чекканини кечири олмайдиган ва Сайдазни медалдан маҳрум этадиган математика муаллимлари ҳам, бюрократ ректор ҳам, саводсиз Мирҳосилова билан хотинбоз Ражабов ҳам, елкасини қисиб юриб, ишини битирадиган Омон Ғаниевич ҳам бор. Бундай одамларнинг айтган сўзи билан қилган иши бир-бирига тўғри келмайди; улар одамига қараб муомала қиладилар; улар — кўрқоқ, писмиқ, аини пайтда шухратпараст, манфаатпараст, устомон одамлар; улар зоҳиран хушфеъл, хушмуомала, маданиятли бўлиб кўринадилар, аслида эса... бу



зотларнинг соғлом олмани ичдан кемираётган куртдан нима фарқи бор?

Сайдаз мана шундай одамларга қарши. Бу унинг туриш-турмушидан, гап-сўзларидан маълум. Гарчи у бундай одамларга қарши ўт очмаса ҳам, улар билан курашмаса ҳам, уларни ёмон кўради. У ҳар қандай ҳолда ҳам ҳақиқат ва адолат тарафдори, ўз маслагидан қайтмайди. Тўғри, у жангари ва тўпорилиги туфайли Омон Ғаниевичга ўхшаб катта мартабаларга, юксак унвонларга эришолмади, лекин у Омон Ғаниевичга ўхшаб, инсондаги энг ноёб бойлик — имон ва эътиқодни, ор-номусни, иззат-нафсни, инсоф ва диёнатни бой бермади; одамийлигини, виждонини, ҳалоллигини йўқотмади; ҳақиқатпарварлигича қолди. Уйлаб кўринг: шунинг ўзи, яъни атрофда Омон Ғаниевич сингари беозор мешчанлар, кишибилмас шухратпарастлар, мушфиқ-мулоим мурасосозлар, Мирҳосилова каби саводсизлар, Неъматовга ўхшаган ялтоқлар, Сайдаз каби инсофли, диёнатли, ориятли, номусли одамлар ҳам борлигининг ўзи катта бойлик эмасми?

Шокирали Нуралиев ёзади: «Модомики, ҳаммани танг қолдирадиган истеъдод ҳаммани танг қолдирарли натижалар бермаган экан, умрини жамият манфаатлари йўлида адолат, ҳақиқат учун курашиб ўтказган киши, охир оқибатда одамлар назаридан қолган экан, бу — бизнингча, фожиадир». Тўппа-тўғри! Агар шундай ҳол чиндан ҳам рўй берса, бу — фожа бўлади. Лекин Сайдаз ҳаётида бундай фожа рўй берган эмас: у одамлар назаридан қолгани йўқ. Қани, ким уни бармоқ нуқиб, ёмонлайди? Ҳеч ким! Ҳамқишлоқларими? Йўқ! Улар Сайдазни жуда яхши биладилар ва яхши кўрадилар. Шунинг учун ҳам у Омон Ғаниевич билан жиғиллашиб қолганида, улар Омонга: «Келинг энди, сиз бир гапдан қолақолинг, дўстингизнинг феълени биласиз-ку, масаланинг тагига етмагунча қўймайди», қабилда, Сайдазнинг ўта принципиаллигига ишора қиладилар, вассалом. Уни Омон Ғаниевич ёмон кўради-ми? Асло! Агар у ёмон кўрса, ҳаётининг энг бахтли кунда уни эслайдими, икки йил олдинги ўша жанжални унутиб, катта бошини кичик қилиб, унинг олдига йўл оладими? Уни соғиниб, ҳатто унга сиғиниб борадими? Мабодо бир пайт «Кўрнамак!», «Итфеъл!» деган бўлса, жаҳл устида айтган. Қулоқ солинг-а, ўша ўринсиз сўзлари учун у ўзини нима деб койимокда: «Ушанда ҳам аблаҳлик қилган эдинг! — деб ўйлади надомат билан. — «Ходага ўхшаб яшайвер!», деган эдинг-а?»

Шокирали Нуралиевга Сайдазнинг ректорга маслаҳат бериши ҳам, «аллақандай жанжаллар қўзғаб, доимо нима балонидир таллашиб» юриши ҳам, «Е деворнинг у ёғига ўтинг, ё бу ёғига! Е имонсиз бўлинг, ё...» дейиши ҳам, «Кўчанинг ўртасида кўкрагини кериб юрмаган йигит йигитми? Бўйнида иллоти бор одамгина бўғот-

нинг тагида елкасини қисиб юради», деган гаплари ҳам ёқмайди. У Сайдазни баҳолашда фантазияга эрк беради: унинг характерини ўзича ривожлантириб, уни айрим ситуацияларга солиб кўради. Бу тажриба яхши. Фақат ўзини оқласа! Лекин фактларни бузмаслик керак-да. Кўрдикки, Сайдаз курашчан қаҳрамон эмас. Бор-йўғи, ноҳақликни ёмон кўрадиган, ҳамма иш рисоладигидек бўлишни ёқтирадиган одам, тўғри одам. Ш. Нуралиев эса уни «ўта актив — яъни чапани курашчи», у «курашни фақат хужумдан иборат деб билади», дея даъво қилади ва Сайдазнинг фаолиятини шу нуқтаи назардан туриб таҳлил этади. Сайдазнинг гап-сўзларини нотўғри шарҳлайди. Омон қишлоққа ҳар келганида Сайдазни бир амаллаб ўқишни давом эттиришга даъват этади, Сайдаз авваллари кулиб, кейинчалик маъносиз жавоб қайтаради: «Йўқ, энди ўқиб шаҳар олиб берармидик?» Ш. Нуралиев бундан шундай маъно ўқийди: «Шунча истеъдод билан олим бўлолмай қолганининг сабабини сўраб кўринг. У кулиб, «ит билан ҳам чиқишолмайдиган феълим» сабаб, деб кўрсатади. Хўш, бу ўзининг барча кўргуликларига (?) ўжар феъл сабаб эканига иқрорими? Агар иқрори бўлса, нега бу гапни афсус билан эмас, кулиб айт-япти?»

Авваламбор, Сайдазнинг гап оҳангида бундай маънолар йўқ, унда пушаймон бор, қолаверса, агар Сайдаз шундай фикр юритса, бунинг нимаси ёмон? Ахир виждонли бўлиш, имонни ютмаслик, бўғотнинг тагида елка қисиб юрмаслик, оқни — оқ, қорани — қора демоқлик, ҳамма жойда ҳақ гапни айтмоқлик — кишида ана шундай хислатларнинг борлиги унинг чинакам инсонлигидан далолат эмасми? Бизнинг жамиятимиз, социалистик тузумимиз ана шундай фазилатларни улуғламаймиди, кадрламаймиди? Нега буни Ш. Нуралиев бошқача талқин этади — «Сизга, менга, бошқаларга кесатяпти», дейди? Демак, «сиз, мен, бошқалар» виждонсиз эканмиз-да? Оқни — оқ, қорани — қора, демас эканмиз-да? Тўғри гапирмас эканмиз-да?!

Бу ҳам майли. У Сайдаздай ҳақиқат тарафдорини «Ҳақиқат — осмонда, нарвони — червонда» дегувчилар сафига қўшиб қўйганига нима дейсиз? Ахир Сайдаз ҳақиқат борлигини инкор этаётгани йўқ, у билимдон кишилар ҳамиша мақсадига етишини билади. Айтайлик, у ўғли Нуриддиннинг ўқишга ўз кучи билан кирганига, олимпиадага ҳам адолат юзасидан ўз кучи билан борганига юз фоиз ишонарди. Аммо унинг ана шу ишончига «ақлли, тадбиркор курашчи» Омон Ғаниевич раҳна солмадими? Агар мен «страховка» қилмаганимда ўғлинг ноҳақлик қурбони бўлиб кетиши мумкин эди, деб у айтмадими? Хўш, энди ўйлаб кўринг-чи, улардан қайси бири ҳақиқат йўқ, деб жар солувчилар сирасига киради? Уша, ўрта йўл тарафдори, «ақлли, тадбиркор курашчи» Омон

Ғаниевич! Бу одам кимлигини ўзи айтиб турибди: «Хўш, ўзинг-чи? Ўзинг... мансабу амал устунига девпечакдек чирмашиб, охири эришган мартабанг шу — «Фанлар академиясининг мухбир аъзоси!» Лекин бу Сайдазининг жойими, Зариф Усмоновнинг жойими? Бўғотнинг тагидан т и н ч г и н а, с е к и н г и н а (таъкид бизники — С. Р.) ўрмалаб бораверсанг — албатта, ҳали ҳақиқий аъзо ҳам, ундан каттаси ҳам бўласан...» Шундан кейин ҳам Ш. Нуралиев уни оқлашга тиришади: Омон Ғаниевичнинг ана шу икрорини унинг ҳолати, кайфияти билан боғлаб изоҳламоқчи бўлади: «Ҳозир унинг дилига чироқ ёқса ёримайди. Чунки, мухбир аъзоликка сайланиши жуда чигал ва нохуш тасодифлар билан уланиб кетди...» Модомики, Омон Ғаниевич «фан йўлидаги астойдил меҳнатлари, курашлари, чеккан заҳматлари» эвазига шундай юксак унвонга сазовор кўрилган экан, нега у галаба нашъасини суриш ўрнига дили хуфтон бўлиб ўтирибди? Наҳотки, унинг кўнглига «чигал ва нохуш тасодифлар»(?), зиёфат пайтидаги «икки тепакал профессор» ёки «бурчакдаги ёш олимлар» шивир-шивири, қаҳқаҳаси ғашлик солган бўлса? Йўқ. Уни виждон қийнамоқда. У ўзининг нопок яшаганлигини, бу мансабу мартабаларга лойиқ эмаслигини сезиб қолди. Инсоф билан айтганда, бу унвон Сайдазники эди. Буни кўнглининг бир четида ўзи эътироф этиб турибди. Аммо Ш. Нуралиевнинг бунга ишонгиси келмайди. У яна «Ана шундай шароит ва ҳолатда, яна биров кайфинг ҳам бўлса, кишининг хаёлига нималар келиб кетмайди! Бундай пайтда ҳиссиёт ақлдан устулик қилади. Тўғрини хатодан, гуноҳни савобдан ажратолмай қоласан киши», деб Омон Ғаниевични оқлаш пайдан бўлади. Агар бу гапларга ишонсак, бутун ҳикоя чиппака чиқади-ку. Ахир бутун ҳикояда Омон Ғаниевичнинг ўз ҳаёти, Сайдазининг ҳаёти ҳам у орқали ўтяпти-ку. Йўқ, дўстим, Шокирали, уни бу «далиллар» билан оқлай олмайсиз. Уни сиз оқлашга уринаётганингиз билан у ўзини оқлашга уринаётгани йўқ: айбини бўйнига олиб турибди. Шуни кўра-била туриб, унинг кураш бобидаги маҳоратини, тадбиркорлигини мақтайсиз: «Тўғри, у чекинди. Номуҳимни, яъни шаклни бой бериб, мазмунни, яъни муҳимни сақлаб қолди», дейсиз. Виласизки, биз материаллистлармиз, бизнинг гоявий дастуриламалимиз — марксизм-ленинизм таълимоти. Бу таълимот бизни шакл билан мазмунни бир-бирдан ажратмай қарашга ўргатган: у биздан ҳамма ишда, шу жумладан, курашда ҳам шакл билан мазмун бирлигига эришишни талаб қилади. Сиз эса уларнинг бирини муҳим, иккинчисини номуҳим деб ажратасиз. Мазмун бирламчи, шакл иккиламчи деб қарайсиз. Ахир бу тўғри эмас-ку. Бизнинг ишимизда шакл ҳам, мазмун ҳам бирдай муҳим бўлиши керак. Сиз оқлаётган йўл — яъни, Омон Ғаниевичнинг истеъдодли

абитуриент — Нуриддинни «тегишли дўстларга секин айтиб» «страховка» қилиши — енг ичида иш кўриши бизнинг жамиятимизга хосми? Ахир бу ҳаракат, айни пайтда, мавжуд ноҳақликка ён босиш, уни тан олиш, уни ҳимоя қилиш, ҳатто тегирмонига сув куйиш эмасми? Демак, бу «страховка» қилишлари қонуний ҳол деб эълон этиш эмасми? Шу ноҳақликка қарши курашми? Шу курашнинг тўғри йўлими? «Ақлли, тадбиркор курашчи» Омон Ғаниевичнинг кураш принципи шуми? Агар шу бўлса, у ҳақиқат учун курашмаётган, балки ноҳақликка ён босаётган экан. Бизга бундай курашчиларнинг кераги йўқ, бизга ҳозир бўлмаса ҳам, вақти келиб ноҳақлик билан очиқ жангга кириша оладиган, тўғрисўз, жангари сайдазлар керак. Чунки уларнинг сўзи билан иши бир бўлади. Уларнинг курашида шакл билан мазмун бир бўлади. бунинг нақадар муҳимлигини ўртоқ Ю. В. Андроповнинг мана бу сўзларидан ҳам билиш мумкин: «Сўз билан ишнинг ҳамиша бир жойдан чиқишига эришиш, ишнинг моҳияти эса унинг шакли билан алмаштирилмаслиги ниҳоятда муҳимдир».

Омон Ғаниевичнинг лаблари армон ва ҳасрат билан пичирлайди: «Бўғотнинг тагидан тинчгина, секингина ўрмалаб бораверсанг — албатта, ҳали ҳақиқий аъзо ҳам, ундан каттаси ҳам бўласан, энг юксак чўққига эришсан! У чўққида сени ҳеч ким ҳеч қачон безовта қилмайди — «Бўзбола» ҳам, Сайдаз ҳам! У чўққида сени целлофан қоғозга ўралган гуллару целлофан қоғозга ўралган туйғуларгина кутади!» негаки, унинг ҳаётига риё, сохталик аралашди. Вақти келганда аллақандай бир таъма илинжида ўзи ёқтирмаган одамига ясама табассум билан қаради; жини суймаган кишиси билан, кучоқлашиб кўришишга мажбур бўлди; дилида сўкиб турган одамига тилида раҳмат айтди; бора-бора бу сохталик унинг бутун ҳаётига сингиб кетди — бутун умри шундан иборат бўлди; бу унинг ҳаёт принципига айланди! У сохталикни ҳатто туйғуларида ҳам ҳис этди...

Сайдаз бутунлай бошқа олам. Шунинг учун ҳам у Сайдазга ҳавас қилади, унга интилади. Сайдазининг ҳамма хатти-ҳаракатида табиийлик бор. Эсида, ҳатто увада чопон ҳам Сайдазга ярашарди. Унинг истеъдоди ҳам табиий, қилиқлари ҳам табиий эди. Омон эса... ҳатто аъло ўқишга тиришишида ҳам сохталик, атайинлик бор эди. Йўқ, у Сайдазга етолмайди! Сайдаз — у етолмаган ҳақиқат, у эришолмаган табиийлик. Унинг гуллари ҳам, туйғулари ҳам табиий. Зеро, у — жамиятимизнинг табиий бир гули. Биз сабоқни Сайдазга ўхшаш табиий гуллардан олмоғимиз керак. айни чоғда, асарларимиздаги Сайдаз ва Сайдазмижоз қахрамонларга тилагимиз ҳам йўқ эмас: истардикки, улар ҳақиқат ва адолатнинг шунчаки тарафдори бўлиб қолмасдан, амалда ана шу ҳақиқат ва адолат учун кураш олиб борсалар; ректорларга сўз уқтиролмай,

тақдирга қўл силтаб кетиш, чекиниш, яъни курашнинг пассив шаклига ўтиш ўрнига, аксинча, фаолроқ курашсалар, ноҳақликка қарши яна ҳам дадил, яна ҳам принципиал жангга кирсалар... Курашганда ҳам майда, бачкана, шахсий орзу-ҳаваслар учун эмас, балки жамият манфаатларини кўзлаб, юксак ижтимоий идеаллар — ҳақиқат ва адолат учун, коммунистик

этиқод учун, кишиларимизнинг гоъвий-сиёсий ва маънавий қиёфасига фаол таъсир кўрсата оладиган даражада дадил, жиддий курашмоқ керак. Ана шунда бундай қаҳрамонлар жамиятимиз маънавий ҳаёти такомилида яна ҳам муҳимроқ аҳамият касб этадилар. Ана шунда биз улардан ибрат ва сабоқ олишга кўпроқ интиламиз.



Тоғ бағрида.

У. АҲМЕДОВА фотоси.



**ИЎЛДОШ  
СУЛТОНОВ**

## *Сўзланмаган нутқ*

**Ехуд бир раиснинг  
шарҳи дили**

*Андижонлик журналист  
Иўлдош Султонов бу мақоласида колхоз  
хўжалигининг бутлиги, деҳқонлар  
рўзгорининг тўкинлиги билан боғлиқ  
баъзи муаммолар, кўпчиликнинг  
тили учида турган айрим  
масалалар ҳақида фикр юритади.*



ухтарам колхоз аҳли! Азизлар! Анчадан бери кўнглимда кўп гаплар йиғилиб қолган эди, сизга айтадиган дардларим, севинчларим, шукронам, раҳматим, гумонларим, хуллас, маслаҳатли гапим бор эди. Кўриб турибсизлар, сира ишдан қўл бўшамайди. Ниҳоят, бугун фурсат топдим. Тезроқ айтиб, юрагимни очмасам, гўё кечикиб қоладигандек бўлавердим... Озгина вақтингизни оламан. Қулоқ солинг.

Биласиз, колхозимиз осонликча оёққа турган эмас. У қанча-қанча курашлар, тўқнашувлар, тўкилган қонлар, кўз ёшлар ҳисобига қурилган жамиятнинг бир бўлаги. Ҳамма унинг тенг аъзоси: мен ҳам, сизлар ҳам. Колхознинг бешигини тебратиб, унинг камоли учун жон тикиб, оғир йилларда елкасига опичлаб оёққа турғизганлар ҳали тирик. Биринчи раис Турғун бобо, ҳосилот Алим оталарни яхши биласиз. Ўзи биринчи паранжи ташлаб, аёлларни ёппасига далага бошлаб чиққан, кейинчалик трактор ҳайдаган, бригадир бўлган, уч ўғлини бирдан фронтга жўнатиб, биронтасининг дийдорини қайтиб кўрмаган, паришонхаёл Қутлугъбиби ҳола ҳам орамизда. У ҳануз нималарнидир пичирлаб дала кезади. Ғўза бўй чўзгандан бошлаб, шона, гул, кўсак санайди. Пахта ҳам теради. Уватда ўтириб кўсак чувайди. Бу аёлнинг жонсараклиги юракка ларза солмайди-ми? Одамни сўнгсиз хаёлларга толдирмайди-ми? У далада нима йўқотган ўзи! Қай бирингиз жавоб бера оласиз бунга?..

Колхознинг тузилганига эллик йилдан ортган бўлса, мени раис қилиб сайлаганларингга ҳам ўн бир йил бўлибди. Мен раисликка ўтганимда ҳам колхоз кучли эди, юксалган эди. Энди яна ҳам қаддини ростлади, қудратли бўлди. Буни ўзларингиз кўриб турибсиз. Меҳнат қилдингиз, тер тўқдингиз, колхознинг бири минг бўлсин, дедингиз. Ҳозир колхозимиз райондагина эмас, областдаги сертармоқ, кифти кенг хўжаликлардан. Ҳозир колхоз кўчаларини кезган одам, яна айлансам, ҳуснига тўйсам дейди. Илгари у қандоқ эди, энди қандоқ бўлди. Майда маҳаллалар марказлашиб, замонавий типдаги янги қишлоқлар барпо бўлди... Илонизи тупроқ кўчалар ўрнини кенг, асфальтланган йўллар эгаллади. Квартал, тротуар, бульвар деган сўзлар бизга ёт эди. Энди-чи?.. Мактаб ҳам, боғча, шифохона, ҳаммому клуб ҳам, кинотеатр-у, кутубхона ҳам, истироҳат боғию стадион ҳам мавжуд. Талаб ҳам бошқача, аҳтиёж ҳам катта. Бундан йигирма йил нарида оддийгина дазмол ҳам борникида бор эди. Энди ҳар бирингиз ўз рўзгорингизга бир

назар ташланг-чи; радио, телевизор, холодильник, газ, телефон, сервант, чангютқич машина, гилам...

Яқингинада магнитофон деб магазинчиларнинг икки оёғини бир этикка тиқар эдингизлар. Энди бўлса, кинокамера буюрибсизлар. Оилавий тантаналарингизни энди фотосуратга эмас, эсдалик учун кинога туширишни одат қиляпсизлар.

Илгари, одамлар идорага пул сўраб, дон сўраб келарди, энди машина сўраб келяпти. Машина бўлгандаям қанақаси, — «Газ-24»! Лоф бўлса, мана, айтинглар!.. Коллективчиликнинг шарофати бу, ўртоқлар!

Янглишмасам, яқин йилларгача колхозчининг номи ҳам, мутахассислиги ҳам битта эди. Энди бизга жуда кўп мутахассис керак. Инженер, агроном, агрохимик, биохимик, боғбон-агроном, механик, архитектор, сантехник, ветврач, зоотехник, экономист, маданият, маиший хизмат бўйича мутахассислар, лаборантдан тортиб боғчаларга олий маълумотли педагоггача... Хуллас, ҳозирги ривож-равнақимизни ўша дастлабки йилларга солиштирсак, фарқи — ер билан осмонча. Лекин, ер ўша ер-ку? Аксинча, янги қурилишлар эвазига озайса-озаяптики, кўпайгани йўқ. Уватларни яниб, зовур четларини қиртишлаб пахта эктириш менга ҳавасми! Оз бўлса-да, ўша қисқарган ерлар ўрнини қопласа дейман. Илма-йил мўлроқ ҳосил олаяпмиз. Даромад яхши, биласизлар. Аммо, хазина доим тўлиб турмаса, эртага нима бўлишини ўзларингиз яхши биласизлар.

Колхоз бўлгандан кейин, иши тушган колхозчининг дардига малҳам топиш керак бўлади. Йўлини қилиб, унинг эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қиламиз. Ўша талаби қондирилган колхозчи, «Меҳнатим зое кетмабди, мана, зарур кунимда асқотди» деб хурсанд бўлади. Аммо, колхозда қўл учида ишлаб юрган бирортасининг айтганини қилмасанг, албатта, сени ёмонга чиқаради, ташида бўлмаса, ичида бўралаб сўкади. «Колхозники камайиб қолармиди, ўлгудай зиқна чиқди бу раис», деб тўнғиллайдиганлари ҳам топилади. Ахир, колхоз — менинг шахсий мулким эмас-ку, тўғри келганга тутқизиб юбораврадиган. Мен ҳам ҳисоб бераман. Сўраб-суриштирадиганлар бор. Аввало, мана сизларга жавоб бераман.

Пайқаб турибман, ораларингда бу гапларимни эшитиб: «жа ўзингни паришта кўрсатиб тумшугингни ҳўл сочиққа артаверма», деб ўйлаб ўтирганлар ҳам йўқ эмас. Тўғри, озми-кўпми исрофгарчиликка ҳам йўл қўяман. Бироқ атай эмас, ноиложликдан қиляпман буни. Сизлардан яширадиган сирим йўқ. Ишонмансанлар, идора ортидаги меҳмонхонага бир кириб кўринглар. У ерда нималар йўқ дейсиз! Ўрта баҳор бўлишига қарамай холодильникда сархил узум, олма, нок, анор, писта, бодомгача, жиззали патиру, қаймоқ, асалгача муҳайё.

Кўнгли тусаганларга ароқ, конъяк, минерал сувгача бор. Бодринг, помидор, лимон, апельсин-ку, истаганча. Хўш, буларга менинг бошим оғриганмиди? Мен ҳам сизларга ўхшаб, нон билан чой, бир коса шўрва ичсам кифоя. Лекин колхоз катта колхоз. Узоқ-яқиндан кунига-кунора дегандай, турли мавқедаги меҳмонлар, вакиллар келиб туради. Баъзи кунлари, икки юз-уч юз сўмгача, гоҳо ундан ҳам кўп пул сарф бўлади. Бир йилда 365 кун бор. Ўртача, уч юз сўмдан кетганда, ҳам юз мингнинг у ёқ-бу ёғига боради, Шунча нарсани меҳмон еди, деб бировга айта оламанми? Асло! Бу пулни колхоздаги юз тешикдан нечук тортиб олган бўлсам, ўрнига қоғоз тиқиб андавалайман. Агар ўша пулни сизларга бўлиб берсам-чи, анчадан теккан бўларди. Лекин иложим йўқ. Мен уларни сизларнинг номингиздан меҳмон қилишим керак. Ҳатто, ўзимдан кичик йигитларнинг қўлларига сув қуйиб, сочиқ тутганимни ҳам кўрганларингиз бордир. Бу, фақат бизда эмас, кўп ерда одат тусига кириб боряпти. Бундай мулозаматни кўриб, баъзан мезбон эмас, меҳмонларнинг ўзлари ҳам ўнғайсизланади. Лекин, начора, бусиз баъзиларининг чехраси очилмайди. Колхоз фойдасига битирадиган ишини холисанилло битирмайди. Таъна деб тушунманг, мен гоҳида сиз колхозчиларнинг манфаатларингизни ўйлаб, бировларга қўл қовуштираман. Илтимосига йўқ деёлмайман, таъмагирлигига чидайман. Ҳатто, нимасини яширай, салгина виждонимга хилоф иш ҳам қиламан. Ишқилиб, ўша вакил ё мансабдорнинг кўнглини овлайман. Негаки, колхознинг бир талай ҳаққи-ҳалол маблағи, хомашёси, олди-бердиси ўша «меҳмонлар»га боғлиқ. Улар бизнинг ўз фондимизни қисқартириши, энг бўлмаганда ишни пайсалга солиши, қандайдир йўллар билан бизни зир югуртириб, йўқ ердан ишқал чиқариб, бизнинг лимитни бошқаларга бериб юбориши мумкин.

Менга қолса, район умумий овқатланиш ташкилотига учраб, кичкина ошхонами, буфетми очтириб қўярдим. Аввало, колхоз идорасидагиларга қулай бўларди. Тушликда тентираб, овқат излаб юришмасди. Қолаверса, ҳалигидай меҳмон-вакилларнинг ташвишидан қутулардим. Ишини битириб, ошхонани кўрсатардим. «Марҳамат, ана, иссиқ таом, арзонгина, бемалол тамадди қилиб, дам олсинлар», дердим. Унинг кўнглини овлаб, қўлига сочиқ тутиб ўтиргунча, далага чиқиб, бирор сувчининг ҳолидан хабар олардим, чорвани кўрардим ё емхашак қандай тайёрланапти, деб қизиқардим. Э, қиламан деганга иш топилади-ку, биродарлар, нимасини айтай!

Лекин... бу — ҳозирча орзу, холос. Шундоқ бўлгач, раисдан норози кишилар, гоҳ оғзаки, гоҳ ёзма шикоят қилувчилар топилмайдими? Топилади. Мен ундайларни ёмонламоқчи эмасман. Юртчилик экан, барчани бирдай хурсанд қилиш қийин.

Сир эмас, устимдан арз ёзганлар ҳам бўлди. Боғларни бузиб, колхозчиларни мева-чевасиз қолдираётган эмишман. Бу, албатта, хусумат. «Езувчилар» масаланинг тагига етиб-етмай лоф уришди. Шийпонлар олдида кичкина боғча, томорқа хўжалиги бор эди. Колхозчилар фойдаланиб турсин, деган эдик. Лекин тескариси бўлиб чиқди. Пишиқчиликда ким кўринган сумкалаб, челақлаб ташишга тушади. Мен халта кўтарган одамнинг изидан қоровул бўлиб юролмайман-ку? Ҳўв, кўпчиликнинг насибасига қўл чўзма, деб дуч келганнинг ёқасига ёпишмоққа фурсат қани? У ёғини сўрасангиз, виждон, инсоф, уят деган гаплар бор...

Экинни бир киши экади, минг киши ейди. Бу тўғри. Аммо, кунда-кунора «райондан фалончи акам айтдилар, бир яшик шафтоли», «пистончиев акамлар илтимос қилдилар, икки яшик олма», деб бетиним элчилар келиб тураверса, не аҳволга тушасиз? Бермасанг — бир бало, бераверсанг, тоғ ҳам чидамайди.

Хуллас, устимдан ёзишди. Оқибат нима бўлди? Оқибат шу бўлдики, олти ой ёз колхозчининг оғзига тегиб турган сабзавотни экиш йўқолди. Энди колхозчига бир боғ пиёзни ҳам бозордан сотиб олиб бераймиз. Ҳолбуки, партия-ҳукуматимизнинг талаби бошқача. Виз ёрдамчи хўжаликни ривожлантириб, эҳтиёжиздан ортганини давлатга топширишимиз керак.

Баъзан, ўз рўзгорингизнинг камини бутлай олмай бошингиз қотади. Колхоз-чи, бу катта рўзгор. Унинг гамида баъзан йўқни йўндиришга тўғри келади. Ҳукуматга раҳмат, баъзан колхозчининг кассасига зарар етказмай, ўз ҳисобидан битирадиган ишлари ҳам кўп. Биласиз, кейинги йилларда давлат ҳисобидан бир неча иншоот қурилди: кўприк, мактаб, йўл, механизация ўқув юрти... Бу ишларга мутассадди кишилар орасида боя айтганимдай қуюқ дастурхонни кўрмаса, чеҳраси очилмайдиганлари ҳам бор экан. Уларнинг бирини ака, дедим, бирини ука. Бирининг товуғига дон, молига силосгача ташиб бердим. Рост, баъзида сизларнинг мол-қўйларингга ем-хашак беришга қурбим

етмаяпти. Бунга хижолат бўламан. Лекин, барибир, колхозчининг фойдасини, колхознинг келажагини деб кўнглим чопмаган ишларга қўл ураётганимни ўйлаб, таскин-тасалли топаман.

«Раисга маза» дейди баъзилар. Кўрганим, эшитганим бор, маза қилиб юрувчи раислар ҳам учрайди. Турли йўллар билан план бажариб, турли йўллар билан бойлик йиғиб, ёр-дўст, обрў орттириб юришибди. Рақамлар осмон фалак, кассаси эса бўм-бўш, колхозчилари, мутахассислари бошқа ёқларга кетиб қолаяпти. Аммо бу раиснинг парвосига ҳам келмайди. Бунақа «ташвиш»ларни ўйлашга унинг вақти йўқ. Аксинча, ярим яшар набирасига эллик сўмлик совға қилишга, узоқ қариндошларига машина олиб беришга, қаердадир ишрат қилишга вақт ҳам, пул ҳам топади унақалар.

Мен бўлсам, (нокамтар деб айбситманглар) саҳардан хуфтонгача колхоз гамида зир югураман. Уйга борсам болаларнинг кўпи ухлаган бўлади, тонг-саҳар-чиқишимда яна уйқуда ётишади. Қаерда юрибсан, қаерда турибсан, қандай ўқияпсан, деб оталарча кифтини силаб, бемалол гаплашиб ўтиргани фурсат қани? Яхшиям, ҳалигача биронтаси ёмон йўлга юриб, ўқишни ташлаб ё бетамизларга қўшилиб мени куйдирмади. Саёқ юриб, бирон фарзандим бирон жиноятга қўл урганда додимни кимга айтардим? Сизларнинг кўзингизга қандай қарардим?

Ана шунақа гаплар, азизлар.

Колхоз қудратли — соғломман, колхоз шуҳратли — эътиборлиман. Колхознинг бутлигини, сизларнинг рўзгорингиз тўкинлигини, бахтларингизни, шодликларингизни ўйлайман. Оромимни йўқотаман, баъзан соғлигимни... Лекин пушаймон эмасман. Кўпчиликнинг, асл меҳнатқашнинг икки оғиз раҳмати мен учун улур мукофот.

Мен Сизларга дил дардимни ёрдим, ана энди мен ҳақимдаги рост гапларингизни айтинг. Колхоз деса қафти қичиб турувчи таъмагирларга қандай муомала қилай? Колхознинг бирини юз қилиш учун қандай йўл тутай? Маслаҳат беринг, токи мен сизнинг назарларингиздан қолмай, токи ҳамisha юзим ёруғ бўлиб юрай...



## ОРИФ ФАРМОНОВ

### Уч конверт

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ

Корхона директори ишдан олиндию унинг вазифаси биринчи ўринбосар Шодмоновга қолди. Собиқ директор олаговур, тўполон орасида Шодмоновга омад тилади ва қўлига учта конверт топширди.

— Бошингга мушкул иш тушганда навбати билан очасан, ошнам — деди. Шодмонов кадрларни жой-жойига қўя бошлади. Ҳалимтабиат, бетга чопишни билмайдиган, қўлидан ҳеч бало келмаса ҳам ишга вақтида келиб ўрнида қимирламай ўтирадиган кишиларнинг «ҳўкизи туғиб» қолди. Орадан бирмунча вақт ўтгач, Шодмонов юмшоқсупургилар қуршовида корхонани айланиб, кунлик планнинг бажарилишини текширди. План бажарилмаётган эди. У ишчиларни тўплаб мажлис ўтказди, бутун нотиқлик санъатини ишга солди. «Агар шу аҳвол давом этадиган бўлса, ҳаммангни ўтказиб-турғизаман!» деди. Юмшоқсупургилари эса уни қарсақлар, хитоблар билан қўллаб-қўлтиқлаб туришди.

Лекин эртасига ҳам план олтмиш фоизга етмади. «Ҳа, майли, беш кунлиги бажарилар» деб ўйлади Шодмонов. Бу режаси ҳам амалга ошмагач, ўн кунликка кўз тутди. Сўнгра ойлик планга...

Шодмонов елиб-югурар, бақириб-чақирар, аммо барибир, фойдаси йўқ эди. Гоҳ хомашё

етишмас, гоҳ ток келмай қолар, гоҳ станоклар ишдан чиқар эди.

Бир куни корхонани комиссия босди. Шодмонов тиширичилаб қолди. Тунлари бедор тўлганиб чиқар эди. Шунда тўсатдан эсига собиқ директор топшириб кетган конвертлар тушди. Шодмоновнинг кўзлари чарақлаб кетди ва сапчиб туриб биринчи конвертни олди. Очдию, шоша-пиша ундаги ёзувга кўз югуртирди: «Ҳамма айбни менга тўнкайвер».

Шодмоновнинг бўғзидан чуқур «уф» отилиб чиқди. Ўзини қушдай енгил сезди.

Чиндан конвертдаги ҳикматли сўзлар уни бу гал қутқариб қолди. Камчиликларни тузатиш учун муддат беришди. Шодмонов собиқ директордан хурсанд бўлди.

Шундай қилиб, у ишни давом эттирди. Орадан бир неча ой ўтди. Корхонани тагин комиссия босди, чунки у ҳануз қоқоқлик ботқоғидан чиқолмаган эди. Шодмонов ҳаммани зир югуртирар, лекин негадир сира иши юришмасди. У худди ношуд сувчига ўхшарди: бир томонга қараса, иккинчи томондан сув уриб кетади, иккинчи томонга қараса — учинчи томондан...

Комиссия ўз ишини тугатиб энди якун ясаймиз, деб турганда аҳвол танглигини сезган Шодмонов уйига югурди ва иккинчи конвертни очди. Унда қуйидаги ёзув бор эди: «Оғзингни тўлдириб ваъда бер!»

Шундан сўнг у ваъдалар рўйхатини тузиб чиқди ва муҳокама пайтида оғзини тўлдириб ваъз айтди:

— Қадрдон комиссия аъзолари! Раҳмат сизларга! Минг бор раҳмат! Кўзимиз энди очилди. Сизлар кўрсатган камчиликларни битта қўймай тузатамиз. Янаги келишларингизда корхонани мутлақо танимай қоласизлар. Электр симларини бутунлай янгилаймиз, станокларни алмаштирамиз, илғор технологияни жорий қиламиз, ишчиларнинг иш шароитлари юз фоиз яхшиланади, уларни моддий рағбатлантиришни йўлга қўямиз. Лойиҳа институтига реконструкция учун буюртма берамиз. Еш кадрларни ўқинишга жўнатиб, ўзимизга малакали мутахассислар тайёрлаймиз. Хуллас, бир сўз билан айтганда ишларимизни бир юз саксон даражага ўзгартирамиз!..

Шундай қилиб, Шодмонов яна ўз лавозимида қолди. Аммо бу ваъдаларни бажариш осон эмас эди. Кунларнинг бирида Шодмонов тагин пиллаб қолди. Ҳамма умид охирги конвертда эди. У нажот излаб учинчи конвертга ташланди. Конверт ичидаги бир парча қоғозда эса шундай ёзув бор эди: «Энди сен ҳам менга ўхшаб учта конверт тайёрлаб туравер!»

## АВТОРЛАРИМИЗ

**Шароф БОШБЕКОВ.** 1951 йили Самарқанд область Булунғур районида туғилган. 1974 йилда А. Островский номидаги Театр ва рассомлик санъати институтининг актёрлик факультетини битирган. «Тақдир эшиги», «Тикансиз типратиканлар» пьесалари сахналаштирилган. Муқимий номидаги Ўзбек Давлат музыкали драма ва комедия театрида хизмат қилади.

**Аббос САИДОВ.** 1956 йили Тошкентда туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетини (1979) тугатган. 1982 йилда «Юлдуз ойга яқин» номли илк ҳикоялар тўплами чоп этилган. «Еш гвардия» нашриётида ишлайди.


**Тўра СУЛАЙМОН.** 1934 йили Жиззах областида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган (1963), «Мен қайга борар бўлсам», «Жаҳонгашта», «Қоракўзим», «Илтижо», «Тўйбоши» сингари ўндан ортиқ шеърӣ тўпламларнинг муаллифи. Ўзбекистон ССР Езувчилар союзининг Сирдарё область бўлимида хизмат қилади.

**Йўлдош СУЛТОНОВ.** Шаҳрихонда туғилган. Андижон Давлат педагогика институтини тугатган. Очерк, ҳажвий ҳикоя ва болаларга бағишланган шеърлари матбуотда эълон қилинган. Москва район радиоэшиттириш редакциясида ишлайди.

**Эрвин УМЕРОВ.** 1938 йилда туғилган. 1965 йили Москвадаги М. Горький номидаги Жаҳон Адабиёти институтини тамомлаган. «Ленин байраги» республика газетасида, сўнгра Москва радиосида ишлади. Ҳозир «Детская литература» нашриётида катта муҳаррир. «Ҳар доим бўлсин қуёш», «Кўкстол йўли», «Икки ўт орасида», «Иккинчи келин» «Кўзларинг нури» ва «Қадрдон кулбам» каби ҳикоялари татар, ўзбек ҳамда рус тилларида чоп этилган. «Эчкиқоя тошчалари» ҳикояси «Йилдыз» журналининг 1981 йил, 2-сонидан олиб таржима қилинди.

**Муҳаммаджон ЮСУФОВ.** 1954 йили Андижон область Марҳамат районида туғилган. 1978 йилда Республика Рус тили ва адабиёти институтини тамомлаган. Шеърлари тез-тез матбуотда кўриниб туради. «Тошкент оқшоми» газетаси редакциясида ишлайди.

## АВТОРЛАРИМИЗ



Сўзсиз сурат

Расми  
Б. ТОЖИЕВ чизган.

«Ешлик» («Молодость») — ежемесячный литературно-художественный и общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган Союза писателей  
Узбекской ССР

Рассом: **Х. СОЛИХОВ**  
Техник редактор: **В. УРУСОВА**  
Корректор: **У. ҲОШИМОВ.**

Адресимиз: 700000. Тошкент-П.  
Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар:

Бош редактор ўринбосари —  
32-54-73

Масъул секретарь — 32-56-27

Проза бўлими — 32-57-34

Шеърӣят, адабий танқид ва  
санъат бўлимлари — 32-56-41

Ижтимоий-сиёсий бўлим — 31-  
54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёмасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёмаларининг қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда, «Ешлик»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 27.06.83 й. да туширилди. Босишга 16.08.83 й. да рухсат берилди. Р—07337. Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>6</sub>. Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 10,3. Тиражи 86933 нуска. Буюртма № 1166. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети

«Еш гвардия» нашриёти.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Бойроқ орденли босмахонаси.  
Тошкент, 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26.

© «Ешлик» № 8, 1983.

«Еш гвардия» нашриёти.